


А.Ҳасанов


Макка ба Мадина тарихи



А.Ҳасанов

МАККА
ВА
МАДИНА
ТАРИХИ

(ҚАДИМГИ АРАБИСТОН
ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР)



Тошкент "Мехнат" 1992

Ушбу китобда мусулмон дунёсининг қадимий шаҳарлари – Маккан мұкаррама тағы Мадинаи мұнавваранинг пайдо бўлши тарихи ишк марта ишончли қадимий манбалар асосида ёритилади. Шунингдек, асарнинг иккинчи қисмида қадимги Арабистон динлари, яъни Ислом вуҷудга келгунга қадар Арабистон ярим оролмда мавжуд бўлган динлар, уларнинг моҳияти, юзага келиш сабаблари факт ва ҳужжатлар асосида қизиқарни ҳикоя қилинади.

Кенг китобхоналар юмасига майланган.

Тақризчи – У.Уватов, филология фанлари номзоди, доцент.
Муҳаррир – Мансур Тенглашев, филология фанлари номзоди.

Китоб ҳақидаги фикр ва муроҷазаларингизни қўйидаги манзилда йўллашингиз мумкин: Президент Ыларжунослик олийкоҳи, Истомшунослик кафедраси. А. Ҳасановга.

ISBN 5-8244-0885-8

© "Меҳнат" нашриёти, 1992.
"Спитамен" жамияти.

ТАҚДИМ

Құлингиздаги китобни том маъноси билан Ўзбекистон ижтимоиётіда бошланған янгича тафаккурнинг самарала-ридан бири деб бағолаш мумкин. Маълумки, яхин ўтмишда чөп этилган ҳар қандай тарихий адабиётда муаллиф үзининг ижтимоий-иктисодий формациялар ҳақидаги марксистик таълимотга содиқ эканлыгини албатта таъкидлаши шарт зди. А.Ҳасанов эса, аксинча, бу таълимот китоб мавзуига зид эканлыгини ошқора айтады.

Яна бир мұлоҳаза зәтиборга сазовор. Истаймизми – йүқми, Шарқ билан Гарбнинг тараққиётіда ўзига хослик азалдан бор. Лекин минг ағсусларким, жумхуриятимизда шу пайтгача Шарқ тарихи ҳақида асосан Гарб тарихчилари ҳамда рус-совет тарихшуносларининг фикри тарғиб қилиб келинди. Оқибатда биз бирёзлама ёндациш асыры бўлиб қолдик. Энди бундай фикрларни тафтиш қилиш, уларнинг маъқулларини ижкор қилмаган ҳолда, ўзимизнинг мустақил фикрларимизни илгари суриш пайти келди.

Шу жиҳатдан А.Ҳасанов тақдим қилаётган китоб таҳсинаға лойик. Сўз бошига қараганда, бу – тайёрланадаётган катта асаддан иккى шингилдир.

Маълумки, ҳозирги күнда Саудия Арабистонининг подшоси "Ходим ал-ҳарамайн ағ-шариғайн, яъни иккى муқаддас жойининг ходими (хизматкори) деган фахринг унвонга эта. Бу ерда Макка ва Мадина шаҳарлари кўзда тутилаётгани ҳаммага аён. Шу пайтгача совет тарихчилигига ислом дини Макка жамиятида ҳукм сургат кризис натижасида вужудта келган, деб уқтирилади. Китобнинг Макка тарихига сид қисмиди А.Ҳасанов, аксинча, ўша даврда шаҳар гуллаб-яшиаб тургани, шаҳардаги савдо аристократияси Арабистон ярим ороли буйлаб ўз гегемонлигини деярли ўриатганини тақдиқловчи кўплаб далиллар келтиради.

Ясриб (Мадина) шаҳар-давлати хусусидаги маълумотлар. ҳам китобхонни қизиқтириши шубҳасиз. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, ислом арафасида Мадина аҳолисининг тахминан ярмини яҳудийлар ташкил қилганлар, улар ҳосилдор ерларни эгаллаган, кенг кўламда хўжалик ишлари, жумладан, тиллафурушлик билан шуғулланганлар ва араб аҳолисига нисбатан тўқроқ яшаганлар. Аммо шаҳарда араб-яҳудий қарама-қаршилигига қараганда арабларнинг ўзаро низоси кучлироқ бўлган. Илк мусулмон жамоасининг Муҳаммад алайҳиссалом етакчилигида Маккадан Мадинага қилган ҳижраси биринчи навбатда ана шу низога барҳам берди.

Китобнинг исломдан олдинги Арабистон динларига багишланган қисмида ҳам китобхонга таниш бўлмаган нодир фактлар келтирилган. Айниқса "ташқи" динлар (христиан, яҳудий, зардустийлик) нинг исломдан олдинги араб жамиятига таъсири масаласида муаллиф тутган мавқе теран ва мантиқийдир.

Менингча, энг жонли чиққан лавҳа муаллиф ўзи "баъзи фикр мулоҳазаларимиз баҳсга сабаб бўлиши мумкин," деб кўзда тутган китобнинг охирги қисмидир. А.Ҳасанов ўзбек исломшунослигига биринчи бор ислом арафасида "худоларнинг сони биз ўйлагандек жуда кўп (300 дан ортиқ) эмас, балки, аксинча, уларнинг сафи шунчалик сийраклашган эдики, араблар якка худолик (тавҳид) гөясини қабул қилишга етилиб қолгандилар", деган фикрни билдиради.

Макка мушриклари ҳақидаги мулоҳаза ҳам қизиқарлидир. Қуръони ҳарим оятларига асосланиб, А.Ҳасанов исломолди Макка аҳлиниң аксарияти санамларга сигиниш билан бир қаторда Оллоҳнинг мавжудлигини тан олганлари (аз-Зумар сураси, 3-6; ал-Анбиё сураси, 24), жинажиналарни Оллоҳга шерик қилганлари (ал-Анъом сураси, 100, фаришталарни – Оллоҳнинг қизлари деб (Сабаъ сураси, 40) ҳисоблаганликлари учун "мушрик" (яъни Оллоҳга бошқа худоларни "шерик" қилганлар) сўзи билан аталганлигини ишонарли қилиб кўрсатади.

Алқисса, Муҳаммад алайҳиссалом фаолиятига Макка зодагонларининг шиддат билан қаршилик кўрсатганлари Оллоҳни танимасликларидан эмас, балки Оллоҳга "шерик" келтирганларидан бўлиб чиқяпти. Ўз навбатида, ислом вужудга келиши жараённида кескинлашган мафкуравий

кураш "ширк" устидан қатъий ҳукм чиқарилишини тақозо қылди.

Аҳаджон Ҳасанов – ўткир мушоқадали ва нозик мулоҳазали олим. Китобда ўртага ташланган фикрлар шу бугун "девлар йиқилгандан кейин" пайдо бўлган фикрлар эмас. У деярли чорак асрдан бери яқин дўстлари, ҳамкаслари ва толибларини ўз таамулотларидан воқиф қилиб келади.

Ушбу рисола, аминманки, ўзбек китобхонларининг кенг оммасига, бобо-деҳқондан тортиб зиё таратувчигача манзур ва манфаатли бўлади.

Алибек Рустамов,
филология фанлари доктори,
профессор.

КИРИШ

Кейинги пайтларда ислом дини ва унинг вужудга келиш тарихи хусусида кўплаб мақолалар, китоблар ёзилмоқда. Афсуски, тарих фанимизнинг кўпгина назарий масалалари ҳалигача ўзининг тугал ечимини топмагани туфайли мазкур ишларнинг илмий аҳамиятини қониқарли деб бўлмайди.

Ачинарлиси шундаки, китобхонларимиз бу ишлардан ислом дини қандай вужудга келганлиги ҳақида аниқ-равшан тасаввур ололмайди. Зоро совет тарих фани ижтимоий-иқтисодий формациялар ҳақидаги марксистик таълимотга асосланади. Шунга кўра ислом вужудга келган пайт – VII аср бошида араб жамиятида уч формациядан биттаси-ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик ёки феодализм ҳукмрон эди, деб уқтирилади. Сўнг шу пойdevорга иморат қуришга ҳаракат қилинади. Бу – бир йўналиш.

Яна бир йўналиш бор. Унда ислом динининг вужудга келиш тарихи асосан Муҳаммад пайғамбарнинг таржимаи ҳоли ва унга яҳудий ва христиан динларининг таъсирини кўрсатишдан нарига ўтилмайди. Бу йўналишдагилар билбими ёки билмасдан академик В.В.Бартольд 1925. йили илгари сурган бир жато фикр тарафдорлари бўлиб чиқадилар. "Барча динлар ичида, – деб ёзган эди В.В.Бартольд, – ислом ўз ҳалқининг ўтмиши билан энг кам боғлангандир".

Бизнингча, юқорида зикр қилинган иккала йўналиш ҳам мақбул эмас. Албатта, биз батамом янги бир йўналишни таклиф қиляпмиз, деган даъводан йироқмиз. Аммо шу нарсага ишончимиз комилки, бу йўлда ҳали жуда кўп иш қилиш керак. Биринчидан, В.В.Бартольд фикрига қарши ўлароқ ислом араб ҳалқининг ўтмиши билан чамбарчас боғлиқдир. Демак, исломдан олдинги Арабистоннинг икки-уч минг йиллик фактологик тарихини пухта ўрганмоқ даркор. Иккинчидан, исломдан олдин ҳам Арабистон ярим оролини бирлаштиришга бир неча бор

уриниб кўрилган: эрамизнинг III асрида Тадмур, IV асрида Ҳимёр ва V асрида Кинда давлатларининг тарихи фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Аммо маълум сабабларга кўра мазкур давлатлар тушкунликка юз тутади. Фақат Макка ва Мадина шаҳар-давлатлари ташаббуси билан VII асрда бу ишда муваффақиятта эришилди. Азалдан диний марказ сифатида маълум бўлган Макка шаҳри VI асрдан бошлаб Арабистоннинг энг йирик сиёсий ва савдо марказига ҳам айланганди. Шунинг учун ҳам марказлашган араб давлатини тузиш билан мувозий равишда юз берган арабларининг диний тафаккуридаги буюк ўзгариш биринчи наъбатда Маккада бошлангани табиий ҳолдир.

Биз муҳтарам китобхон зътиборига узоқ йиллар тўплаб юрган маълумотларимиздан икки шингилини – исломдан олдинги "Макка ва Мадина тарихи" ҳамда "Қадимги арабистон динлари" ҳақидаги лавҳаларни ҳавола қилаёт-тирмиз. Шояд бу маълумотлар эслатилган муаммони англашда бир оз бўлса-да, сизларга кўмаклашса.

Ўрта аср араб адабиётида Арабистон тарихининг исломдан олдинги пайти "Жоҳилия" даври деб аталган. Гўё бу даврда араб жамияти ташқи дунёдан батамом ажralиб, яккаланиб қолган, Арабистон аҳолиси жаҳолатда ва ёввойиликда яшаган эмиш. Кўпчилик совет тарихчи ва шарқшунослари ҳам "Жоҳилия" арабларида диний тасаввур ривожланган эмас, синфий жамиятлардан олдинги даврларга хос ҳолатда эди, деб ҳисоблайдилар. Биз бу фикрга қўшилмаймиз. Қўлингиздаги маълумотлар бунга далиллар. Тўғри, баъзи фикр-мулоҳазаларимиз илмий жамоатчиликда баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳечқиси йўқ, ахир, ҳақиқат, баҳсларда тугилади, дейи-шади-ку!



МАККА ШАҲАР-ДАВЛАТИ

Арабистон ярим оролининг Макка, Мадина, Тоиф, Хайбар сингари бир қанча энг муҳим шаҳарларини ўз ичига олган қисмини қадимдан Ҳижжоз деб аташган. Иқтисодий ва жўғрофий омиллар бу шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланишига имкон берди. Ҳижжоз, асосан тоғли район бўлсада, ундан қадимги дунёда машҳур бўлган халқаро савдо йўли ўтган эди. Яманнинг жанубий соҳилидан Ўрта денгизгача чўзилган, қадимги Фарб ва Шарқ савдосида муҳим силсила ҳисобланган бу карvon йўли ҳачон пайдо бўлганлиги номаълум. Мантиқан бунга фақат "саҳро кемаси" – тия қўлга ўргатилгандан сўнгтина имкон туғилди. Бир ўркачли (дромадёр) түяниг ватани ҳисобланган Арабистон ярим оролида уни эрамиздан аввалги III-минг йилликда қўлда ўргатишгани маълум. Ҳар ҳолда қадимги яҳудийлар Арабистондан Фаластинга II-минг йилликнинг ўрталарида кўчиб келишганда ўзлари билан түяларни олиб келганликлари ҳақида аниқ маълумотлар бор. Деярли 2 минг км масофани ўз ичига олган карvon йўлида табиийки, дам олиш, сув ва озиқ-овқат олиш учун муайян карvonсаройлар мавжуд эди. Улар қулай табиий шароитдан ташқари карvonларнинг хавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган истеҳком бўлмоғи лозим эди. Вақт ўтиши билан бундай карvonсаройлар шаҳарларга айланди. Эрамизнинг VI асрига келиб Арабистон ярим оролининг жануби ва шимолида ҳукм суриб келган давлатлар қулагач, мазкур карvon йўлининг қоқ ўртасида жойлашган Макка Арабистон шаҳарлари ичидаги энг иириги ва аҳамиятлиси бўлиб қолди.

Макка деярли ҳамма томони дарали тоғлар билан ўралган водийда жойлашган. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳеч ҳачон шаҳар атрофига девор қуриш зарурати бўлмаган. Шаҳарни ташқи ҳужумдан ҳимоя қилиш учун дараларга соқчилар қўйилса, шунинг ўзи кифоя қилган.

Маккадаги Замзам құдуғи қадим замонлардан бери ат-рофдаги күчмандық қабилалар ва ўткинчи савдогарлар эътиборини қозонған. Ниҳоят, ривоятларга күра, Маккада қурилған бириңчи бино – Каъба бора-бора арабларнинг муқаддас жойига айланганини ҳисобга олсак, Макканинг шұхрат қозониши учун омиллар етарли бўлганини кўрамиз.

Макка – қадимий шаҳар. Аммо ҳалигача ҳеч қандай археологик ишлар олиб борилмагани ёки у ердан қадимги тарихга оид ҳеч қандай ёзув манбаси топилмагани учун унинг ёшини аниқ айтиш қийин. Юнон мутафаккири Птолемейнинг "География" асарида бу шаҳарнинг номи "Макораба" деб келтирилған. Албатта, шаҳар эрамизнинг II-асрида яшаган бу алломадан анча қадимийроқдир. Антик муаллифлар Арабистоннинг ғарбидаги араблар учун зиёратгоҳ ҳисобланған бир қанча шаҳарлар мавжуд бўлганлигини, сицилиялик Диодор эса номини кўрсатмаган ҳолда (албатта, Маккага ишора эканлиги аниқ) барча араблар учун муқаддас бир шаҳар борлигини эслатганлар.

Қадимги Макка ҳақидаги араб "ахборийлари" ("хабар" жанрида ёзилған кўплаб асарларнинг муаллифлари) берган маълумотлар тарихий ҳужжатларга асосланмаган. VIII асрдан кейин ёзилған бундай асарларда, бир ғарб шарқшуносининг ибораси билан айтганда, "исломдан бир неча йил бурунги Макка тарихига ислом либоси кийдирилған".

Араб наسابчилари шимолий арабларнинг шажарасини келтирап эканлар, унинг чўққисига Иброҳим (Тавротда – Авраам) нинг ўғли Исмоилни қўядилар, Иброҳимнинг ўзини эса 17–18 аждод узра Одам ато билан боғлайдилар. Албатта, бу маълумотлар ҳеч қандай аниқ илмий асосга эга эмас: фан уларни қабул қила олмайди. Аммо шунарса характерликки, Исмоил ҳақидаги араб ривоятлари Таврот ривоятларига ўхшаб кетади. Фарқ шундаки, Таврот ривоятларида Исмоил ва унинг онаси Ҳожар (Тавротда – Агарь) Ақаба қўлтиғига яқин Бир Сабъа саҳросига қувилған бўлсалар, араб ривоятларига кўра улар Маккага келганлар. Бу ривоятларни таққослаш учун эса реал археологик маълумотлар йўқ. Шундай бўлса-да, ўрта аср араб адабиётида, қолаверса, ҳозирги замон араб тарихчиларининг асарларида жуда кенг ўрин берилганини инобатга олиб, Иброҳим ва Исмоил қиссасининг қисқача мазмунига тўхтаб ўтамиз.

Аввало шуни айтиш керакки, Тавротда зикр қилинган бошқа шахслар сингари Иброҳим ва Исмоиллар пайғамбар (наби) деб эътироф қилингандар. Айтишларича, Иброҳим, Месопотамиянинг Үр шаҳрида дурадгор оиласида туғилади. Унинг отаси ёғочдан санамлар (худоларнинг тимсоли) ясаб тирикчилик қилган. Иброҳимнинг қавму қариндошлари, демак, бутпараст бўлганлар. Иброҳим улғайгач, унда бутпарастликка шубҳа туғилди. Бут-санамларнинг ҳеч қандай фойдаси йўқлигига ишонч ҳосил қилган Иброҳим қавмини бу йўлни тарқ этиб, яккаю ягона худога сифинишга даъват қилади (тавҳид фояси). Үрнак сифатида у отаси ясаган энг катта санамни синдиради. Бундан ғазабланган қавм уни оловга ташлайди, аммо ягона худонинг шарофати билан у омон қолади. Шундан сўнг у хотини Сора ва жияни Лўт билан Фаластинга йўл олади. Аммо у ердаги бутпарастлар ҳам уларни адоват билан қарши оладилар. Шунинг учун (бошқа тахминга кўра, Фаластинда қаттиқ қаҳатчилик ҳукм сургани учун) улар Мисрга кетадилар. Ўша пайт Миср фиръавиларида машъум бир одат бор экан: улар четдан келган тоифалардан чиройли аёлларни ўз ҳарамларига оларканлар. Ибн ал-Асирнинг уқтиришича, Сора жуда чиройли аёл бўлган экан. Соранинг хабарини эшитган фиръави уни саройга келтиришни буюрибди. Сорани ясантириб, саройга келтирганларида у фиръавинга ёқиб қолибди. Аммо фиръави Сорага қўлинни чўзган экан, уни қаттиқ титроқ босибди. Бундай ҳолат уч, марта такрорлангандан сўнг фиръави ходимини чақирибди-да, "Сен одамни эмас, шайтонни келтирибсан", -деб Соранинг жавобини бериб юборибди. Соранинг бир ўзини эмас, унга Ҳожар исмли бир чўрини ҳам ҳамроҳ қилиб жўнатибди. Иброҳимнинг олдига келгач, улар ҳаммаси Мисрдан кетишга қарор қилишибди. Шу пайтгача Сора фарзанд кўрмаган экан. Иброҳим фарзандлик бўлсин учун Сора чўриси Ҳожарни унга жорияликка берибди. Вақт ўтиши билан Ҳожардан Исмоил туғилибди. Шундан сўнг Сора ҳам бўйида бўлиб, Исҳоқ (Иссаак) исмли ўғил туғибди. Иброҳим ўз оиласи билан Фаластиннинг жанубида истиқомат қилаётган экан. Кунлардан бир куни Исмоил ва Исҳоқ ўргасида низо чиқибди. Сора Исмоил ва Ҳожарнинг кетишларини талаб қилибди. Шунда худо Иброҳимга уларни Маккага элтиб қўйишини амр этибди. У пайтларда Маккада биронта ҳам зор йўқ,

тақир бир ер экан. Иброҳим Ҳожар ва Исмоилни шу ерга элтиб, ўзи Фаластинга қайтиб кетибди. Исмоил ташналикка чидай олмай ер тепсиниб йиглайвергач, Ҳожар сув қидириб бир Сафо тоғига, бир Марва водийсига етти марта чиқиб тушибди. Ноилож Исмоилнинг олдига қайтиб келса, мұъжиза юз берибди. Исмоил ер тепган жойдан отилиб сув чиқибди. Ҳожар сув йўқ бўлиб кетмасин деб қумни қўллари билан "Зам, зам" (арабча замзама феъли бир нарса деб ғулдирамоқ маъносини англатади), дея кавлай бошлабди. Ана шу жойда Замзам қудуғи пайдо бўлган экан. Шу яқин атрофда журхум номли жанубий Арабистондан кўчиб келган араб қабиласи бор экан. Исмоил шу қабиладан бир қизга уйланибди ва ундан 12 нафар фарзанд кўрибди. Шимолий араб қабилалари Исмоилнинг фарзандларидан тарқаган эмиш.

Ўрта аср араб тарихчиларининг деярли барчаси, ўз асарларида юқоридаги ривоятни келтирганлар. Шарқшунос тадқиқотчиларнинг аксарияти бу қиссанинг ҳаққонийлигини инкор этадилар. Инглиз тарихчиси У.Мьюир бу қиссани "яҳудийлар ва араблар тарихий тақдирининг муштараклигига ишора қилиш, агар Исҳоқ яҳудийларнинг бобокалони бўлса, унинг акаси Исмоил – арабларники эканлигини эслатиш учун ислом арафасида яҳудийлар ўйлаб топганлар", – дейди. Шу билан араблар кўплаб кўчиб келган яҳудий тоифаларига биродарларча муносабатда бўлмоқлари лозим эди. Бошқа бир машҳур инглиз шарқшуноси, Филби, аксинча, Иброҳим ҳақидаги қиссанинг ҳаққонийлигини исботламоқчи бўлади. 1947 йили чоп қилинган "Арабларнинг исломгача тарихи" китобида у Бобил ёзувларидан бирида "Бобилдан жануброқда юз йилдан ортиқроқ муддат ҳукм сурган бир сулоланинг уч вакили ҳақида гап боради" – дейди. Гўё улар асли сомий, якка худога сиғинган қавм бўлган. Аммо уларни шумер-бутпарамстлар қувиб юборганлар. Бу ёзувларнинг мазмунини Таврот ривоятлари билан қиёслаб, Филби, мазкур уч вакилнинг охиргиси Иброҳим бўлган, дегаи ҳулюсага келади. Ёзувлаги "Демуқа элиш" сўзини Филби араб тарихчилигида Иброҳимга берилган лақаб "Халил оллоҳ" – "Оллоҳнинг (яқин) дўсти" билан қиёслайди. Филбининг уқтиришича, сулоланинг қулаши Иброҳимнинг Фаластинга кўчишига сабаб бўлган.

Юқорида келтирилган қисса – афсона. Ҳали ҳеч қандай

объектив далиллар уни тасдиқлаганича йўқ. Бошқа афсоналар сингари бу афсонадаи ҳам "ҳақиқат уруғи" ни қидириш бефойладир. Филбининг тахминига келсак, уни ҳам ҳозирча исботланган, деб бўлмайди. Гап шундаки, қадимги. Бобил давридаги бадиий ижодиётда худолар одамлар орасида ифодаланганлар. Масалан, "Дунёнинг яратилиши ҳақида поэма" (Энума элиш) да улар ўзларини одамлар сингари тутіанлар. Демак, амалда ҳар қандай адабий қаҳрамон "худонинг дўсти" бўлиши мумкин эди. Шарқшунос олимлар Иброҳим ҳақидаги қиссани - афсона деб ҳисоблаб турган бир пайтда яҳудий ва христиан илоҳият мутахассислари Иброҳим ва Исмоил билан боғлиқ воқеаларнинг ҳатто аниқ саналарини кўрсатишга ҳаракат қўймоқдалар. Уларнинг фикрича: 1) Иброҳимнинг Уршаҳридан кетган йили эрамиздан аввалги 1921; 2) Исмоил туғилган йили - 1910; 3) Ҳожар ва Исмоилнинг қувилиши - 1871; 4) Иброҳимнинг вафоти - 1820; 5) Исмоилнинг вафоти - 1773. Шундай қилиб, шимолий араб қабилаларининг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги XIX-XVIII асрларга тўғри келяпти. Аммо қадимги Бобил ва Миср манбалари бу ҳақда тўла сукут сақлайдилар, уларда на Иброҳимга, на Ҳожарга ва на Исмоилга ишора бор.

Ўрта аср араб адабиётида Маккадаги Каъба ибодатхонасининг қурилиши ҳақида ҳам тарихий ҳужжат билан тасдиқланмаган қисса бор. Айтишларича, Иброҳим Маккага икки ёки уч марта келиб кетган. Шулардан бирида ягона худонинг амри билан у ва ўғли Исмоил иккиси Каъбани қурган эмишлар. Каъбанинг ёнида "мақом Иброҳим" (Иброҳим турган жой) бор, Мазкур қиссада далил сифатида шуни эслатишиди. Каъба ўз тарихи давомида сел ва ёнғин натижасида бир неча бор бузилган. Ҳар сафар уни қайта тиклаганлар. Охирги марта бундай воқеа 1630 йили юз берган. Ҳозирги кунда Каъба баландлиги - 15 м, томонлари - 9,92 м, 10,25 м, 11,88 м, 12,25 м бўлган тўртбурчак бинодан иборат. Жанубий-шарқий бурчагида - ердан 15 м баландликда тоқча қилиниб, у ерга Қора тош қўйилган.

Макканинг энг қадимги аҳолиси жанубдан кўчиб келган араб қабиласи бўлганлиги ҳақидаги ахборийларнинг хабарлари рост бўлса, шаҳар исмини жанубий Арабистон тилидан қидирмоқ керак. Маълумки, Сабаъ ҳокимлари дастлаб "мукарриб" деб аталганлар; бу сўз "муқаддас"

деган маънони англатган. Бошқа тахминга кўра "Макка рабб" бирикмаси "Раббим уйи" ёки "Худонинг уйи" демакдир. Немис олими К.Брокельманнинг фикрича жанубий араблар тилида "муқарраб" сўзи иботхонани (қурбонлик қилинадиган жойни) англатган; бу сўз оромий тилига "макораба" тарзизда ўтган ва Птолемей шаҳар номини шундан олган бўлса, эҳтимол. Араб насабчилари нинг (ўрта асрларда арабларда "илм-ал-ансоб" деган бир фан мавжуд эди) уқтиришича, Маккада журҳум қабиласи тахминан 1000 йил истиқомат қилган, сўнг унинг ўринини 4-5 аср муддат жанубдан келган бошқа араб қабиласи, яъни хузоа згаллаган. Аммо бу маълумотлар ҳам илмий асосга эга эмас. Хусусан, Исломидан кейин еттинчи авлодда берилган Аднон, гўё эрамиздан аввалги 1 асрда яшаган, шу орада ўтган вақт эса 16-17 асрни ташкил қиласи, яъни ҳар бир авлод вакили ўрта ҳисобда 200 йилдан ортиқ яшаган бўлиб чиқади.

Макка тарихининг нисбатан равонроқ баёни V асрнинг ўрталаридан бошланади. Аммо бу ўринда ҳам араб ахборойилари ҳаддан ошириб юбордилар шекилли. Уларнинг талқинида Макканинг исломдан олдинги икки асрлик тарихи шунчалик текис, шу қадар расоки, Мұҳаммад пайғамбар ўзининг насл-насаби жиҳатидан жўнгина Қусайга мансуб қилинган.

Бошқа тарихий манбалар мавжуд бўлмагани учун Маккада V-VI асрларда юз берган воқеаларни баён қилишда яна араб анъаналарига мурожаат қиласи.

Маккада қурайш қабиласи ҳукмронликка Эришмасдан олдин у ерда хузао қабиласи яшар экан. Қабила бошлиғи Ҳулайл деган киши бўлган. Унинг ўғли йўқ экан. Шунинг учун у умрининг охирида Каъбанинг калитини қизи Хубайяга қолдирадиган бўлибди. Каъба эшигини очиб-ёпишда Хубайяга ёрдам бериш учун уруғдан Абу Губшон деган кишини тайинлашибди. Макка атрофида яшаб турган қурайш қабиласидан Килоб б. Мурра деган кишининг Зуҳра ва Зейд исмли икки нафар ўғли бор экан. Килоб вафот қилганда Зейд гўдак экан. Зейднинг онаси Фотима Шом чегараларида яшовчи узра қабиласидан бир кишига турмушга чиқиб, Зейдни ўзи билан бирга олиб кетибди. Ўз диёридан узоқда тарбиялангани учун Зейдга Қусай ("Қосий" – узоқ сўзининг кичрайтирилган шакли) деган лақаб берилган экан. Улғайгандан сўнг Қусай Маккага

қайтиб келибди. У шаҳарда ҳокимият хузоа қўлида эканини кўриб, уни қўрайш қабиласига ўтказиш тадбирини кўра бошлибди. Бунинг учун у ҳатто Ҳулайлнинг қизи Хубайяга уйланишга эришибди. Аммо Ҳулайл вафоти олдидан Каъба қалитини Абу Ғубшонга топшириб, Қусайнинг умидини пучга чиқарибди. Куилардан бир куни Қусай Абу Ғубшонни Тоиф шаҳрида ичириб маст қилибида-да, кимнингдир гувоҳлигида бир меш набиз (вино) га Каъба қалитини алишиб олибди. Бу келишув араблар орасида афоризмга айланиб қолган: ҳозирги кунда ҳам гап арzon-гаров савдо тўғрисида кетса араблар: "Абу Ғубшоннинг савдосидан ҳам арzon бўлиб кетди-ку!" (Ахсар мин сафқат Аби Ғубшон), дейишади.

Ҳулайл ҳаёт пайтида Каъба қалитини куёви Қусайга васият қилган деган фараз ҳам бор. Лекин қайси ривоят тўғри бўлмасин, хузоа қабиласининг аъзолари ўз имтиёзларини осонликча қурайшга бериб қўйишларини тасаввур этиш қийин. Табиийки, улар орасида уруш чиқсан. Ат-Табарийнинг ёзишича, бу уруш хузоа қабиласи учун қиронли бўлган. Уларнинг кўпчилиги Маккани мажбуран ташлаб кетгандар. Аммо ўз уйларини ҳадя қилиб, сотиб ёки ижарага одам қўйиб ҳужжатлагандар ҳам бўлган. Қусай тадбиркорлик билан араб қабиласи – ўгай ота уруғи Бану Узра ва Макка атрофларида истиқомат қилган Бану Кенона қабилалари билан иттифоқ тузган кўринади. Ўз навбатида хузоа ҳам Бакр қабиласи билан иттифоқда бўлган. Аммо бу иттифоқда кутилган натижага эришилмаган.

Бу ишларни амалта ошириш учун Қусай биринчи навбатда Қурайш қабиласининг ўзини бирлаштириши лозим эди. Ўрта аср араб уламолари бу қабила таркибиға кирган 25 уруғ (бати) ни санаб ўтадилар. Аммо Қусай Маккага келгандан улардан фақат 16 таси мавжуд эди. Олти уруғ Қусай билан бирга Макка водийсига кўчиб ўтди ("Қурайш ал-Битаҳ" – водий қурайшлари"), бошқалири Макка ташқарисида қолдилар ("Қурайш аз-Завоҳир" – чеккадаги қурайшлар"). Баъзи уруғлар кейинчалик мутлақо бошқа районларга кўчиб кетдилар ва Макка ҳаётида иштирок этмадилар, айрим уруғлар қисман Маккада жойлашдилар. Қурайш қабиласини "жамоат-жам" қилганилиги учун Қусай "мужамми" (тўпловчи) лақабини олган эди.

Қабила бошлиғи сифатида Қусай ўз қабиладошларига Каъба атрофидаги ерларни бўлиб берди. Унинг ўзи уруғи билан Қаъбадан шимолроқда жойлашди; бану адига махзумлар – шарқроқдаги, тайм, жумах, саҳм ва зуҳра – жануб ва жануби-ғарброқдаги ерларга ўрнашдилар. Каъбадан 100 метрча ғарбда Қусай учун махсус қурилган уй қабила оқсоқоллари тўпландиган жойга айланди ва Дор ал-Надва (Мажлислар уйи) номини олди. Қусай вафотидан анча кейин ҳам бу бино "мажлислар уйи" вазифасини ало этиб турған. Уммавийлар сулоласининг биринчи халифаси Муавия б. Абу Суфён (661–680) бу уйни 100 минг дирҳамга сотиб олгани ва Макка амирига қароргоҳ қилиб бергани ҳақида маълумот бор. Орадан икки аср ўтгач, Аббосий халифаси Ал-Муттадид билло (892–902) буйруғи билан уни бузиб, Макка масжидига қўшиб юборганлар.

Қаъбадан шарқроқдаги сой бўйлаб кетган йўл шаҳарнинг бош кўчасига айланиб қолди. Бу йўл устида бозор пайдо бўлиб, бора-бора у шаҳарнинг иккинчи муҳим маркази ролини үтай бошлади. Биринчи уйлар лой ва тошдан қурилган оддийгина кулбалардан иборат эди. Дастрраб Маккада бор-йўги 2–3 та қудуқ бўлиб, зиёратчиларнинг сони ортиб боравергач, уларни сув билан таъминлаш қийинлаша бошлади. Шаҳарда янги-янги қудуқлар қазишга тўғри келди. 530–540 йиллари Қусайнинг эвараси Абд ал-Муталлиб қадимдан муқаддас ҳисобланган Замзам қудуғини тозалаттириди.

Туб аҳоли ва зийратчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи алоҳида географик ўрин, ҳаж ойларида кўплаб ҳар хил қабила вакилларининг оқиб келиши Макканинг йирик савдо марказига айланишини осонлаштириди, албатта. Лекин қурайшилар савдо фаолиятининг ўсишига асосан Макка шаҳрининг қуладай мавқеи, яъни халқаро савдо йўлларининг кесишигай жойини эгаллаганлиги имкон берди, деган тасаввурга тўлиқ қўшилиб булмайди. Бу жиҳатдан шу савдо йўлида жойлашган Нежрон, Ясриб ва Хайбар сингари шаҳарларнинг мавқеи янада қулайроқ эди. Макка шаҳри дахлисизлигининг ўзи ҳам унинг савдо марказига айланиши учун етарли омил эмас эди; акс ҳолда Макка Қусайгача, яъни V асрдан анча олдин бундай мақомга эришган бўлур эди. Демак, V–VI асрларда

қандайдир муҳим ички ва ташқи омиллар пайдо бўлдики, азалдан диний марказ сифатида маълум бўлган Макка Арабистонда энг йирик савдо ва сиёсий марказга айланди.

V-VI асрларда Арабистон ярим оролидаги тузумларнинг барчаси (Гассонийлар, лахмийлар, Кинда ва Ҳимёр давлатлари) инқизозга юз туттганлиги, сўнг умуман уларнинг тарих саҳифасидан йўқолиб кетганлиги, албатта Макка учун қўл келди. Арабистонга қўшни буюк даслатлар Византия ва Эроннинг яриморол жануби ва шимолида ўз ҳукмини үрнатгани ҳам Макка фойдасига хизмат қилди. Аммо бу ташқи омилларнинг аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, асосий ролни ички омил – Макка шаҳрида юз берган ижтимоий-иқтисодий жараён ўйнади, деб қарамоқ керак. Маълумки, К.Маркс ва Ф.Энгельснинг "Яманнинг Эрон томонидан босиб олиниши "Муҳаммад революциясини" тайёрлашган омиллардан бири", деган фикрларига таяниб, кўпчилик совет тадқиқотчилари бу воқеа Маккада ижтимоий иқтисодий кризисни вужудга келтирди, деган фикрни илгари сурдилар. Бизнингча, бунинг айнан акси бўлди: Яман истилосидан сўнг Макканинг Арабистон савдосидаги мавқеи янада ортди. Бу масалага аниқлик киритиш учун Макканинг V-VI асрлардаги ижтимоий-иқтисодий шароитига батафсилроқ тўхталишга ҳаракат қиласиз.

Қуръонда Макка зодагонлари бойлика ҳирс қўйғанликларига ишоралар қўп. Афтидан, қурайшилар роҳат-фароғатга осонликча эришмадилар. Маккаликлар хотирасида узоқ вақт сақланган бир одат – тирикчилик қилишга ҳеч вақоси қолмаган киши саҳрора кетиб, танҳоликда ўлиб кетиши бунга аниқ далил бўла олади.

Макканинг кескин ривожланишига Қусай ва унинг авлодлари амалга оширган ислоҳотлар катта ҳисса қўшди. Шаҳар идорасининг маркази Дор ан-Надвада жойлашган эди. Дор ан-Надва биринчи навбатда Қурайш қабиласи оқсоқолларининг (Мало) маслаҳат кенгаши ролини ўйнади. Қусай уруғидан бўлган ҳар қандай ёшдаги киши, бошқа уруғлардан эса фақат 40 ёшдан ошган киши унга кириши мумкин эди. Уруш эълон қилинганда Дор ан-Надва устига Қурайш қабиласининг байроби тикиларди. Шунингдек, мавсумий карвонлар Дор ан-Надвадан йўлга тушар, қайтилганда

келтирилган моллар унинг ҳовлисига қўйиларди. Ўғил болалар балоғатга етгач шу ерда хатна қилинار, қизлар улғайганда эса шу ерда маҳсус вакил унинг қўйлагини йиртиб, қайтарар ва шундан сўнг у бегона кўздан сақланмоғи лозим эди. Кейинги икки ишдан мақсад - Қурайш қабиласи аъзоларидан балоғатга етган йигит ва қизларни ҳисобга олиш бўлса керак.

Дор ан-Надвадан сўнг Қусай Каъба ва унинг назорати билан боғлиқ хизматни энг муҳим вазифалардан бирига айлантириди (Содин ал-Каъба ёки Садона); Каъбага ҳаж қилувчиларни сув билан таъминлаш вазифаси "ас-Сиқоя" деган номни олди. Ҳожиларни озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида Макка аҳолисига маҳсус солиқ жорий қилиниб, уни амалга ошириш вазифаси "ар-Рифода" деб аталди. Бунга аввалдан мавжуд бўлган "риёса", "қиёда" ва "ал-ливо" мансабларини қўшмоқ керак. Шундай қилиб, Қусай бир вақтнинг ўзида ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятни тўплади, дейиш мумкин. Аммо бу мутлақ ҳокимият эмас эди.

Тахминан 480 йили Қусай вафот этгач, шаҳар идораси билан боғлиқ олти лавозим унинг икки ўғли Абд ад-Дор ва Абд Маноғларга ўтди. Аммо шаҳардаги бошқа уруғларнинг ҳам нуфузи ортиб бораради. Қабила бирлигини сақлаш, уруғлар ўртасида хусумат чиқишининг олдини олиш мақсадида "Мало" яна ўнта янги лавозимларни жорий қилди. Булар қўйидагилар: 1) "имора" - Каъбада одоб сақланишини жорий қилиш; 2) "ҳижоба" - Каъба дарвозасини зиёратчилар учун очиб-ёпиш; 3) "машвара" - маслаҳат суди; 4) "ашноқ" хунга тўланадиган молни тўплаш; 5) "қубба" қабила қурол-аслаҳаси турадиган чодир; 6) "аинна" - отлиқ қисм; 7) "сифора" - бошқа қабилалар билан музокаралар олиб бориш; 8) "айсор" - камон ўқи билан Каъбадаги санамларнинг энг улуғвори Ҳубал олдида фол очиш; 9) "ҳукума" - қабила аъзолари ўртасидаги тортишувлар ва низолар бўйича ҳукм чиқариш; 10) "ал-амвол ал-муҳжара" - худоларга аталган муқаддас моллар.

Мазкур лавозимлар муайян уруғларга биритирилган, уруғлар эса ўз навбатида бу лавозимлар учун номзодларни тавсия қилтар эдилар. Ислом вужудга келиши арафасида шаҳар идораси қўйидаги 10 та уруғ ўртасида тақсимланганди:

- 1) Ал-Аббос, Ҳошим уруғидан, Мұҳаммад пайғамбарнинг амакиси – сиқоя;
- 2) Абу Сүфён, Умайя уруғидан – қиёда;
- 3) Ал-Хорис, Новфал уруғидан – рифода;
- 4) Усмон, Абд ад-Дор уруғидан – ал-ливо, сидона, ҳижоба;
- 5) Язид, Асад уруғидан – машвара;
- 6) Абу Бакр, Тайм уруғидан – ашноқ;
- 7) Холид б. Валид, Махзум уруғидан – қубба, аинна;
- 8) Умар б. ал-Хаттоб, Оди уруғидан – сифора;
- 9) Сафрон б. Уммия, Жумаҳ уруғидан – айсор;
- 10) ал-Хорис б. Қайс, Саҳм уруғидан – ҳукума, ал-амвол ал-мужжара.

Маккада ислом ғалаба қозонгач, Мұҳаммад Каъба хизматы билан боғлиқ "сидона" ва "сиқоя" дан бошқа ҳамма лавозимларни бекор қилди.

Типологик жиҳатдан Макка идора усулинин қадимги Афинадаги республика тузуми билан қиёслаш мүмкин. Қадимги Афинада ҳам дастлаб асосий ролни бир қанча эътиборли уруғлар (фил ва фратриялар) башлиқларидан ташкил топган аристократия ўйнади. Аммо судхўрларнинг қудратига барҳам берилгач, етакчилик халқ мажлиси (эклесия) қўлига ўтди. Барча амалдорлар, ҳатто энг иириклари – архонтлар ва стратеглар ҳам экклесия томонидан тайинланар ва унинг олдида ҳисобот берардилар. Маккада ҳам V-VI асрларда етакчилик оқсоқоллар кенгаши – Дор ан-Надвага ўтди. Аммо фарқ шундаки, Афина халқ мажлисида овоз беришда бутун демос, яъни барча эркин аҳоли қатнашган бўлса, Макка Дор ан-Надвасида фақат "Мало" – зодагонлар, қабила ва уруғ бошлиқлари қатнашдилар. Афинада ҳам, Маккада ҳам жамият баъзи вақтларда у ёки бу уруғ бошлиғига якка, чегараланмаган ҳокимият тақдим қилганини кўрамиз (Афинада – Солон, Клисфен, Маккада “ Қусай, Ҳошим ва ҳоказо”).

Албатта, Макка шаҳар-давлатининг идораси низоларсиз, сип-силлиқ кечгани йўқ. Қусай вафотидан сўнг Макка уруғлари икки лагерга бўлинади: Абд Манофф ва Абд ад-Дор тарафдорлари. Абд Манофф ва унинг авлодларини Асад, Зухра, Тайм, ал-Хорис уруғлари қўлилаб-қувватлаган бўлса, Абд ад-Дор уруғига Махзум, Сим, Жумаҳ, Оди уруғлари қўшилди. Ҳар иккала

томон алоҳида иттифоқ - Абд Маноф тарафдорлари "Хилф ал-Мутаййабин", Абд-ад-Дор эса "ал-Аҳлофни" туздилар. Айтишларича, "ал-Мутаййабун" (муаттар ислилар дегани) бир идишдаги хушбӯй моддага қўлни ботириб, сўнг Каъба деворига сурганлар; "ал-Аҳлоф" (қасам ичғанлар дегани) эса, қўлларини қурбонликка сўйилган молнинг қонига ботириб, сўнг Каъба деворига сурганлар. Улар орасида чиққан низо урушга айланиши мумкин бўлган кескин вазиятда "Мало" нинг қарори билан икки лавозим Абд Маноф авлодларига, тўрт лавозим Абд ад-Дор авлодларига бириткирилиб, бошқа уруғларга юқорида зикр қилинган 10 та қўшимча лавозим жорий қилинди. Кейинчалик Макка шаҳрида ички саёдони ривожлантириш, бу ерга ўз моли билан келган савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида яна бир иттифоқ - "Ҳилф ал - Фудул" (миннатдорлик ёки бурчдорлик иттифоқи) тузилди.

Ўрта аср ва ҳатто ҳозирги замон араб тарихий адабиётида Абд Маноф уруғига мансуб бўлган Ҳошим ва Умайя хонадонлари ўртасида гўё жоҳилия даврида бошланиб, исломдан кейин ҳам давом этган низо катта ўрин олган. Баъзилар бу мавзуга бағишланган маҳсус китоблар ҳам ёзганлар. Биринчи бўлиб бу низо ҳақида ўзининг "ал-Табақот ал-Кубра" китобида Ибн Саъд маълумот берган. Ибн Саъдан бу маълумотни бошқа ўрта аср араб тарихчилари олганлар. Ибн Саъд ҳикоя қилишича, Умайя б. Абд Шамс ўз амакиси Ҳошимнинг обру-эътиборига ҳasad қилиб, уни мунофарага (у ёки бу шарт асосида мусобақа) чақирганмиш, ҳакамлик қилган ҳузоа қабиласининг коҳини 50 туюни сўйиб, халқа тарқатиш, бу ишни бажара олмаган эса, 10 йил муддатга Шомга бадарга бўлиши шартини қўйибди. Ҳошим бу мусобақада ғолиб чиқибди. Мазкур китобда Ибн Саъд Ҳошимнинг ўғли Абд ал-Муталлиб ва Умайянинг ўғли Ҳарб ўртасида юз берган мунофара ҳақида ҳам хабар беради. Унинг ёзишича, дастлаб, ажрим қилиш учун ҳакамликка улар Ҳабаш негусини танлаганмишлар, аммо негусдан рад жавоби келгач, Оди уруғидан Нуфайл (бўлғуси иккинчи халифа Умарнинг бобоси) ҳакамлик қилганмиш. У Ҳарбга мурожаат қилиб; "Сен ўзингдан бир неча даража бўйи баланд, мартабаси улуғвор, юзи хушрӯй одам билан мунофара

қиласанми, – деб ғалабани Абдал-Муталлибга бериб құя қолған экан.

Бу ривоятларни Ибн Саъдан Ал-Балазури, Ат-Табари, Ибнал – Асирлар олишган. Ал-Мақризи "Ан-Низова ат-Тахосум байна бани Умайя ва бани Ҳошим" деб номланған махсус китоб ёзиб, унда Ҳошимийлар хонадонидан бұлған халифа Али ва Умавийлар хонадонининг авлоди Абу Сүфён ўртасида юз берган олий таҳт учун кураш (656–661 йиллар) нинг келиб чиқишини юқоридаги икки ривоят билан боғлайды. Аммо тузукроқ тадқиқ қилинганды бу ривоятлар умуман асоссиз бўлиб чиқяпти. Гап шундаки, энг биринчи "Сира" (пайғамбар ҳаёти) нинг муаллифи Ибн Исҳоқ ўз китобида бу қиссаларни келтирмаган. У исломдан олдин Ҳошим ва Умайя хонадонлари ўртасида хусумат мавжуд бўлганини эслатиш у ёқда турсин, аксинча, уларнинг ҳамжиҳат яшаганлари ҳақида кўплаб фактлар келтиради. Шунингдек, Ибн Касир, Ибн Сайийд ан-Нос каби "Сира" муаллифларининг асарларида ҳам мазкур икки воқеага ҳеч қандай ишора йўқ. Масаланинг яна бир шубҳали жойи шундаки, Ибн Саъд ўз "хабар" ини Ҳишом б. ас-Соиб ал-Калбидан олганини айтади. Ҳишом эса эслатилган иккала ҳодисада ҳам "Новфал уруғидан бир киши ҳикоя қилишича", "Кенона қабиласидан бир киши ҳикоя қилишича" қабилада далил келтирган. Бу ҳам майли. Кейинчалик Ибн ал-Асир ва ат-Табарийлар талқинида юқоридаги ривоятлар батамом афсонавий тус олиб кетди. Гүё Ҳошим ва Абд Шамс эгизак туғилишгану бирининг бармоғи иккинчи сининг пешонасига ёпишиб қолған экан. Уларни ажратилганды қон оққан. Демак, келажакда улар орасида албатта хусумат чиқиши керак эди. Ибн ал-Асир ва ал-Балазурыйларнинг ёзишича, Ҳошим 20–25 ёшларда, бошқа манбаларга кўра 33–34 ёшларда Фаззага савдо ишлари билан борган пайтда вафот қилган. Ҳошим билан Абд Шамс эгизак бўлишса, Абд Шамснинг ўғли Умайя ўз амакиси Ҳошим билан мунофара қилганида неча ёшда бўлди экан? Ёки Ҳабашистон негуси (подшоси) ҳакамликка танланганини олайлик. У Маккадаги бир уруғта мансуб икки хонадон ишларидан шунчалик ҳабардор экан-да!

Хуллас, араб тарихий адабиётида кенг ўрин олган

Ҳошимийлар ва Умавийлар хонадони ўртасидаги низо жоҳилия даврида юз бермаган. Иккала хонадон вакиллари ўртасида ўрта асрларда ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган адоват халифа Усмоннинг 656 йили ўлдирилиши, Али ва Муавия ўртасида халифалик тахти учун кураш бошланганилиги билан боғлиқдир. Бошқа кўп ҳолатлардаги сингари араб ахборийлари 7–8 аср воқеаларини жоҳилия даврига кўчириб қўяқолганлар.

Макка шаҳар-давлатининг бошқаруви масаласига қайтадиган бўлсан, у олдин айтилганидек, низоларсиз кечгани йўқ. Аммо VI асрда Макка Арабистоннинг диний ва савдо маркази сифатида эътироф қилинган экан, шаҳар ҳукмрон доираларининг (мало) актив сиёсати, қолаверса, алоҳида маҳорати ҳақида сўз юритиш керак бўлади.

Қусайдан сўнг ҳамма қурайш уруғларининг ҳурмат-эътиборини қозонган шахс Ҳошим бўлди. Бу мартабага у биринчи навбатда қадимги Юнонистондаги сингари полис фуқаролари фойдасига инъомлар қилиш (литургия) туфайли эришди. Маълумки, Юнонистон полисларида литургия бой кишиларнинг бурчи ҳисобланарди. Маккада бу нарса бойлар томонидан вақти-вақти билан қурбонликка мол сўйилиб, йўқсилларни боқишда ўз ифодасини топди. Халқ кўзига кўрсатиб катта харажат қилиш даромад олишдан афзал ҳисобланарди. Аммо бундай ҳаражатлар бекорга қилинмасди. Масалан, Маккага зиёрат қилган ҳар хил қабила вакилларини "боқиш" эвазига бу қабила ерларидан ўтадиган Макка карvonларининг хавфсизлиги таъминланарди. Ҳошим даврида Сурия, Месопатамия, Яман ва Ҳабашистонга савдо карvonлари уюштирилди. Айтишларича, Ҳошим айни савдо ишлари билан борган пайтда Фаззада оламдан ўтган.

Ҳошимлан сўнг ҳар бир уруғда унга ўхшаган нуфузли шахслар пайдо бўлди. Уларнинг ичида Ҳошимнинг ўғли Абд ал-Мутталиб ҳам бор эди. Бўлажак пайғамбарнинг бобоси бўлганлиги учун араб адабиётида Абд ал-Мутталибга ортиқча баҳо бериб юборилган. Аммо анча вақтдан бери яроқсиз ҳолга келиб қолган Замзам қудуғининг қайта тикланиши; шубҳасиз, унинг ҳаражати эвазига бўлди. Бу пайтда Макка аристократияси савдо йўлларидағи бадавий кабилалар билан янгича муносабат ўрнатдилар; илгари қабила бошлиқларига карvonнинг хавфсизлиги учун ҳақ тўланган бўлса, энди улар билан савдодан олинадиган

фойдага шериклик ҳақида битимларга (илаф) келишилди. Бу эса бадавийларни оддий құриқчилардан шерикларга (компаньонларга) айлантириди.

Савдо Макка фаровонлигининг оширишига катта турткى бўлди. V-VI асрларда урушларнинг тўхтагани, нисбатан тўқчиликка эришилгани Макка аҳолиси сонининг кескин ўсишига имкон берди. Албатта, бу ўсиш ҳам бир текис бўлмади. 100 йил ичидаги, яъни 3-4 авлод давомида Қусай авлодлари билан боғлиқ 7 та уруғ вакилларининг сони геометрик прогрессия тарзида ортиб борган бўлса, бошқа уруғларда табиий ўсиш сезилар-сезилмас кечди.

Макканинг тинч-осойишта ҳаётида бир воқеа юз бердик, у аҳолининг хотирасида ўчмас из қолдирди. У ҳам бўлса Жанубий Арабистонни эгаллаб турган ҳабашларнинг Маккага қарши юришидир. Бу юришининг сабаблари ҳақида адабиётда асосни 3 хил фикр бор: 1) Санада ҳабашлар қурган черковни араблар "ифлюстанани" учун жазо мақсадида; 2) 1-ийлини ширион қилиб, араб ширининг нигоҳини жанубга, 2-ийлини қурғалип християн черковига қаратиш мақсадида; 3-ийлини рафодоти туфайли. Юриш қайси йили содир бўлди ҳам тортшувлар бор: баъзилар Яманнинг юниш ҳокими Абрахага тегишли жанубий араб ёзувила (Ky 506) таяниб 547 йилни кўрсатишади, аммо дарҳақиқат Абраха шимолга уюштирган бирдан-бир юриши Турбонгача (Яманнинг шимолий чегараси) борган. Юқорида эслатилган юриш эса Абраха авлодларидан бири томонидан уюштирилган ва у 570 йили юз бергани эҳтимол. Бу ҳақда Қуръонда зикр қилинган, воқеа содир бўлган йил эса у ерда ом ал-фил, яъни "фил йили" деб аталган. Ҳабаш аскарида филлардан фойдаланилгани маккалиларга қаттиқ таъсир қилган кўринади. Шаҳар аҳолисининг аксарияти шаҳарни ташлаб, атрофдаги тоғларга қочиб кетди. Абд ал-Мутталиб ва бошқа бир қанча нуфузли маккалилар ҳабашлар билан музокара олиб боришга ҳаракат қилдилар. Аммо бир қанча сабаблар, жумладан, ҳабашлар ёллаган бадавий арабларнинг муқаддас ҳисобланган Макка териториясига қурол билан киришдан бош тортгани, сўнг ҳабаш отрядида чечак касаллиги тарқалгани Маккани омон сақлаб қолди. Қуръонда бу воқеа қўйидаги сўзлар билан берилган (Фил сураси, 1-5 оятлар); "А лам тара кайфа фаъала раббукаби асҳоби-л-фил, а лам яжъал кайдаҳум фи тадлил; ва

арсала алайхим Тайран Або бийл, тармиҳим би ҳижорат мин сижжийл, фа жаъалаҳум каъасфин маъкул" 1) Парвардигоринг фил эгаларига қандай муомала қилди, кўрмадингми? 2) Уларнинг макру хийласини бекор қилиб, панд бермадими? 3) Улар устига Абу Бийл қушларини юбориб, 4) сижжийл топларини ташлатмадими? 5) натижада уларни пайҳон қилинган ем-хашак қилиб ташламадими?

Қандай бўлганда ҳам ўз ҳимояси учун битта ҳам камон ўқи отмаган Макка аҳолисининг обрўси бу воқеадан сўнг янада ортиб кетди, қурайш қабиласи шарафли "ал-илоҳи", худо ёрлақаган қабила номини олди. Макка зодагонлари ичида Абд ал-Мутталиб ҳабаш лашкарбониси билан учрашганилиги туфайли энг катта сбрў қезонди. Унинг устига Абд ал-Мутталиб ҳабашлардан қолган ўлжаминг талайгинасини ўзи касб қилиб олди. Бу эса йўқсил қабиладошларга катта зиёфатлар ўюштириш имкониятини берди. Абд ал-Мутталиб обрўсининг ортганита яна бир далил – Ямандан ҳабашларнинг қувилиши ва Сайф б. Зу Язанинг таҳтга ўтириши муносабати билан Маккадан Яманга келган делегацияга Абд Шамс уруғининг бошлиғи Умайя ва Тайм уруғининг бошлиғи Абдулла билан бирга киргандигидир. Бу воқеа таҳминан 576–577 йиллари юз берган. Шундан бир йил ўтар-ўтмас, бўлғуси пайғамбар 8 ёшга тўлганида Абд ал-Мутталиб таҳминан 80 ёшларда вафот этди.

Абд ал-Мутталиб вафотидан сўнг унинг ўғиллари ал-Ҳорис, Абу Толиб, Абд ал-Узза, Аббос, Ҳамзалар негадир оталарининг нуфузига эга бўлмадилар. Макка зодагонлари ичида етакчилик ролини VII аср бошларида умавийлар уруғидан Абу Суфён ўйнаганини кўрамиз. Абу Суфён йирик савдогар эди. У жануб, шарқ-ва шимолга ўюштириладиган карвонларда фаол қатнашиб, катта бойлик орттириди. Исломшуюс олим Г.Э. фон Грюнебаум 610 йили Маккада Муҳаммаднинг пайғамбарлик фаолияти бошланишини айни вақтда Макка раҳбарлигини қўлга киритиш учун ҳаракат деб баҳолайди. Унинг ёзишича, эркин шаҳар-давлат шароитида пайғамбар сифатида тан олинган ҳар қандай шахс осонгина ярим расмий мавқсга эришиши мумкин эди. Айнан шу нарса балки Макка бутпарастлари Муҳаммаднинг пайғамбарлигига қатъян рози бўлмаганлигининг сабабларидан биридир.

Қисқаси, Мұхаммаднинг пайғамбарлигини тан олиш – унинг раҳбарлигини тан олиш билан баробар эди. Шуни айтиш керакки, ўрта аср араб адабиётида Мұхаммаднинг шаҳар раҳбари бўлишга интилгани ҳақида ҳеч қандай ишора йўқ. Бунинг учун унда моддий имконият ҳам йўқ эди. Аммо Мұхаммад 8 ёшида бобоси Абд ал-Мутталиб тарбиясида бўлгани, бобоси эса ўша пайтда Макка аҳолисининг аксарияти тан олган раҳнамоси бўлганини ҳисобга олсак, Г.Э. фон Грюнебаум таҳминига ҳам "жон" киради.

Умуман олганда, VII асрнинг бошларигача Макка зодагонлари ўз фаолиятларини асосан шаҳардаги уруғларнинг бирлигини сақлаш, қўшни бадавий қабилалар билан дўстонә муносабатда бўлиш, Византия ва Эрон можаросида бетарафлик мавқеини эгаллаган ҳолда Макка шаҳри ва унинг савдоси хавғизлигини таъминлашга қаратдилар.

Албатта, Макка шаҳри VI асрда ўзи эришган мавқега муайян ҳарбий кучга эга бўлгандагина етишиши мумкин эди. Аммо Маккада мунтазам армия йўқ эди. Унинг ҳарбий кучини қурайш қабиласидаги барча эркаклар ва бошиқа иттифоқдош қабилалардан келувчи кўмакчи кучлар ташкил қиласди. Қурайш қабиласи мустақил равишда 1,5 мингдан ортиқ жангчи тўплай олмасди. Макка-Мадина урушлари даврида маккалилар 10 минг кишилик отряд билан Мадинага яқинлашгани маълум. Хўш, бунга қандай эришилди? Бу ўринда "аҳобийш" тушунчасига тўхтаб ўтиш керак бўлади. Италиялик тадқиқотчи А.Ламменс аҳобийш Макка зодагонларига тегишли асли ҳабашистонли қуллар, улардан карвонларни қўриқлашда ва "Макка шаҳрида полиция кучлари сифатида фойдаланилган", – деган фикрни билдиради. Бу фикрга совет исломшуноси Е.А.Беляев ҳам тўлиқ қўшилади. Тўғри, Макка зодагонлари қуллардан ҳарбий мақсадларда фойдаланганлар. Қўпчилик мутахассислар хато равишда "аҳобийш" сўзини "ҳабаши" (ҳабаш, ҳабашистонли) сўзининг кўплик шакли деб тушунишади. Аслида ундаи эмас. "Ҳабаши"нинг кўплиги "аҳбош" бўлади. "Аҳобийш" эса батамом бошқа нарса. У Маккадан жануби-шарқроқдаги жой номи "Аҳбош" билан боғлиқ бўлиб, Макка атрофида истиқомат қилиб турган Кенана, Хузейма ва Хузоя қабилаларининг баъзи уруғларидан ташкил топган иттифоқdir. VI аср

бошларида қурайшларнинг ўша вақтдаги энг нуфузли арбоби Абд Маноф ўша "Аҳбош" деган жойда ўз қабиласини мазкур иттифоққа қўшилишига эришган. Ўз навбатида "аҳобийш" қурайшларнинг мавқеини кучайтириди ва VI аср ўрталаридан бошлаб савдонинг активлашишига имкон яратиб берди. Қурайш қабиласи савдо йўлида истиқомат қилувчи жуҳайна, музайна, ғатафон, ашжаъ, сулайм, саад, асад каби қабилалар билан ҳам яхши дўстона алоқада эди ва бу қабилаларнинг Маккада ўзига хос ваколатхоналари мавжуд эди. Бу бадавий қабилалар билан узоқ вақт дўстона муносабатларни сақлаш Макка зодагонларидан маълум дипломатик такт ва маҳоратни талаб қиласарди.

Ҳижжозда гегемонликни сақлаш вазифаси маккалилар учун фақат бадавийлар билан эмас, бошқа шаҳарлар билан ҳам-дўстона алоқада бўлишни тақозо қиласарди. Маккага энг яқин шаҳар – Тоиф – деярли йўлдош шаҳарга айланиб қолган, бу икки шаҳар араб адабиётида "Маккатони" икки Макка деган номни олганди. Табиий шароити мўътадил бўлгани учун маккалик бойлар Тоифдан ёзлик истироҳат манзили сифатида фойдаланишарди. Тоифда яшаган сақиғ қабиласи қурайшнинг энг ишончли иттифоқчиларидан эди.

Шунингдек, қурайшилар Ясрибдаги икки араб қабиласи – Абс ва Хазраж билан ҳам мустаҳкам муносабатда эдилар: қуда-андачилик йўли билан кўп маккалик зодагонлар Ясриб зодагонлари билан қариндош эдилар.

Шу нарса ҳарактерлики, Макканинг Ҳижжоз шаҳарлари – Ясриб, Хайбар, Тейма ва Води ал-Қурадаги яҳудий жамоалари билан алоқалари ҳам адоватли эмасди. Маккаликлар яҳудийларни "китоб · аҳли" бўлганликлари учун ҳурмат қиссалар, яҳудийлар ўз навбатида маккаликларнинг Арабистондаги алоҳида тутган ўринларини эътироф қиласарди. Буларнинг ҳаммаси Макка зодагонларига Арабистоннинг бошқа марказлари билан рақобат қилишга, VI асрда Яман, Ҳира ва Ҳассонийлар давлатларининг мустақиллиги йўқолгач, Арабистон бўйлаб етакчиликка эришишига имкон берди.

Афтидан, Арабистонда етакчилик Макка зодагонлари қўлига ўтганлиги ўзаро низседа бўлган икки буюк давлат Византия ва Эрон ҳокимларига ҳам мақбул бўлган кўринади. Ҳатто Византия императори христиан динини

қабул қилган, Асад уруғидан бўлган киши Усмон б. Ҳувайрисни Маккага ҳоким қилиб тайинлаш ҳақида гувоҳнома берганлиги маълум. Аммо Византия – Эрон низосидан хабардор бўлган Макка зодагонлари Византияга мойил бўлишни истамадилар. Аксинчә, улар бу низода Эроннинг қўли баланд келишига умид қиласдилар.

Макка бойлигининг асосини савдо ташкил қиласди. Макка атрофидаги бозорлар қачон пайдо бўлганлигини аниқ айтиш қийин. Аммо Укоз, Мажанна ва Зу Мажоз сингари йирик бозорлар V аср охири VI аср бошидан кўп тилга олина бошлади.

V аср охирларида Макка савдогарлари ташкил савдо алоқаларини ҳам активлаштирилар. Араб адабиётида Ҳошим Сурияда эркин савдо қилиш ҳақида Византия ҳокимларидан ҳужжат олганлиги айтилади. VI асрда Макка Қуръонда зикр қилинган шимол ва жануб савдосида етакчиликка эришди. Макка карвоnlари қанчалик катта бўлганини қўйидаги рақамлар кўрсатиб турибди: бир карвон 2,5 минг мол ортилган туюдан иборат бўлган; 1,5 минг туюга ортилган бошқа карвон молининг умумий қиймати 50 минг динорни ташкил қилди. Макка савдогарлари Арабистон жанубига Ҳиндистондан келтирилган қалай, қимматбаҳо тошлар, фил суяги, сандал ёғочи, зироворлар, ипак, бўз, пурпур матолар, жез, мис, кумуш идишларни, Шарқий Африкадан келтирилган хушбўй ва муаттар буюмлар, туюқуш пати, қора дараҳт ёғочи (абнус), тери ва қулларни, Яман молларидан фимиам, ладан, атир, қимматбаҳо тошлар, Соқотра оролидан аloe ва шакар қамиш; Баҳрайндан лаъл сингари молларни бошқа жойларга элтардилар. Шимолдан улар буғдой, жун, ёғ, мусаллас ва Финикия ҳунармандларининг маҳсулотларини келтирадилар. Ниҳоят, Арабистоннинг ўзидан ёғ, хурмо, жун, пахмоқ, тери каби маҳсулотлар билан савдо қилинади. Макка ана шу молларнинг ҳаммасини тушариш ва бошқа ёқларга юбориладиган пунктга айланганди. Маккада Шом (Сурия), Византия ва Эрон савдогарлари узоқ муддат истиқомат қиласди ва Макка зодагонлари билан яқин муносабатда бўларди. "Сира" китобларида асли шомли бўлиб, Маккада қолиб кетган ва кейинчалик исломни қабул қилган шахсларнинг исмлари кўплаб келтирилади. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, Макка ҳатто ўзига хос банк марказига айланаб, савдогарлар узоқларга

юборилган молларнинг ҳақини шу ернинг ўзида олишлари мумкин бўлган. Шунингдек, юк тушириш ва ортиш ишлари, мол-мулкни суғуртә қилиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилганди.

Шуни айтиш керакки, Макка карvonлари муайян шахсларнинг иштироки билан чегараланмаган, балки унда Қурайш қабиласининг барча эркагу аёл аъзоси қатнашиши мумкин бўлган. Кимdir унда ўз моли билан қатнашар, кимdir молини бошқа бир вакил билан жўнатар, яна кимdir молининг ярмини кредит (қарз) га оларди. Макка карvonлари умум жамоа иши ҳисобланса-да, амалда уларни энг йирик савдогарлар бошқарадилар. 624 йили Бадр жангига сабаб бўлган карvonда маккалик Абу Уҳайҳа б. Сайднинг бир ўзига тегишли 30 минг динорли моли бўлган, Тайм уруғидан Абдулла б. Жудъон ва Махзум уруғидан ал-Валид б. ал-Муғира Макканинг энг бой кишиларидан ҳисобланган. Умуман махзум уруғи бошқа уруғлардан кўра бойроқ бўлган кўринади, ҳатто шу уруғдан Абдулда б. Абу Рабиа деган киши "Иidl Қурайш" (Қурайш ҳуржуинининг бир томони) лақабига эга бўлган.

Савдо билан бир қаторда Маккада судхўрлик (ар-Рибо) авж олиб кетди. Катта даромад келтирувчи мавсумий карvonларида қатнашиш истаги аҳолининг ўртаҳол ва бечораҳол табақаларини судхўрларга мурожаат қилишга мажбур қиласди. Бой савдогарлар савдо билан бир вақтда судхўрлик ҳам қиласдилар. Ат-Табарининг таъкидлашича, Муҳаммаднинг амакиси Аббоснинг ўз қариндошларига қарз берган кўп пули бор эди. Ҳижранинг ўнинчи йили – видолашув ҳажи пайтида Муҳаммад пайғамбар Аббос қарзларининг барчасини бекор қилди. Одатда судхўрлар 1 динордан 1 динор, яъни юз фоиз фойда олганлар, аммо Қуръоннинг рибога оид оятларига қараганда, бу фойда 200 ва ҳатто 400 фоизгача чиқиб кетган.

Айни вақтда худди шу "пул ва судхўрлик" Макка жамиятида сифат ўзгаришига олиб келиши мумкин эди. Чунки патриархал уклад билан ривожланган пул – товар муносабатлари бир-бирига мос келмасди. Буни Муҳаммад пайғамбар идрок қилган кўринади. Бақара сурасининг 278–279 оятлари, шунга ишора қиляпти, чамаси: "Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангиз, рибонинг қолган қисмидан (яъни қарзининг

узилмаган қисмидан) воз кечингиз. Энди агар бу ишни қилемасангиз, Оллоҳ ва унинг расули томонидан уруш (ҳарб) бўлишини билиб қўйинғ. Агар тавба қилсангиз, мол-мулкингиз ўзингизда қолади – мазлум ҳам, золим ҳам бўлмайсиз". Демак, Макка жамиятида ислом арафасида судхўрлик шунчалик илдиз отиб кетган ва бу ҳол оғир ижтимоий оқибатга олиб келиши мумкин эдики, унга қарши "Оллоҳ ва унинг расули томонидан уруш" эълон қилиш ҳақида огоҳлантиришга эҳтиёж туғилди.

Рибо билан бир қаторда чайқовчилик, ҳали Маккага етиб келмаган моллар билан улгуржи савдо қилиш, йиғилмаган ҳосилни таг-томири билан сотиб олиш ҳоллари кўпайиб кетди. Бундай ҳолларда кимдир асоссиз катта бойлик орттиар, кимдир, аксинча, йўқсиллар сафига ўтиб қоларди, яъни синфий табақаланиш янада кучаярди. Шаҳарлилар ва бадавийлар ўртасидаги савдода қўпинча бадавийлар зиён қўрадилар. Бу ҳол бадавийларда шаҳарлиларга нисбатан адоватни кучайтиарди.

VI асрда Маккада пул-товар муносабатлари қанчалик ривожланганини ўша даврда кенг фойдаланилган истилоҳлар (терминлар) дан ҳам кўриш мумкин. Пул бирликлари сифатида динор ва дирҳам ишлатилган. Динор – олтин, дирҳам – кумуш танга бўлиб, улар Маккага Шом, Ироқ ва Мисрдан келарди. Ибн Ҳишомнинг уқтиришича; Маккада зарб қилинмаса-да, аммо у ерда бу тангаларнинг катта захираси бор эди. Қуръонда бирлик, ўнлик, юзлик, минглик, юз минглик сингари бутун сонлар, ярим (нисф), учдан бир (сулс), чорак (рубъ), бешдан бир (хумс), олтидан бир (судс), саккиздан бир (сумн), ўндан бир (ушр) каби каср сонлар зикр қилинган, Маккалилар қўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлиш ва каср чиқариш каби арифметик амалларни билганлар. Муайян ўлчов ва вазн бирликлари ҳам ишлатилган. Қуръонда уларнинг аниқ миқдори кўрсатилмаган ҳолда тўғри ўлчов ва вазн бирликларидан фойдаланиш кераклиги, нотўғриларидан фойдаланиш гуноҳ эканлиги айтилган. Бундай огоҳлантиришга асос бўлган, албатта, Маккали савдогарлар бадавийлардан молларни тўлиқ вазнда ёки тўғри ўлчовда олиб, уларга эса молларни нотўғри ўлчовларда берардилар. Қуръоннинг "ал-Қориъа" сураси, 6-9-оятларидан кўриниб турибдики, тарози икки паллалик бўлган; сочилувчи жисмлар ўлчови сифатида "соъ", мудд ва ратл

ишлиатилган. Олтин ва кумуш учун уқия, нашш, мисқол каби ўлчов бирликлари маълум бўлган.

Макка аҳолисининг кўпчилиги савдо билан шуғулланганининг объектив сабабларидан бири – бевосита Маккада деҳқончилик қилиш учун шароит йўқлиги эди. Аммо Макка атрофидаги кичик воҳа ва водийларда асрлар давомида деҳқончилик мавжуд бўлган. Бу ерларнинг аҳолиси Маккага дон, узум, хурмо, зайдун, анор ва бошқа мевалар келтириб сотганлар. Макка бойларининг ҳам атрофда хусусий боғлари бўлган.

Маккалилар чорвачиликдан ҳам хабардор бўлганлар: ҳар қалай карвонлар учун керак бўладиган минглаб туяларнинг ҳаммасини улар бадавийлардан сотиб олмагандирлар. Қўй, эчки, сигирлар кўплаб боқилган. Маккада катта мол бозорлари бўлган, чунки ҳажга келувчиларнинг кўпчилиги қурбонликка сўйиладиган молни ўзлари билан олиб келмай, шу ерда сотиб олганлар. Муҳаммад пайғамбар ўсмирилик йиллари Макка атрофидаги яйловларда подачилик қилгани маълум.

Қуръон оятларида ҳунармандчилик билан боғлиқ сўзлар кўп учрайди. Масалан: уй, ҳужра, том, устун, зинапоя, чодир, кўрпа-ёстиқ, идиш-товоқ, кийим-кечак, зийнат моллари, қурол-аслаҳа, хурмо, ва узумдан тайёрланган шароблар ва ҳоказо. Агар бу сўзлар Макка аҳолиси учун тушунарли бўлмаганда, улар Қуръонда ишлиатилмаган бўларди. Тўғри, мазкур маҳсулотларнинг кўпчилиги бошқа юртлардан келтирилган. Аммо уларнинг ичидан тудан бошқа транспорт воситаси бўлмаганлиги, масофаларнинг узоқ ва қийматлиги туфайли ташиб бўлмайдиган моллар бор. Демак, Маккада уларни тайёрловчи ҳунармандлар бўлган. Бошқа Ҳижжоз шаҳарларидаги сингари Маккада ҳам яҳудий ва насроний динида бўлган Сурия, Миср, Ҳабашистон, Византия ва Эрондан кўчиб келиб, ўрнашиб қолган кишиларнинг маҳаллалари мавжуд эди. Уларнинг кўпчилиги ҳунармандчилик билан шуғулланган; баъзилари мустақил иш олиб борган, бошқалари у ёки бу қулдор хизматида бўлганлар.

Арабистон яриморолининг бошқа ерлари каби Макка аҳолисининг ижтимоий таркиби ҳам уруғ-қабилачиликка асосланганди. Эрамизнинг V асридан бошлаб бу ерда яшаган асосий қабила қурайш қабиласи эди. Макка аҳолиси учта катта ижтимоий тоифага бўлинарди: 1) асл

курайшилар (суроҳо), 2) бошқа ёқдан келганлар (мавали) ва 3) қуллар (абид).

Асл қурайшилар ўз навбатида икки қисмга ажралғандилар: Каъба атрофида яшайдиган уруғлар (қурайш албитаҳ) ва шаҳар атрофида яшайдиган уруғлар (қурайш аз-зовоҳир). Қурайш ал-битаҳ аҳолининг энг бой ва шаҳар идорасида асосий ролни ўйнайдиган қисмини ташкил қилас, қурайш аз-зовоҳир эса камбагал, ярим кўчманчи тарзда ҳаёт кечиравчи оммадан иборат эди. Макканинг ўзига хос мавқеи туфайли қурайш қабиласи бошқа қабилаларга нисбатан устун турарди.

Ҳар йили ҳаж маҳалида кўплаб бошқа қабила аъзолари Маккада қолиб кетар, улар қурайш қабиласининг у ёки бу уруғи ҳимоясига ўтардилар. Бундай кишилар мавла (кўплиги мавали) деб аталардилар. Мавалининг мақоми ҳилф (иттифоқ) ёки живор (қўшниччилик) асосида ҳужжатланарди. Мавали ҳам Макканинг эркик кишилари ҳисобланиб, улар савдо ёки бошқа хоҳлаган машғулот билан банд бўлиши мумкин эди. Баъзи мавали катта бойлик ва эътибор қозонганликлари маълум. Макка-Мадина урушлари (622–630) пайтида ўлган ва ярадор бўлганларнинг рўйхатига қараганда, шаҳар аҳолисининг нисбатида мавали дёярли асл қурайшилар сони билан баробар бўлган.

Макка аҳолисининг таҳминан 4/5 қисми асл қурайшилар ва мавалидан иборат бўлса, қолган, 1/5 қисмини қуллар ташкил қиласарди. Маккада икки тоифадаги қулларни – Африкадан келган қора танлиларни ҳамда Шом ва Месопатамиядаги қул бозорларидан сотиб олинган оқсариқ танлиларни учратиш мумкин эди. Макка зодагонлари қуллар меҳнатидан хўжаликнинг деярли ҳамма соҳаси – савдо, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва уйрўзгор ишларида фойдаланганлар. Ибн Ҳишом уқтиришича, ҳатто Каъбани таъмир қилишда бир византиялик қул – меъмор ишлаган.


Шуни айтиш керакки, Маккада қул аёлларни никоҳсиз ва маҳрсиз тўғридан–тўғри сотиб олиб, улардан тасалли учун фойдаланмоқ кенг авж олганди. Уларнинг сони чегараланмаган, агар улардан фарзанд туғилмаган бўлса, ҳеч қандай "талоқ" расмиятисиз сотиб юбориш мумкин эди.

Бундан ташқари, Макка аҳолиси орасида унча кўп

бўлмаган миқдорда носора (христиан) ва яҳудий динларида бўлган ажнабий эркин кишилар ҳам бор эди. Аммо улар ҳеч қандай уюшмани ташкил қилмаган ва Макка сиёсий ҳаётида уларнинг деярли роли йўқ эди.

Хулоса қилиб айтганда, бир неча асрлик тарихни ўтаган Макка шаҳри ислом вужудга келиш арафасида ўзига хос идора услубига эга бўлган давлат бирлигини ташкил қиласарди. Асрлар давомида диний ва савдо маркази сифатида маълум бўлган Макка VI аср охири ва VII аср бошида Жанубий ва Шимолий Арабистондаги қадимги давлатлар (Ҳимёр, Ҳира ва Фассон) қулагач, Арабистон ярим оролининг сиёсий марказига, Макка зодагонлари эса Арабистон бўйлаб гегемонга айлангандилар. Шу нарса характерлики, Арабистон ўша давр буюк давлатлари ҳисобланган Византия ва Эрон билан територия жиҳатдан ҳам тенг келарди (салкам 3 млн. кв км).

Шундай вазиятда араб якка худолиги – ислом динининг тарғиботи айнан Маккада бошланганлиги, табиий ҳол эди.





ЯСРИБ (МАДИНА) ШАҲАР-ДАВЛАТИ

Маккадан таҳминан 350–400 км шимолда Мадина шаҳри жойлашган. Қадимда Ясиб номи билан маълум бўлган бу шаҳар ҳосилдор, серсув воҳадан иборат эди. Ясибиңнинг шарқий ва гарбий томонларида бир-бирига деярли мувозий равишда Воқим ва Вабра ҳарралари (вулқоний тош уюмлари), шимолий ва жанубий томонларида эса Уҳуд ва Айр тоглари чўзилиб ётарди. Ясиб атрофида кўплаб сой – водийлар, гарбда – Ақиқ, шарқда – Урайд, шимолда – Батҳон, жанубда – Музайнаб ва Маҳзур водилари мавжуд эди. Бу сойларнинг умумий нишаблиги жанубдан-шимолга йўналган кўринади. Ҳар қалай, Ясибиңнинг шимолий-гарбий чеккасида сой сувлари тўпланадиган жой Биър Рума деб аталган ва ҳижрадан олдин у бир яҳудийнинг мулки ҳисобланган. Ҳижрадан сўнг пайғамбарнинг рағбати билан бу ерни унинг куёви ва бўлғуси халифа Усмон 20 минг дирҳамга сотиб олган.

Қадимги Ясиб тарихи ҳали яхши ўрганилмаган: у ердан ҳеч қандай қадимги ёзувлар топилмаган; у ерда умуман ҳеч қандай археологик иш олиб борилмаган. Ҳозирги Мадина бошқа шаҳар ҳаробалари устида турибди, деган фикр бор.

Қадимги Ясиб тарихига оид материаллар, асосан, "ахборийлар" берган ривоятлар шаклидаги маълумотлардан иборат. Илмий манбалар етарли бўлмагач, кўпроқ таҳмин ва фараз қилишга тўғри келади. Машҳур савдо йўлида жойлашганлиги, табиатан ҳосилдор воҳадан иборатлиги Ясибиң узоқ ўтмишдаёқ оҳил (яъни аҳоли яшайдиган) жойга айлантириши турган гап эди. Майн ёзувларида Ясиб номининг келтирилиши бунга далил бўла олади. Ясиб кетма-кет майн, саба ва ҳимёр савдогарларининг мустаъмараси (колонияси) бўлган.

Птолемей ўзининг "Географияси" да бу шаҳарни "Йатриппа", Византияли Стефан эса "Йатриппа полис" деб

берган. Ясриб номи билан бу шаҳар Қуръонда ҳам зикр қилинади (Аҳзоб сураси, 13-оят). Ҳозирги Мадина шаҳарининг шимоли-ғарбида яҳудийлар бу ерларга кўчиб келмасдан олдин Ясриб номи билан аталган бир қишлоқ бўлган. Кейинчалик катталашиб кетган шахарнинг номи ҳам шу қишлоқ номидан олинган бўлиши мумкин. Қуръонда учрайдиган шаҳарнинг янги "ал-Мадина" номи ҳижрадан сўнг пайдо бўлди.

Ясриб тарихи ҳам шу ҳижрадан таҳминан бир аср олдин, яъни VI аср бошларидан ишончли тус олди дейиш мумкин. Бу пайтда Ясриб бир неча қишлоқларга бўлинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳар бир қишлоқ ўз навбатида яна икки қисмга, биринчиси - у ёки бу уруғга қарашли ерлар ва уйларни ўз ичига олган бўлса, иккинчиси - утм (кўплиги-отом) деб аталган девор ва дарвозалари бор қўргондан иборат эди. Катта уруғлар бир неча утмга эга бўлишлари мумкин эди. Ташқи ҳужум хавфи туғилганда ёки уруғ эркаклари урушга кетганла-рида аёллар, ёш болалар ва қариялар утмга беркинарди-лар. Бундан ташқари, уруғнинг фалласи, қурол-яроғи ва қимматбаҳо буюмлари ҳам утмларда сақланарди. Ўз ут-мига эга бўлмаган, очиқ маҳаллада яшайдиган май-да уруғлар ҳам йўқ эмасди. Аммо бундай уруғлар албат-та бошқа йирик уруғнинг ҳомийлигига бўлмоғи зарур эди.

Ясриб аҳолиси асосан яҳудийлар ва араблардан иборат эди. Яҳудийлар катта-катта гурӯҳ бўлиб яшардилар. Ҳар бири икки мингдан ортиқ одамга эга бўлган учта яҳудий қабиласи маълум: қайнуқоъ, надийр, қурайза. Араб ада-биётида бундан ташқари 20 дан ортиқ майда ва нисбатан йирик яҳудий уруғларининг номи келтирилади. Ясриб яҳудийлари одатда очиқ жойда эмас, балки мустаҳкам утмларда яшаганлар. Ас-Самҳудийнинг таъкидлашича, яҳудийларга тегишли утмларнинг умумий сони - 59 та бўлган. Яҳудий қабилалари Ясрибининг ҳосилдор, обод қисмларини эгаллагандилар. Бану Надийр қабиласи Яс-рибининг жанубий-шарқий қисмидаги Води Музайнаб, Бану Қурайза - улардан шимолроқдаги Води Маҳзур, Бану Қайнуқоъ эса мазкур иккала қабиладан шимолиғарброқда, шаҳар марказига яқин жойда истиқомат қиларди. Шунин-гдек, бошқа кўп яҳудий уруғлари ҳам қулай ерларда йигноқ бўлиб яшардилар.

Ясириб яҳудийларининг этник жиҳатдан қайси группага мансублиги масаласида яқдил фикр йўқ: баъзилар уларни яҳудлашган (яъни яҳудий динини қабул қилган) араблар дейишига, бошқалар Исроил (Фаластин) дан кўчиб келиб, шу ерда ўрнашиб қолган аҳоли деб ҳисоблайдилар. Тўғри, исломдан олдин яҳудий динига кирган баъзи араблар бўлган, аммо Ҳижжозда бутун бир араб қабиласи яҳудий динини қабул қилгани ҳақида бирорта факт йўқ. Қуръонда Ясириб яҳудларига "бану Исроил" деб мурожаат қилинганлиги иккинчи фикр тарафдорлари учун ҳақли равишда энг кучли далил бўлиб хизмат қилади.

Араб наасабчилари Мадина ёки Ҳижжознинг бошқа жойида истиқомат қилган биронтә яҳудий қабиласини араб қабиласи сифатида тилга олмайдилар. Шунингдек, Ясириб яҳудлари ҳам ўз наасбларини арабларга мансуб қилишга уринмаганлар. Аксинча, улар ўзларини доимо исроилликлар деб ҳисоблаганлар. Масалан, бану Қайнуқъ ўзларини авлиё Иосиф зурриётлари деб билардилар, бану Надийр ва бану Қурайза эса биргаликда "ал-Кохинайн" – икки кдоҳин деб аталардилар. Айни вақтда араб-наасабчилари Яманда яҳудий динини қабул қилган ва Шомда христиан динига кирган кўплаб араб қабилаларининг номларини зикр қиладилар. Ўз навбатида бу яҳудлашган ва христианлашган араб қабилалари ўзларини ҳеч қачон Исроилга мансуб қилмаганлар.

Шу нарса аниқки, Ясириб яҳудийлари ўзига хос талаффуз билан араб тилида сўзлашганлар. Тоат-ибодат ишларини эса ўз она тиллари – ивритда олиб борганлар. Уларнинг ибодатхоналари, диний мактаблари ва руҳонийлари мавжуд эди. Ясириб яҳудийлари қўшин араблардан ўзларини юқори тутиб, уларни "оми" (арабча "умми") деб атаганлар.

Яҳуд қабилалари Ясирибга илк бор қачон ва қай тарзда келганлиги масаласида ҳозирча қатъий фикр айтиш қийин. Ахборийларнинг ривоятига кўра, Ясирибда гўё қадим замонларда девқомат одамлар (арабча "имлоқ") яшаган; уларнинг подшоси Ал-Арқам кўп золимликлар қилган. Яҳудларнинг пайғамбари Мусо (Моисей) унга қарши қўшин юборганмиш, ана шу қўшин Ясирибда қолиб кетганмиш. Буни тасдиқлайдиган ҳеч қандай тарихий ҳужжат йўқ. Шуниси қизиқки, яҳудий адабиётида бу қисса умуман тилга олинмайди.

Тарихий манбаларга кўра, эрамизнинг биринчи ва иккинчи асрларида Ҳижжозга кўплаб яҳудийлар кўчиб кела бошладилар. Биринчи навбатда бу Рим империясининг Ўрта денгиз соҳилини истило қилганлиги, айниқса Яҳудия уруши (70 й) деб ном олган Фаластин яҳудларининг Римга қарши қўзғолони қақшатқич равишда бостирилганлиги туфайли бўлди. Яҳудлар Рим легионерларининг таъқибидан қочиб Ҳижжознинг бир қанча шаҳарларида, жумладан, Ясирибда паноҳ топдилар. Албатта, яҳудий иммиграцияси бир дафъада ёки қисқа муддат ичидаги юз берган деб бўлмайди. Бу узоқ давом этган жараён бўлиши керак.

Ясирибнинг исломдан олдинги араб аҳолисига келсак, улар асосан 2 та қабилани ташкил қиласардилар: бану Аус ва бану Ҳазраж. Араб насабчиларининг уқтиришича, бу икки қабила ўзаро қон-қариндош бўлиб, улар асли ватани Жанубий Арабистондан өрим оролнинг бошқа районларига тарқаб кетган Азд қабила туркумига кирадилар. Аус ва Ҳазраж қабилалари ўз навбатида 5 тадан йирик ва бир қанча майда уруғларга бўлинib, уларнинг умумий сони 40 дан ортиб кетганди. Бундан ташқари, Ясириб атрофларида Аус ва Ҳазраж билан ҳомийлик асосида боғлиқ бўлган бир қанча майда араб уруғлари яшаган. Аус қабиласи Ясирибнинг шарқий ва жанубий қисмини, Ҳазраж эса шаҳарнинг ўрта ва шимолий қисмини эгаллаганди. Аус ерлари унумли, дәхқончилик учун қулай бўлиб, асосий яҳуд районларига туташ эди. Ҳазраж ерлари эса, аксинча, камҳосилли бўлиб, фақат Қайнуқъоे ерларига яқин эди. Бу ҳолат иккала араб қабиласи ўртасидаги ва Ясирибнинг араб ва яҳуд аҳолиси ўртасидаги муносабатларга таъсир килмай қолмади.

Аус ва Ҳазраж қабилаларининг қачон ва қай тарэда Ясирибга келиб қолганлиги ҳақида якдил фикр йўқ. Араб аҳборийлари Азд қабила туркумининг Ямандан шимолга кўчиш сабабини Мариб тўғонининг бузилиш воқеаси билан боғлайдилар, аммо муайян тарихий санани кўрсатмайдилар. Мариб тўғони эса бир неча бор бузилиб-тузатилгани маълум: эрамиздан аввалги 115 йил, эрамизнинг 120, 450, 542 йиллари.

Бу масалада яна бир манбадан фойдаланиш мумкин. Маълумки, араб насабчилари ҳижра содир бўлган пайтда Ясирибда яшаган йирик шахсларнинг тўлиқ насабини бе-

радилар. Масалан, шундай шахслардан Саад б. Ибодат ал-Ҳазражийнинг аждодларидан ўн биринчиси Ал-Ҳазраж Буюк деб берилган. Икки авлод орасидаги йиллар фарқини тахминан 25–30 йиллар олинса, умумий фарқ 300 йил атрофида бўлади. Демак, Ҳазраж Буюк IV аср бошларида яшаган ва шартли равишда Ҳазраж ва Аус қабилаларининг Ясрибга кўчиб келишини ҳам шу давр билан белгилаш мумкин. Албатта, Азд қабила туркумийнинг кўчишини бир дафъада юз берган деб тасаввур қилиб бўлмайди, чунки шу туркум жумласидан бўлган Хузоа қабиласи II асрнинг иккинчи ярми ва III асрда Маккада ўрнашиб қолган. Қандай бўлганда ҳам Аус ва Ҳазраж қабилалари Ясрибга яҳудлардан кейин келганлар.

Кўп сабабларга кўра ва уларнинг ичида энг муҳими – аҳолиси яккаю–ягона этник унсурдан таркиб топгани туфайли Макканинг идораси исломдан олдинги 2 аср давомида барқарор шаклда бўлшин бўлса, Ясрибда аксинча, бундай барқарорлик амри маъмур нарса эди. Бир қабила қўлида ҳосилдор ерларнинг тўпланиб қолиши, қолаверса, этник-диний қарама-қаршиликлар доимо низо чиқишини тақозо қиласди.

Модомики, Ясрибда яҳудий ва араб қабилалари тарихан олдинма-кейин пайдо бўлган экан, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳам ҳар хил босқичларни ўтади. Булар, биринчидан, яҳудларнинг ўзаро муносабатлари, иккинчидан, яҳудлар ва араблар муносабати ва ниҳоят, учинчидан, икки араб қабиласи – Аус ва Ҳазраж ўртасидаги муносабатлар.

Дастлабки даврларда яҳудий қабилалари маҳаллий аҳолига қарши бир-бирини қўллаб-қувватлаганлар, аммо ўрнашиб олганларидан сўнг улар орасида рақобат бошланганга ўхшайди. Надир ва Қурайза қабилалари кенг миёсда деҳқончилик билан шуғулланган ҳолда Қайнуоъ қабиласининг на ери ва на экини бўлмагани ва фақат ҳунармандчилик билан шуғуллангани бёжиз бўлмаса керак. Бақара сурасининг 84–85-оятлари шубҳасиз шунга ишорадир: "84. Эсланг: Бир-биргизнинг қонингизни тўкмайсиз, бир-биргизни диёргиздан ҳайдамайсиз", деб аҳду паймонингизни олгандик... 85. Кейин эса сизларнинг ўзингиз бир-биргизни ўлдирмоқдасиз, ўз тоифангиздан бўлган бир гурӯҳни диёрларидан ҳайдаб, уларнинг устига гуноҳ ва зулм билан бир-биргизига

ҳамкорлик қылмоқdasиз... ҳолбуки уларни ҳайдаш сизларга ҳаром (мань) қилинганды эди". Хуллас, күриниб турибдики, ҳижра арафасида яхудий қабилалари ўртасида иноқлик йўқ эди.

Аус ва Ҳазраж қабилаларининг Ясирибга кўчиб келган даврида бу ерда улардан олдин ўринашиб қолган яхуд қабилалари билан муносабатлари тинч, дўстона бўлди. Бундай муносабатлар нисбатан узоқ давом этди. Қабилачилик удумига кўра ўзга қабилалар билан алоқа муайян ҳуқуқий шаклда бўлмоғи лозим эди. Ясирибнинг яхудий ва араб қабилалари дастлаб живор (қўшничилик), сўнг "ҳилф" (иттифоқ) асосида яшаб келдилар. Кейинчалик иккала томон ҳам кўплаб ўтм (қўргонлар) қуришга киришганлиги улар орасида ишонч йўқолгани ва муносабатлар кескинлашганидан далолат беради.

Ҳазраж қабиласининг баъзи уруғлари Шомга кўчиб кетган ва Гассонийлар ерида яшардилар. V аср охирларида ана шу уруғларнинг мадади билан Аус ва Ҳазраж қабилалари Ясирибда устунликка эришдилар. Ясириб араблари ва яхудлари ўртасидаги низога диний тус бериш ёки уни ҳалқаро миқёсдаги воқеалар (Яманнинг ҳабашлар томонидан босиб олиниши) билан боғлашга уриниш тўғри эмас. Бу кураш маҳаллий характерда бўлиб, асосан, ер ва сувга эга бўлиш учун олиб борилганди. Бу нарса тез орада янада очиқ тус олди. Гап шундаки, VI. аср бошларида Ясириб араблари ҳам ўзаро келиша олмай қолдилар. Деярли 120 йил давом этган бу низода баъзи яхудий қабилалари Аус тарафида турган бўлсалар, бошқалари Ҳазраж тарафини олдилар. "Айём ал-араб" туркумига кирган бир қанча "кунлар" ана шу воқеалар билан боғлиқдир. Бу ерда ҳам асосий сабаб ер-мулк масаласига бориб тарқалади: нисбатан заиф Аус қабиласи ҳосилдор ерларга эга бўлиб олганди. Аксарият тўқнашувларда Ҳазраж қабиласи ютуқقا эришарди. Воқеалар шу зайлда кетса, пировард-натижада Ҳазраж шаҳарда устунликни қўлга киритиши мумкин эди. Аус икки қўшни яхуд қабиласи Қурайза ва Надир билан иттифоқ тузишга уриниб кўрди. Аммо Ҳазраж етарли даражада кучли экан шекилли, уруш билан таҳдид қилиб, Қурайза қабиласидан 40 нафар ўспиринни бандилликка

олди ва уларнинг бетарафлигига эришди. Шундан сўнг Аус бошлиқлари ҳар йили Маккага уюштириладиган ҳаж маросимидан фойдаланиб, Қурайш қабиласи билан Ҳазражга қарши иттифоқ тузишга уринади. Асосан савдода ҳукмронликни бермаслик учун курашиб келган Макка зодагонлари бундай иттифоқни рад қилдилар. Тақдирга тан беришдан бошқа илож қолмагач, Аус бўйсунишга мажбур бўлди. Ауснинг тобеликка рози бўлмаган баъзи уруғлари бошқа ёқларга кўчиб кетдилар.

Шундай вазиятда, назаримизда, Ҳазраж қабиласининг бошлиқлари қўпол хатога йўл қўйдилар: улар Ясирида тўла ҳукмронликка эришиш мақсадида икки яҳуд қабиласи – Надир ва Қурайзага уруш билан таҳдид қилиб, ўз ерларини бўшатишларини талаб қилдилар. Бир оз вақт ўтгач, Байёда уругининг бошлиғи бандиликдаги яҳудий болаларини қатл қилишни буюрди. Бунга жавобан Аус қабиласи иккала яҳудий қабиласи билан иттифоқ тузди. Ҳазраж ҳам бадавий араблар орасида иттифоқчилар қидиришга мажбур бўлди. Шундай қилиб, бир-бирига зид икки кучли коалиция (уюшма, иттифоқ) вужудга келди. Томонлар бир яrim ой мобайнида ҳал қилувчи жангта тайёргарлик кўрдилар. Шу вақт ичида ҳар иккала томоннинг тарафдорлари бирмунча ортди. Ниҳоят, Қурайзага қарашли Буос деган жойда тўқнашув юз берди. Дастреб Аус тарафдорлари одатдагидек енгила бошладилар. Аммо Ҳазраж кучларини бошқарган Амр б. ан-Нуъмоннинг кутилмаганда ҳалок бўлиши жанг жараёнини ўзгартириб юборди. Ҳазраж ва унинг иттифоқчилари жанг майдонидан қочиб, утмларга беркина бошладилар. Аусийлар уларни бир оз таъқиб қилган бўлсалар-да, утмларни қамал қилмадилар. Унинг устига Аус қўшинини бошқарган ал-Ҳудайр б. Симак ҳам бир неча кундан сўнг жангда олган жароҳатидан ҳалок бўлди. Шундай қилиб, Аус ҳижрадан беш йил муқаддам юз берган "Буос" кунида ўз галабасини охиригача етказмади. Улар буни истамадилар ҳам шекилли, чунки, Ҳазраж батамом мағлуб қилинган ҳолда шаҳарда яна яҳудий қабилалари устунликка эришишлари мумкин эди. Ясири араблари яҳудларга нисбатан "тулки" лақабини ишлатардилар. Аус қабиласининг бошлиқлари "тулкилар" билан қўшничилик қилишдан кўра заифлашган Ҳазражни афзал кўрдилар.

· Бир қабиланинг икки уруғи, ҳатто бир урганинг икки бўғини (ашира) ўртасида ҳам баъзан қон-қариндошлиқдан кўра иқтисодий манфаат устунлик қилиши ва улар ер-сув талашиб ўзаро қирпичноқ бўлиши мумкин эди. Шундай ҳодиса Аус қабиласининг Набит уруғидан бўлган икки оила-бану Ҳориса ва бану Абд ал-Ашқал ўртасида юз берди. Бану Ҳориса Абд ал-Ашқални ўз еридан қувиб чиқарди. Бир оз вақт ўтгандан сўнг бану Абд ал-Ашқал бану Сулайм билан иттифоқда бану Ҳарисани енгди ва уни Хайбарга кўчиб кетишга мажбур қилди. Орадан бир йил ўтгач, улар сулҳга келишдилар. Худди шундай воқеа Ҳазраж қабиласининг икки уруғи – бану Баёда ва бану Зурайқ ўртасида юз бериб, биринчиси иккинчисини ўз ерларидан кўчиб кетишга мажбур қилган.

Қўриниб турибдики, Ясриб шаҳри зиддиятлар ва ихтилофлар билан тўла эди. "Буос" куни ҳар иккала томон жуда катта зарар кўрди: аҳолининг юқори табақаларидан кўплаб киши қатл этилди; ёнғин ва талон-тарож натижасида уйлар ва хусусий мулклар вайрон бўлди. Бундай вазиятдан чиқиш учун чора изламоқ даркор эди. Айниқса, бетараф мавқеда бўлган кичик уруғлар низолардан манфаатдор эмасди. Умуман, "Буос" кунидан сўнг кўпчилик ясриблилар тинчликка, иттифоққа майл билдира бошлидилар. Айтишларича, Ҳазраж қабиласидан бир муғузли кишини шаҳарнинг умумий ҳокими сифатида тан олиш масаласида ҳамма қабила ва уруғ вакиллари орасида музокара ҳам кетарди. Шундай вазиятда Ясрибга Мұхаммад пайғамбар бошлилигида мусулмонларнинг ҳижраси (622-йил) юз берди.

Ясриб шаҳридаги ички воқеалар баёнини шу ерда тўхтатиб туриб, шаҳар аҳолисининг ташқи муҳит билан алоқаларига назар ташлайлик. Шуни унутмаслик керакки, Ясриб атрофида кўчманчи араб қабилалари ишаган. Бадавийлар ўхтин-ўхтин шаҳар аҳолисига қўжумлар қилиб турардилар. Буни бартараф қилмоқ учун шаҳардаги қабилалар бадавийларга "итова" тўламиоқлари ёки улар билан ҳилф (иттифоқ) тузмилари лозим эди. Аммо айни вақтда ясриблиларнинг ғиммо қиличи тайёр турмоғи ҳам даркор эди. Ансорлар Мұхаммадга ҳикоя қилишларича, Ясрибнинг бевосита ғиммадан олдинги аҳолиси бир неча бор шаҳардан чиқиб, бадавийларни таъқиб қилган ёки шаҳардан

чиқмасдан бадавийлар ҳужумини бартараф этган. Бунинг учун албатта етарли куч-қувватга эга бўлмоқ керак эди. Ясриб шаҳрида ҳижрадан олдин қанча қурол-яроғли киши бўлганлиги ҳақида маълумот йўқ. Аммо бевосита ҳижрадан кейин Аус ва Ҳазраждан жангларда қатнашганларнинг сонидан тегишли хулоса чиқариш мумкин. 630 йили мусулмонларнинг Маккага юришида Аус ва Ҳазраж қабилаларидан 4000 жангчи қатнашган. Майда уруғларни ҳисобга олмагандা, уч яҳуд қабиласидаги эркак сони 2000 дан ортиқ эди. Демак, керак бўлганда Ясриб 6000 кишилик аскар тўплаши мумкин эди. Ясриб қурол-аслаҳаси билан ҳам машҳур эди. Қурайза қабиласи шаҳардан қувилган пайтда улардан 1,5 минг қилич, 2 минг ёй, 1,5 минг қалқон ва 300 совут қолганди.

Ясрибнинг Макка, Тоиф ва Хайбар сингари шаҳарлар билан алоқаси нисбатан яхши, мунтазам равишда мол алмашиниб туриларди. Унинг яриморолдан ташқаридаги давлатлар, жумладан, Византия ва Эрон билан муносабати халқаро савдода роли катта бўлмаганлиги туфайли чекланганди.

Ясрибнинг хўжалик ҳаётини кўп қиррали деб ҳисоблаш мумкин. Ҳосилдор ер, кўплаб сой-водийлар, қудуқ ва чашмаларга эга бўлган жойда деҳқончилик бўлмаслиги мумкин эмас. Қуръонда бунга ишоралар кўп "... ҳар бошогида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона дон..." (Бақара сураси, 261-оят) ёки "... тагларидан дарёлар оқиб турувчи, хурмо-узумлари бор, ҳар турли меваларга тўла боғ ..." (Бақара сураси, 266-оят) ва ҳоказо.

Ясриб ҳўжалигига хурмо катта аҳамиятга эга эди. У катта майдонларда етиширилиб, хурмозор боғларни ташкил қиласарди. Унинг меваси яхши озиқ ҳисобланарди, ҳатто ундан айирбошлашда, иш ҳақи ёки қарзни тўлашда фойдаланишарди. Хурмонинг деярли ҳамма нарсасидан наф олиш мумкин эди: барги - томга ёпинчоқ, танаси - уйга устун ва тўсин, пўстлоғи - ўтин, данаги - туяга ем бўларди. Хурмодан сўнг Ясриб маҳсулотлари ичida арпа турарди. У маҳсус далаларда етиширилар, лекин одатда хурмо дарахти остига ҳам экиларди. Ясрибда арпадан қанча ҳосил олинганлиги бизга номаълум, хурмо меваси шаҳар аҳолисининг эҳтиёжидан ортиб, ташқарига

чиқарылған бўлса, арпа, аксинча, ташқаридан келтириларди. Бундан ташқари, кўплаб цитрус ва полиз ўсимликлари мавжуд эди.

Ясриб аҳолисининг кўпчилик қисми дәхқончилик билан шуғулланган. Аммо шунга қарамай шаҳарда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишмаган ва уларни асосан Шомдан келтирилган. Эркин дәхқон хўжалиги билан бир қаторда чорикорлик ва ижарачилик ҳам мавжуд бўлган. Чорикорлик ва ижарачиликда ернинг унумдорлигига қараб, ҳар хил миқдорда маҳсулот билан ҳақ тўланган. Баъзида ернинг бир қисмини ўзига ва бошқа қисмини ер эгасига ишлаб бериш ҳоллари ҳам бўлган. Чорикор ва ижарачи дәхқонлар аксарият ҳолларда қарз олишга, унинг эвазига ўз улушларига тегадиган маҳсулотни ўсиб турган жойида (музобана) ёки кўклайн (муҳоқала) сотишга мажбур бўлардилар. Кам ерли дәхқон қарзларини уза олмай, одатда, еридан воз кечарди. Бундай ҳоллар бойлар ва камбағаллар ўртасида тафовутни орттирас, ижтимоий ҳолатни кескинлаштиради. Умуман олганда, Ясриб яҳудлари арабларга нисбатан бойроқ яшарди. Атиги юз оиласи ташкил қилган муҳожирлар Маккадан Ясрибга ҳижра қилганларида уларни ўз бағирларига олган ансорларининг оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолганликлари бундан далолат беради. Кейинчалик вазиятни фақат яҳуд қабилаларини шаҳардан қувиши ва актив савдо билан шуғулланиш ҳисобига тузатиш мумкин бўлди.

Макка ва Ясриб атрофидаги бадавий аҳолига нисбатан олганда, Ясрибда чорвачилик ҳам камроқ тарақкий қилганди. Бу нарса Бадр жангидаги (624 й) яққол кўзга ташланди. Маълумки, ўшандаги Мадина мусулмонлари борйиги 2 от ва 70 тужа билан жангда қатнашган бўлсалар, маккаликлар 700 тужа ва 100 отда бўлганлар. Аммо айни вақтда Ясрибнинг айрим бойлари кўплаб от-уловга эга бўлганлиги ҳақида маълумот бор. Масалан, Ысфаҳоний ҳикоя қилишибича, Аус қабиласидан Уҳайҳа б. ал-Жаллоҳ исмли бир кишининг фақат суғориш мақсадида ишлатган 99 та туяси бўлган. Айниқса ҳижрадан кейин Мадинада от ва туялар сони кескин органини кўрамиз. Пайғамбарнинг куёви Усмон б. Аффоннинг бир ўзи Таббуқ шаҳрига юриш қилган мусулмон аксарини 950 туя ва 50 от билан таъминлаган. Бу нарса асосан ислом

давлатининг тузилиши ва араб қабилаларига қарши уюштирилган кўплаб газовотлар туфайли юз берди. Масалан, бану Мустаълиқ қабиласига қарши юришда 2000 түя, 5000 қўй-эчки, Ҳунайн юришида эса 24 минг түя ва 40 минг қўй-эчки ўлжа олиниди.

Атрофи қишлоқлар ва кўчманчи арабларнинг яйловлари билан ўралганлиги туфайли Ясрибда савдо фаолияти вужудга келмасдан иложи йўқ эди. Қуръоннинг Мадина сураларида савдога оид кўплаб амр ва фармонлар бор. Айниқса қўшни бадавийлар билан актив савдо муомаласи мавжуд эди. Бадавийлар Ясрибга түя, қўй, от, жун, кигиз, ёғ ва пишлоқ келтириб сотардилар. Ясрибдан эса аёлларга безаклар ва кийим-кечаклар билан қайтардилар Ясриб темирдан қурол-яроғ ва қишлоқ хўжалик асбобларини ишлаб чиқаришда ҳам машҳур эди. Ясрибда бир қанча бозорлар мавжуд бўлиб, улардан энг йириги Води Батҳон кўпиги ёнида жойлашган бану Қайнуқоъ бозори эди. Бу бозор яҳудий Қайнуқоъ қабиласида ишланган безак ва қимматбаҳо буюмлар учун ихтисослашганди. Ясрибининг шимоли-гарбидаги Зубола деган жойда бошқа бозор бўлиб, у ҳижрадан сўнг энг йирик мусулмон бозорига айланди. Ал-Бақиъ маҳсус мол бозори эди. Катта бозорларда ҳар хил мол сотилар, аммо ҳар бир мол учун маҳсус бўлим ажратилганди.

Бозорларда олди-сотидан ташқари саррофлик (пул алманиш) ишлари ҳам олиб бориларди. Маҳсус кишилар даллоллик қилишар, баъзида улар бадавийларнинг молларини бозорга кирмасдан кўтарасига олиб, сўнг бозорда юқори нархда сотардилар. Бозор ишлари устидан деярли назорат йўқ эди. Ясриблиларга ўлчов ва вазн бирликлари маълум бўлса-да, бозорда кўпинча чамалаб сотиш (мужозафа) ва нархни 2-3 баробар ортиқ айтиш (муножаша) ҳоллари учарди. Насияга (муайян муддатда тўлаш шарти билан) мол сотиш, гаровга қўйиш йўллари савдони активлаштиришга хизмат қиласарди.

Ниҳоят, Макка каби Ясрибда ҳам судхўрлик (рибо) ривожланганди. Судхўрлик синфий табақаланишни тезлаштирувчи омил эди, чунки қарздор киши қарзини узиш учун яна судхўрга мурожаат қилишга мажбур бўларди. Ясрибда судхўрлик билан араблар ҳам, яҳудийлар ҳам шуғулланардилар. Аус қабиласининг кўзга кўринган кишиларидан юқорида эслатилган Уҳайҳа, айтишларича, ўз

қавмидагиларнинг кўпчилигини рибо билан боғлаб қўйганди. Қуръонда рибо билан шуғулланувчи яҳудлар қораланган.

Ҳижрадан сўнг Ясриб ички савдосидаги жуда кўп тартибсизликларга барҳам берилди. Аммо айни вақтда Муҳаммад томонидан жорий қилинган янги тартиблар арабларга, айниқса, муҳожирларга катта имтиёзлар бердики, қисқа муддат ичida уларнинг бойиб кетганини кўрамиз (Усмон б. Аффон, Абдураҳмон б. Ауф ва бошқалар).

Олдин айтилганидек, Ясриб узра халқаро карвон йўли ҳам ўтганди. Шундай экан, шаҳар аҳолиси халқаро савдода иштирок этмасдан иложи йўқ эди. Ясрибда ислом арафасида бир қанча бой яҳуд оиласлари мавжуд бўлганини инобатга олинса, ташқи савдода улар қандай роль ўйнаганини тасаввур қилиш мумкин. Айтишларича, қурайший савдогарлари Ясрибли бир моҳир яҳуд савдогарининг рақобатидан қутулиш учун уни ўлдирганлар. Тўғри, Ясриб савдогарлари маккалилар сингари Шомга ва Яманга мавсумий карвонлар уюштирмасдилар. Аммо худди шу ўлкаларнинг ип-газлама, шойи ҳамда ёғ, майиз, вино каби моллари Ясрибга кўплаб келарди. Ясриб савдогарлари Маккали савдогарлар билан муомала қилиш билан бир қаторда ўзлари ҳам Макка яқинидаги Укоз, Мажанна ва Зул-Мажоз бозорларига бориб, у ерда актив олди-сотди ишларни олиб бора дилар. Ички, ва ташқи савдога чиқариладиган айнан Ясриб моллари ҳам йўқ эмасди. Айниқса, Қайнуқъ қабиласида тайёрланган қимматбаҳо безак буюмларига бутун Арабистон бўйлаб катта талаб бор эди. Бу буюмлар учун керак бўлган хом ашё (олтин, темир, қимматбаҳо тошлар) эса Ясрибга четдан келарди. Айтишларича, ясириблилар Сурия жанубида истиқомат қилган наботийлар билан шунчалик мустаҳкам алоқада бўлганларки, кўпинча улардан келадиган муайян молларнинг пулини олдиндан тўплаб қўйганлар. Қизил денгиз соҳилида Ясрибдан бир кечаю бир кундузлик масофада ал-Жор деган бандаргоҳ мавжуд бўлган. Бу бандаргоҳга Ҳабашистон, Адан, ҳатто Ҳиндистон ва Хитойдан кемалар келарди. Буларнинг ҳаммаси Ҳижра ва Ясрибда ислом давлати вужудга келганидан сўнг Макка билан очиқ рақобат қилиш ва бу курашда Ясрибнинг устунликка эришишига олиб келди.

Ясрибнинг ўлчов ва вазн бирликларига келсақ, бу ерда Маккадан фарқли равишда кўпроқ дон етиштирилгани учун микёл, яъни сочиувчан жисмлар учун ўлчовлар ишлатиларди. Мудд (ўртача кишининг 4 ҳовучига тенг), сөъ (4 мудд ёки 5 ратл), фароқ, васқ (бир тия юк ёхуд 60 сөъ) каби ўлчов бирликлари, дирҳам, мисқол, дониқ, қийрот, новот, ратл, қантор каби вазн бирликлари маълум эди. Қийрот ярим дониққа; дирҳам эса – 6 дониққа, ўз навбатида 10 дониқ 7 мисқолга тенг эди. Бир новот олтиннинг вазни бир новот хурмога тенг ҳисобланарди.

Пул бирлиги Маккадаги сингари динор ва дирҳамлардан иборат бўлиб, улар асосан Византия ва Эрондан, баъзида эса Яман ёки Мағрибдан келарди. Динор ва дирҳам тангалардан олтин ёки кумушни ўлчашда вазн бирлиги сифатида ҳам фойдаланиларди. Динор олтин тангаси асосан Византиядан келгани ва унда император Ираклийнинг сурати тасвирлангани учун уни Ираклий динори деб аташарди. Дирҳам кумуш тангалари Эрон шаҳаншоҳларининг тасвири ва форс ёзуви билан ажралиб турарди.

Ясриб Маккадан нисбатан ривожланган ҳунармандчилиги билан ҳам фарқ қиласарди. Бу ерда асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, деҳқончилик учун асбоб–ускуналар тайёрлаш тараққий қилганди. Ўр хурмо мевасидан вино ва "фадих" деб аталган ичимликини араблар ҳам, яҳудлар ҳам кўплаб тайёрлаб, ўзлари ичардилар ва бошқаларга сотардилар. Хурмо баргидан саватлар ясаш кенг тарқалганди. Дурадгорлар эшикдераза ва уй жиҳозларини ясадилар. Яҳудийларнинг уйлари жиҳозларга бой бўлгани маълум. Ясрибнинг шимоли–ғарбида юлғун дарахтзорлари ва бутазорлари мавжуд бўлганлиги ёғочдан ҳар хил уй жиҳозларини тайёрлашга имкон берган. Шунингдек, араблар ва яҳудлар темирчилик билан ҳам шугулланганлар. Аммо қимматбаҳо безак буюмларини ишлаш фақат яҳуд қабиласи бану Қайнуқ ќоқ ќўлида эди. Ясриб яҳудлари қурол–аслаҳа ва совутлар ясашда ҳам машҳур эдилар. Бу ишда улар ўзларини Довуд пайғамбарнинг ворислари деб фахрланардилар. Бундан ташқари, Ясриб аёллари йигириув ва тўқимачилик билан шугулланардилар. Ғишт қуювчи ва иморат усталари ҳақида ҳам кўп маълумотлар бор.

Шуни айтиш керакки, бу ҳунарлар билан Ясрибнинг

асл фуқаролари бўлмиш озод араблар ва яҳудлар билан бир қаторда Византия, Эрон, Ҳабашистон ва Мисрдан келган қуллар ўзлари учун ёки эгалари фойдасига шуғулланардилар.

Бемалол айтиш мумкинки, ҳунармандчилик жиҳатидан Ясриб Маккадан устун эди. Агар шаҳардаги ички аҳвол барқарорроқ бўлганида, Ясриб умуман Ҳижжозда ҳукмронликка эришиши мумкин эди. Шаҳар аҳли буни тушуниб етган кўринади. Ички низоларни бартараф қилишга қодир шахс Ясриб аҳолиси ичидан чиқмагач, улар ташқаридан бундай шахснинг келишига ва шаҳар давлат тақдирини ўз қўлига олишига рози бўлдилар.





ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН АРАБИСТОН ДИНЛАРИ

Кўп худолилик (ал-васания).

Диннинг таърифи, унинг моҳияти тўғрисида турли-туман тушунчалар шунчалик кўпки, бу хусусда яқдил фикрга келиш амри-маҳол нарса.

Масалан, марксистик атеизм динни ижтимоий ҳодиса деб ҳисоблайди ва инсоният тарихида мавжуд бўлган барча динларни шартли равишда қўйидаги типларга ажратади: 1) ибтидоий-жамоа тузуми давридаги уруғ-қабила динлари (фетишизм, сеҳргарлик, тотемизм, анимизм ва б.); 2) синфий жамиятга ўтиш ва қулдорлик давридаги ҳалқ-миллий динлари иудаизм, ҳиндуизм, синтоизм, конфуцийлик ва б.); 3) асосан феодализм тузумининг таркиб топиш даврида вужудга келган жаҳон динлари (буддизм, христианлик, ислом). Илк қадим замонда араблар ҳам, албатта, бошқа ҳалқлар сингари биринчи тип динларини ўз бошларидан кечирдилар. Аммо ислом арафасида, яъни баъзилар қулдорлик, бошқалар феодал, яъни бирорвлар ибтидоий-жамоа тузуми деб қараётган араб жамиятида бир вақтнинг ўзида юқорида зикр қилинган уччала типдаги динлар (кўп худолилик, иудаизм, христианлик, араб якка худолиги) мавжуд бўлган. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Хуллас, динларнинг марксистик типологияси тузилаётганда қадимги Арабистон сингари ўлқаларнинг тарихи ҳисобга олинмаганга ўхшайди.

Кўп худолилик (политеизм) ва якка худолилик (монотеизм) нинг қайси бири олдин пайдо бўлгани ҳақида ҳам баҳс юради. Дин, хусусан, ислом уламолари дастлаб одамзот ягона динда, бир бутун умматда, яъни якка худоликда бўлган, сўнг у тўғри йўлдан адашиб ҳар хил худоларга сифина бошлаган, яъни кўп худоликка ўтган деб ҳисоблайдилар. Улар учун Юнис сурасининг 19-оятида айтилган: "Одамлар фақат бир миллат бўлган эдилар. Сўнгра бўлинib кетдилар..." – деган сўзлари етарли далиллар. Дунёвий илм-фан уқдиришига кўра эса, аксинча,

барча халқларда табиий, ирқий, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа бир қанча омиллар таъсирида дастлаб кўп худолилик вужудга келган, сўнг инсон идрокининг ўсиши натижасида у ўзи сифиниб келаётган нарсаларда олий, руҳоний куч бор, дебтасавур қилиши – алданиш ва хом хаёл эканлигини тушунгач, кўп худолиликдан анча кейин якка худолик ақидаси пайдо бўлган.

Қандай бўлганда ҳам Арабистон ярим оролининг катта қисмида ислом вужудга келгунга қадар кўп худолилик ҳукм сурарди. Арабларнинг энг қадимги динлари жумла-сига тотемизм, фетишизм, анимизм ва ўтмиш аждодларга (салафларга) сифинишни киритиш мумкин. Тотемизмнинг яққол далили сифатида кўп араб қабилаларининг номини келтириш кифоя; асад (арслон), калб (ит), бакр (бўталоқ), саълаб (тулки), зиъб (бўри) ва ҳоказо. Фетишизм қадимги арабларда асосан метеорит ва вулканний тошларни муқаддаслаштириш, уларга сифинишда ўз ифодасини топди. Маълумки, анимизм табиатдаги жамики мавжудотларни "руҳлантиради", яъни уларда "руҳ" ёки "жон" бор деб ҳисоблайди. "Жоҳилия" адабиётида марҳумларнинг "жони" ёки "арвоҳи" (руҳнинг кўплиги) ҳақида кўплаб ривоятлар бор. Баъзи бадавий қабилалар қадимги мисрлилар сингари инсон вафотидан сўнг унинг "жони" яшашда давом этишига ишонгандар. Марҳумнинг гўрига туяни сўйиб кўмиш ҳоллари бунга мисол бўла олади. Анимизмнинг бир тури сифатида "жин", "ажина" тушунчаси ҳам қадимги арабларда кенг тарқалганди.

Арабистонда ҳар хил худоларнинг тимсоли – санамлар ҳаҷон пайдо бўлганлиги ҳақида конкрет тарихий маълумотлар йўқ. Ҳарқалай, бут-санамларга сифиниш – диннинг янги босқичи бўлди. Оссурийлар шимолий араб ("Ариби") қабилаларига ҳужум қилганларида уларнинг санамларини ҳам асирга туширгандари ҳақидаги маълумотга қараганда, эрамиздан аввали VIII асрдаёқ ҳар бир араб қабиласининг ўз санами бўлган. Бадавий араб қабилалари санамлари билан кўчиб юрсалар, ўтроқ тарзда ҳаёт кечирган қабилалар санамларини жойлаштириш учун махсус ибодатхоналар қурганлар. Икки қабила урушидан сўнг, одатда, мағлуб қабила ғолиб қабила санамига сифина бошларди. Баъзида ғолиб қабила мағлуб қабиланинг санамини ҳам ўз санами ёки санамлари сафига қабул қилиши мумкин эди. Макка Арабистоннинг турли ерларида муайян сан-

амларнинг қароргоҳи мавжуд бўлиб, улар зиёратгоҳлар сифатида маълум эди. Арабистоннинг диний марказига айлангач, у ердаги Каъба санамларнинг пантеонига (тўпланган жойига) айланиб қолди. Ислом арафасида араблар орасида бутпарастлик шунчалик авжиди эди, ҳатто ҳар хонадоннинг ўз санами бор эди, дейиш мумкин. Сафарга отланган киши бундай санамни қўли билан ишқаб, сўнг йўлга тушарди, сафардан қайтгач эса, биринчи навбатда у яна санамини силаб-сийпарди.

Иbn ал-Асирининг ўқтиришича, 630 йили Muҳammad Маккани забт этганида Каъба ичида 360 та санамни кўрган ва уларни синдириб ташлашни буярган. Санамларнинг сони учун бу рақам жуда катта кўринади, аммо муайян санам бир неча қабилада эҳтиром қилинган бўлса, у Каъбага шунча нусхада қўйилган бўлиши мумкин.

Иbn ал-Калбийнинг араб кўп худолилигига бағишлиланган "Китоб ал-Асном" деган маҳсус китоби биз таҳлил қилаётган мавзу учун энг муҳим манбалардан ҳисобланади. Шу китобда тилга олинган дастлабки 5 санамнинг номи (Вадд, Сувоъ, Ёғус, Ёъуқ, Наср) Қуръонда ҳам зикр қилинган (Нұҳ, 22-23-оятлар). Уларнинг тасвири кўпчиликка маълум эди. Вадд – эркак киши, Сувоъ – аёл киши, Ёғус – шер, Ёъуқ – от ва Наср – бургут қиёфасида ифодаланаарди.

Қуръонда зикр қилинган энг қадимги санамлар жумласига Манот, Лот ва Узза ҳам киради (Нажм, 19). Жоҳилия арабларининг тасаввурида бу уччала санам ҳам аёл худолар бўлган. Иbn ал-Калбийнинг айтишича, Манот ҳамма араблар учун муҳтарам ҳисобланган. "Ҳамма араблар" деб Иbn ал-Калбий Ҳижжоз арабларини кўзда туваётган бўлса керак. Геродотнинг кафолат беришича, Лот шимолий арабларнинг бош худоларидан бири бўлган. Тадмур малакаси Зебонинг ўғли Вахб ал-Лот (Лот инъоми) деб аталғани шунга ишора. Наботийлар Лотни ўзларининг пойтахти Петранинг "она худоси" сифатида билганлар. Мусулмонлар Тоиф шаҳрини забт қилганларида Muҳammadнинг амири билан Лот ибодатхонасини бузиб ташлаганлари – бу худога Ҳижжозда ҳам эътиқод қилинганинг ёрқин далилидир, Уззани Иbn ал-Калбий энг кейин пайдо бўлган аёл худо деб беради. Агар Манотни Ясрибдаги икки араб қабиласи – Аус ва Хазраж, Лотни эса Тоифдаги сақиф қабиласи ўзларининг хусусий худо-

лари деб билган бўлсалар, Маккада қурайш қабиласи Уззани шундай ўринда кўрарди ва унга қурбонликлар келтиради. Фатафон қабиласи Бусс деган жойда Узза шарафига ибодатхона қурганди. Ибодатхона саҳнидаги уч хурмо дараҳти ҳам муқаддас ҳисобланган, назр-ниёзлар шу дараҳтлар остига қўйилған. Ҳижранинг 8-нчи йили Муҳаммаднинг амри билан бу ибодатхона ва дараҳтлар яксон қилинган. Ҳирада ҳам Уззага ибодат қилинганилиги маълум. Улар тонг юлдузи (Зуҳара) ни шу ном билан атаганлар. Ҳира тарихидан ал-Мунзир Ш (505–554) асирга тушган Фассонийлар подшосининг ўғли ва бир қанча роҳибани Узза шарафига қурбон қилгани кўп манбаларда қайд қилинган.

Қурайшиларнинг Қаъба ичкарисига ва атрофига қўйилған санамлари орасида энг буюги ва машҳури Ҳубал эди. У сердолик (қизил ярим қимматбаҳо тош) дан қўлсиз инсон шаклида ясалган бўлиб, қурайшилар унга олтин қўл улагандилар. Бу санам олдида 7 камон ўқи турар, одамлар у ёки бу масалада шу ўқларда фол очардилар. Демак, Ҳубалга хизмат қилган коҳин шахсий масалалардан фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган. Уҳуд жангни пайтида (625 й) маккалиларнинг раҳнамоси Абу Суфён: "Ҳубални юқори кўтаринглар", – деб хитоб қилгани бошқа санамлар ичida Ҳубалнинг мартабаси баланд бўлганини кўрсатиб турибди.

Асоф ва Ноила санамлари ҳақида бир қанча ривоятлар борки, уларнинг умумий мазмунига кўра, гўё аслида эркагу аёл бўлган бу икки инсон Каъбадек муқаддас жойда ҳунук иш қилиб қўйганлари учун тошга айлантирилганлар.

Каъбадаги "Реда" ёки "Ридо" ислом арафасида Тамим ва Тайй қабилаларининг санам сифатида маълум эди. Аммо бу исм самуд, тадмур, оромий ва сафавий ёзувларида учрашига қараганда, у умуман шимолий арабларнинг қадимий санамларидан бўлиб чиқади. Кўпгина санамларнинг асосий қароргоҳи у ёки бу қабила истиқомат қилган жойда бўлиб, Каъбада фақат унинг нусхаси ўрнатилган кўринади. Булар жумласига "Маноф", "Зул-халса" ва "Зу Широ" лар киради. Ҳаврон шаҳридан (Сурдия) топилган катта тошда Маноф санамининг суврати эркак кишининг қиёфасида тошни кесиб ясалган, суврат ёнида барака ва саодат тилаб ёзилган матн бор. Зул-Халса эса Хасъам,

Божила, Боҳила, Давс, Азд ас-Сирот ва Ҳавозин қабилаларига тегишли санам бўлган. Маккадан Яманга боришида Табола деган жойда ҳатто бу санам шарафига ибодатхона (бейт) қурилган, унга баъзилар ҳажж қилганлар. Мұҳаммаднинг буйруғи билан бу ибодатхонани бузгани мусулмон лашкари келганда Ҳасъам ва Боҳила қабилалари қаттиқ қаршилик қўрсатганлар: ҳимоячилардан юз киши ўлдирилиб, сўнг ибодатхонага ўт қўйиб юборилган. Наботийлар пойтахти Петрадан топилган ёзувларда Зу Широ худосининг номи бор. У баландлиги 122 см, эни 61 см, силлиқланмаган қора тошдан иборат бўлиб, олтин қопланган асосга қўйилганди. Одамлар узоқ-узоқдан у ерга зиёрат қиласи, қурбонликлар қиласидилар. Епифаний уқтиришича, Зу Широ (Дусарис) байрами кунини 25 декабря наботийлар Петра ва унинг яқинидаги Алуса деган жойда тантаналар билан ўтказардилар.

Иби ал-Калбий Қудоња, Лахм, Гатафон қабилаларига тегишли Ўқайсар санами, Аназага тегишли Суъайр, Тай қабиласининг Филс деган санамларини ҳам тилга олган. Тайининг Яъқуб ва Божар сингари бошқа санамлари ҳам бўлган.

Иби ал-Калбийнинг "Китоб ал-Асном" ига кирмаган санамлар ҳам бор. Уларнинг жумласи 40 дан ортиқдир. Масалаң, Кинда ва Ҳадрамавтда маълум бўлган Жалсад санами, Бакр қабиласига тегишли Мұҳарриқ санами, Тамим қабиласининг Тайм санами ва ҳоказо.

Қадимги Яман санамлари Иби ал-Калбий эътиборидан батамом четда қолган. Ҳайриятки, уларнинг номлари муснад – Жанубий Арабистон ёзувларида қайд қилинган. Яман санамларининг ҳам адади кўп – юздан ортиқдир, аммо синчиқлаб қаралганда ёзувларда кўпинча худоларнинг атоқли отлари эмас, балки сифатлари (тақводорлик юзасидан худоларнинг отидан кўра сифатлари билан аташ – сомий халқларининг қадимий одатидир) зикр қилинган кўринади. Қадимги Яман аҳолисининг диний тушунчаси Шимолий ва Марказий Арабистон аҳолисиникига нисбатан эртароқ ривожланган бўлиши керак, чунки милоддан олдиндоқ Яман кўп худолиги асосан уч самовий жисм – Ой, Тонг юлдузи (Зуҳара) ва Қуёшга сифинишда ўз ифодасини топганди. Мутахассисларнинг фикрича, қадимги яманлилар бу уч самовий жисмни Ота, Үғил ва Она сифатида тасаввур қилганлар. Гап шундаки, ҳамма қадим-

ги яман лаҗжаларида Ой–музаккар исм (Майн ва Авсонда – Вадд, Сабаъда – Алмақаҳ, Қатабонда – амм, яъни амаки, Ҳадрамавтда – Син), Зуҳара юлдузи ҳам музаккар (Астар), Қуёш эса – муаннас исм (Майнда – "Накраҳ", сабаъда – "Зот Ҳамим", Қатабонда – "Зот Сахр") ҳисобланган.

Қадимги Бобил, Сурия ҳамда Шимолий Арабистон аҳолиси одатда Қуёшни биринчи ўринга, Ойни эса ундан кейинга қўйған бўлсалар, жанубий арабларда бунинг аксини кўряпмиз. Бу фарқни биринчи навбатда табиий шароитнинг ҳар хиллиги билан изоҳлаш мумкин. Шимолда Қуёш ўсимликларнинг тез ривожланишига ёрдам берса, жанубда аксинча, унинг кўзни қамаштирадиган нурлари саратонда аксарият экинларни ўсишдан тўхтатади, майсанзор ва гулзорларни кўйдиради. Сабаъда уни Зот Ҳамим (Оташин) деб атаганлари бежиз эмас. Ойнинг йўли бошқа. Латофатли, ойдин кечалари у карвонларга, савдо ва ҳунар аҳлига йўлдош, беаёв Қуёшдан лоҳас бўлган таналар Ой нуридан яна жонланади. Бу нарса диний тафаккурга ҳам таъсир қилмай қолмади.

Бошқа худоларга нисбатан ота, амаки, мўйсафиид ҳисобланган Ой, албатта, шу мақомга муносиб сифатларга эга бўлмоғи лозим эди. Ёзувларда унга тегишли "садик", "ҳаким" (донишманд), "алим" (билағон), муҳаррам (муқаддас) каби сўзлар учрайди. Бир ўринда Ой "Ота ўз азиз фарзандларини севгани каби мўминларини севгучидир" дейилган. Буларнинг ҳаммаси жанубий арабларда худолар тушунчаси руҳий–аҳлоқий даражага кўтарилигини кўрсатади.

Шуни қайд қилиш керакки, Майн давлати қулагач (эр. авв. VI аср боши), у ерда Ой худосини англатган "Вадд" ҳам йўқ бўлди. "Вадд" санами Майн савдогарлари орқали Арабистоннинг кўп жойида маълум бўлиб, то исломгача ибодат қилинган бўлса-да, Жанубий Арабистонда сабаълилар устунликка эришгач, Ой худоси ал-Мақаҳ ва Хавбас номларини олди. Сабаъ мукарриблари ва маликлари Алмақаҳ шарафига ибодатхоналар қурдилар. Уларнинг энг йириклари Сирвоҳ (Сабаъ мукаррибларининг пойтахти) ва Маъриб (Сабаъ маликларининг пойтахти) шаҳарларида жойлашганди.

Қуёш худоси Жанубий Арабистонда барака ва мўл ҳосил келтирувчи "Астарнинг онаси" (Умм Астар) сифатида маълум эди. Сирвоҳ шаҳридан топилган Сабаъ

ёзувида айтилишича, Умм Астар ибодатхонасига бир йўла тўрт фарзанд кўрган бир аёл тўртга олтиндан ясалган тимсол (ҳайкалча) инъом қилган. Майнлиларда Накраҳ ва сабаълиларда "Зот Ҳамим" деб аталган Қуёш худоси, "нафрат" ва "уруш" мақсадларига ҳам хизмат қилган.

Оссурия, Бобил, Канаан (Фаластин), Тадмур ва Ҳабашда маълум бўлган "Астар" худосига жанубий араблар ҳам ибодат қилганлар. Майн ёзувларида "Астар" тартибига кўра негадир доимо Вадд ва Накраҳдан олдин келган. Француз олими Халеви топган икки ёзувда эса Астардан ҳам олдин "Эл" ёки "Ил" деган худонинг исми мустақил равишда зикр қилинган. Жуда кўп мукарриб ва маликларнинг исмлари таркибида ҳам "Ил" бор: Карабаъиль, Ядаъиль, Иляфаъ ва ҳоказо.

Эрамиздан аввалги 1 асрда Жанубий Арабистонда Ҳамдон қайларининг нуфузи кучайиб, улар ўз худолари "Толиб Риёмни" бошқа худолардан устун қўя бошладилар. Деярли уч аср ёзувларда зикр қилинмай қўйилган "Алмақақ" фақат IV асрга келиб яна пайдо бўлди. Аммо бу сафар унинг "умри" қисқа бўлди: V аср ўрталаридан бошлаб Яман ёзувларида "Зу Само", яъни "Осмон эгаси" ва "Раҳмон" исмли худолар пайдо бўлди. Шуни айтиш керакки, бу иккала хил топинишида ҳам якка худолик (тавҳид) ғояси бор. "Осмон эгаси" деганда қадимги яманлилар битта осмонми ёки кўплаб осмонларни кўзда тутганимилар, бизга номаълум. "Зу Само" ва "Раҳмон" исмлари 10 дан ортиқ яман ёзувларида зикр қилинган бўлса-да, улар билан bogлиқ ибодат ва маросимлар ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди. Бу икки худо шарафига қурилган ибодатхоналар ҳақида хабар йўқ. Лекин шу нарса аёнки. Алмақақ, Толиб Риём ва бошқалар қабила худолари сифатида маълум бўлса, Зу Само муайян қабила ёки жамоа худоси эмас, балки Яманда қандайдир танҳо худога топинишга даъват қилувчи ақида сифатида дунёга келди. Аммо янги эътиқоддагилар ўз ёзувларида олдинги худоларнинг исмини ҳам зикр қилишда давом этганлар.

Шу даврга тегишли сатрлари қисман ўчиб кетган, аммо мазмуни тушунарли бир ёзувда айтилишича, бир гуруҳ "нияти бузуклар" "Зу Само" санами турган муқаддас жойга бостириб кирганлар, санамни ўғирлаб, у ердаги бор нарсаларни талон-тарож қилганлар ҳамда унга васият қилинган вақф ерларини эгаллаб олганлар. Аммо бу

худонинг обидлари (яъни унга ибодат қилувчилар) келиб, ўгирланган нарсаларни қайтариб олдилар, зарар етган жойларни тузатдилар ва "Зу Само" худосидан тавба ва кечирим сўраб, қурбоњиклар қилдилар. Матиннинг охири "Зу Само" ўз шаъби (яъни ҳалқи) нинг умрини "узоқ қилсин" деган ибора билан тугаган. "Шаъб" сўзи бу ерда шу худо тарафдорлари ва унга ибодат қилувчиларни англатяпти. Раҳмон зикр қилинган ёзувлардан англанишича, доимо унинг қудрати ва қувватидан мадад сўралган. Масалан, бир мақбара атрофига тош девор қурилиши муносабати билан қуруувчилар "би ҳейли Раҳмон" яъни "Раҳмон қуввати билан" деган ёзув қолдирганлар. Бошқа бир ёзувда "Раҳмон – Само эгаси" дейилади. Бу осмон худоси демакдир. Бошқача айтганда, "Раҳмон" "Зу Само" ўрнини олган бўлади. Кейинроқ Раҳмон "Осмон ва Ер эгаси" (Зу Само ва Ард) деган номни олди. Бу ақидага эътиқод қилувчиларнинг тушунчасида Раҳмон – бутун борликни бошқарувчи ягона худо эди.

Шундай қилиб, ислом вужудга келиши арафасида Жанубий Арабистон аҳолисининг эътиқодида катта ўзгаришлар юз бердики, муснад ёзувларидан бехабар бўлганниклари учун Ибн ал-Калбий ва бошқа араб ахборийлари бу масалага эътибор бермаганлар.

Умуман олганда, Арабистон ярим оролининг жанубида ҳам, шимолида ҳам аксарият аҳоли ҳар хил бут-санамларга сифинарди, яъни кўп худоликда эди. Аммо арабларнинг бутпарастлигини фақат тотемизм, фетишизм сингари ибтидоий, илк дин шакллари сифатида эмас, балки узоқ йўлни босиб ўтган, нисбатан юқори даражада турган кўп худолилик сифатида қабул қилмоқ керак.



ҚАДИМГИ АРАБИСТОНГА ТАШҚИ ДИНЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ

Яҳудий дини. Исломдан олдин Арабистоннинг кўп жойларида яҳуд жамоалари мавжуд бўлгани ҳақида маълумотлар кўп. Яҳудлар билан бирга Арабистонга яҳудий дини ҳам кириб келди. Бу жараён қачон бошлангани ва қай тарзда кечгани масаласига Арабистон яҳудлари қолдирган ёзма манбалар ойдинлик киритиши мумкин эди. Афсуски, бундай манбалар (Яманда топилган бир неча ёзувни ҳисобга олмагандан) ҳанузгача кашф қилинган йўқ. Қадимги Фаластин, Шом ва Месопотамияда истиқомат қилган яҳудий муаллифлари ҳам негадир ўз маслакдошлари – Арабистон яҳудийларига деярли эътибор бермаганлар. Шундай экан, Арабистон яҳудлари ҳақида фақат Қуръон, Ҳадис, Тафсир, "Сира" ва ахборийлар китоблари билан чекланишдан бошқа илож йўқ. Бу манбалар эса ўз навбатида ислом арафаси, жуда нари борганда, исломдан олдинги 1-1,5-аср учунгина маълумотлар бера олади. Ахборийларнинг яҳудлар Ҳижжоз шаҳарларига Мусо пайғамбар даврида келган, деган "хабарига" ишониб бўлмайди. Чунки бундай "хабарларни" асосан исломдан олдин яҳудий динида бўлиб, кейин ислом динини қабул қилган кишилар берганлар. Девқомат одамлар деб ном олган Фаластииннинг туб аҳолиси "филистимлилар" ва "ҳанаан" лар билан яҳуд қабилалари ўртасидаги кўплаб урушлар ҳақидаги Таврот ривоятлари жўнгина Арабистон муҳитига кўчирилгани ана шу кишиларнинг "ижоди" билан боғлиқ.

Албатта, географик жиҳатдан Фаластин билан узвий боғлиқ бўлгани учун эрамиздан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридаёқ, яъни Фаластинга кириб келиш билан бир пайтда Шимолий Арабистонда ҳам баъзи яҳудий жамоалари пайдо бўлганлиги табиий ҳол. Аммо бу фикрни тасдиқловчи ҳеч қандай тарихий ҳужжат йўқ. Ҳозирга

қадар топилган энг қадими ҳужжат – Янги Бобил подшоси Набонидга (эрэмиздан аввалги 555–539) тегишили хроникадир. Унда айтилишича, эрамиздан аввалги 552–542 йиллар Шимолий Арабистондаги Тейма шаҳрини ўзига пойтахт қилиб олган Набонид бу ердаги шаҳарларни ўзлаштириш мақсадида Бобилдан талайгина аҳолини кўчирган; улар орасида кўпчиликни яҳудлар ташкил қилди. Маълумки, бундан олдинроқ (эрэмиздан аввалги 586 й.) Навуходоносол II Қуддусни забт қилганида салкам 30 минг яҳудийни асир қилиб, Бобилга келтирганди ва "Бобил асирияни" 50 йил давом этганди. Шундай сўнг ҳам баъзи яҳудлар Фаластиинга қайтмай, Бобилда қолиб кетгандилар.

Мутахассисларнинг якдил фикрича, Арабистонга яҳудий иммиграциясининг энг-авж олган пайти – эрамизнинг I-II асрлари бўлиб, бу биринчи навбатда Фаластиининг Рим империяси таркибига киритилгани билан. боғлиқ зди. Ислом вужудга келган пайтда Шимолий Арабистондаги кўзга кўринган савдо шаҳарлари – Ясриб, Хайбар, Дедан, Тейма, Фадак, Думат ал-Жандал, Таббуқ, Эйлат, Води ал-Қура аҳолисининг катта қисмини яҳудий жамоалари ташкил қиласарди. Савдо ишлари билан яҳудлар Арабистоннинг бошқа қисмлари – Шарқий ва Жанубий томонларига ҳам бориб ўрнашиб қолгандилар. Ислом галаба қилган пайтда Шарқий Арабистондаги яҳудий жамоалари жузя (жон солиги) тўлаш эвазига ўз динларида қолгандилари маълум.

Қадимда Жанубий Арабистон ҳам яҳудий дини кенг тарқалган жойлардан ҳисобланарди. Маълумки, машҳур карvon йўли орқали Майн ва Сабаъ савдогарлари Фаластииннинг Фазза шаҳригача борардилар. Исроил – Яҳудия подшоси Сулаймон (эрэмиздан аввалги X аср) ва Сабаъ маликаси ҳақида Таврот ва Қуръонда зикр қилинган қисса яҳудлар ва яманлилар ўртасида жуда қадим замондан бери алоқалар мавжуд бўлганига ишорадир. Эрамиздан аввалги 24-йили римлиларнинг Жанубий Арабистонга уюштирган ҳарбий ҳамласида Яҳудия подшоси Ироднинг шахсий "гвардиясидан" 500 киши қатнашгани ҳам маълум. Аммо ҳамла муваффақиятсизликка учрагач, яҳудлар ватанига қайтдиларми ёки Яманда қолиб кетдиларми, но маълум. Қандай бўлганда ҳам бу факт яна бир нарсадан далолат беряпти: яҳудларнинг Арабистонга кириб келиши

фақат римлиларнинг таъқиби туфайли бўлмай, баъзида яхудларнинг ўз ихтиёри билан ҳам юз берганга ўхшайди.

Йирик яхудий руҳонийси Раббай Ақиба эрамизнинг 130 йили Куш мамлакатига зиёрат қилгани, унинг подшоси ва малика билан сұхбат қилгани ҳақида ёзади. Одатда Куш деганда Ҳабашистон кўзда тутилади: аммо баъзилар бу ном билан Жанубий Арабистоннинг гарбий қирғонини ҳам атайдилар.

Жанубий Арабистонда ҳукм сурган Ҳимёр давлатида (эрамиздан аввалги 115- э. 525) яхуд жамоалари мавжуд бўлганлигига ишоралар кўп. Византия императори Константин (340–361) томонидан христиан динини ҳимёрлар орасида тарқатиш учун юборилган руҳоний Теофилийнинг фаолиятига ана шу яхудий жамоалари қарши чиққанлар. 425 йили Яманга зиёрат қилган христиан тарихчиси Филосторгий Сабаъ аҳли шанба кунлари Иброҳим суннатига амал қилиш билан бирга Ой, Қуёш ва бошқа самовий жисмларга ҳам ибодат қилганлар, дейди.

Тарихий адабиётда ҳабашлар босиб олмасдан олдин (525 й.) Яман яхудий дини ҳукмрон бўлган мамлакат, ҳатто яхудий мамлакати эди, деган фикрлар бор. Бу ўринда ахборийларнинг тўббу Асьад Абу Кариб гўё Эронда уруш қилиб қайтаётганида Ясриб (Мадина) шаҳрида тўхтагану, у ерда икки яхудий руҳонийсининг таъсирида яхудий динига киргани ва шундан сўнг у Ҳимёр давлатининг расмий динига айлантирилгани ҳақидаги маълумоти энг асосий манба сифатида ишлатилади. Аммо бу факт на жанубий араб тилидаги ва на қадимги яхуд тилидаги биронда ёзув билан тасдиқланмагач, ахборийларга ишониб бўлмайди. Баъзилар Маъриб тўғони деворига Шураҳ бил Яфур б. Абу Кариб Асьад ёздирган матннаги "Баъал Саман ва Ардан" яъни "Осмон ва Ер эгаси" сўзлари якка худоликка оид ва мазкур подшо эса яхудий динида бўлган деб ҳам таъкидлайдилар. Ваҳоланки, бу иборанинг яхудий динига алоқаси йўқ, чунки "баъал" сўзини ҳеч қачон яхудий динидаги шахс ишлатиши мумкин эмас: у васанийлик (кўпхудолилик) га хос мусталаҳ (термин). Ниҳоят, гўё яхудий динида бўлган охирги Ҳимёр подшоси Зу Навоснинг (517–525) кўпчилик аҳолиси христиан динида бўлган Нажрон шаҳрига қирғинбарот келтиргани ҳақидаги маълумот ҳам ахборийлардан олинган ва биронта бошқа тарихий ҳужжат билан тасдиқланмайди. Шуни

айтиш керакки, Нажрон воқеаси содир бўлиши учун Зу Навос яҳудий динида бўлиши шарт эмас эди. Тарихий адабиётда кўпинча бу воқеага яҳудий-христиан низоси сифатида диний тус берилса-да, аслида, бу сиёсий аҳамиятга молик, яъни Византия ва христиан Ҳабашистонининг Яманга кун сайн кучайиб бораётган тазиёқига қарши кўрилган чора эди. Ҳимёр подшолигида яшаб турган яҳудий савдогарлари Зу Навосни бу ишга унданаган бўлиши мумкин. Бейт Аршамли Семионнинг Ҳалаб яқинидаги Жобула черқови бошлиғига 524 йил 20 январда ёзган хатида Табария (Фаластин) яҳудлари Ҳимёр давлатига христианлар орасида бузгунчилик қилиш учун вақти-вақти билан коҳинлар юбораётгани аниқ айтилган. Семион шу хатида йирик христиан руҳонийларини, жумладан, Искандария (Миср) архиепископини Ҳимёр подшоси ва аъёнларига мурожаат қилиб, Табария ва Фаластиннинг бошқа шаҳарларидан келган яҳудий руҳонийларини зиндонга ташлатишга даъват қиласди. "Ҳимёр шаҳидлари ҳақидаги хабарлар" китобида ҳам Табариядан келган яҳудий арбоблар Яман яҳудларинида яшагани қайд қилинган. Яман ҳабашлар томонидан босиб олингандан кейин ҳам у ерда яҳудий дини сақланиб қолди. Ҳатто ислом ғалабасидан сўнг Шимолий Арабистондаги яҳудлар қувгин остига олинган бир пайтда Жанубий Арабистонда яҳудлар дахлсиз бўлдилар.

Христиан дини. Яҳудий дини каби христиан дини ҳам Арабистонга ташқаридан кириб келди. Яҳудийлар ўзларини "худо ёрлақаган ҳалқ" деб ҳисоблаб, кўпроқ маҳаллий аҳолидан холи яшаган бўлсалар, христианлар аксинчча, бошқа ерлардаги сингари қадимги Арабистонда ҳам кенг мубаширлик (христиан динини тарқатиш) ишларини олиб бордилар.

Қуръонда ва ислом арафасидаги жоҳилия шеъриятида христианлар "носоро" (насронийлар) деб аталган. Бу сўз "назарет" номидан олинган бўлиб, Исо Масиҳнинг келиб чиқсан жойига ишора қиласди. Насронийлар Арабистонга қачон кириб кела бошлаганини ҳозирча ҳеч ким аниқ айта олмайди. Одатда, мубаширлар тибб ва мантиқ илмидан хабардор, кишилар қалбига қўл солишга уста бўлганлиги учун кўпгина қабила бошликларига таъсир қиласланлар, уларнинг христиан динини қабул қилишига ёки бу ишда уларнинг мададига эришганлар. Чёркөн

тариҳларида мубашширларнинг мўжизакор ишлари ҳақида ривоятлар кўп. Улар табиат қийинчиликларига қарамай бадавийлар билан бирга яшаб, бирга кўчиб юраверадилар. Бундайларни "чодирроҳиблари" дейишган. Баъзи роҳиблар у ёки бу воҳода хонақоҳ (монастир) лар қуриб, ўзига хос манзилгоҳлар ташкил қилганлар. Бундай манзилгоҳлар араб савдогарлари ва бадавийлари учун очиқ эди. Улар bemalol узоқ саҳро йўлларидан сўнг салқин гулзор чаманда дам олишлари, ҳар хил эрмак ўйинлари билан ва ҳатто шароб ичиш билан димоғларини чоғ қилишлари мумкин эди. Айни вақтда "мехмонлар" роҳиблардан христиан дини таълимотларини ўрганарадилар. Қоронғу тунлари хонақоҳ дарвозаси олдида чироқ ушлаб, карвон йўлини ёритиб турган монах образи жоқилия шеъриятидан кенг ўрини олган. Кичик Осиё, Шом ва ҳатто Ироқда монастирларнинг кўп бўлганлиги табиий ҳол: бу ўлкаларга Рим империясининг таъсири кучли эди. Аммо исломдан олдин Арабистоннинг деярли ҳамма қисмларида, қолаверса, одам қадами етиши маҳол бўлган жойларда христиан роҳибларининг ўрнашиб қолиши таажжубидир. Шундай фикр борки, агар Мұҳаммад пайғамбарнинг фаолияти туфайли ислом ғалаба қозонмагандა Арабистоннинг диний ҳаёти батамом бошқача кечиши, у ерда христиан дини ва христиан маданияти устунликка эришиши мумкин эди.

Қул савдоси туфайли ҳам Арабистонга четдан христиан дини кириб келарди. Византия вилоятлари ва Ўрта денгиз оролларидан келтириладиган оқ танли эркагу-аёл қуллар одатда манзил ишларида ва ҳунармандчиликда машғул эдилар. Шаҳар бойлари чирошли христиан қизларини ўзларига жорияликка блар, она бўлганларини озодликка чиқараардилар. Масалан, Маккадаги бану Махзум уругининг бойларида Юноностонли жориялар кўп бўлган. Пайғамбарнинг амакиси Аббоснинг ҳам бир неча юонон ва форс жориялари бўлган.

Ҳижжоз шаҳарларига христианлар асосан Византиянинг вилоятларига айланиб қолган Фаластин ва Шомдан кўчиб келганлар. Ислом вужудга келиш арафасида Думат ал-Жандал, Эйлат, Тейма шаҳарлари ва ҳатто Ясриб, Макка ва Тоифда ҳам талайгина фаластинли ва сурияли христианлар бор эди. Шуниси характерлики, Думат ал-Жандал, Эйлат шаҳарларининг жанубида яҳудлар йигноқ (компакт) ҳолда утмларда яшаган бўлсалар, христианлар

кўпхудоликдаги араб аҳоли билан аралаш яшадилар. Ал-Балазури ва ат-Табарийларнинг таъкидлашича, маккур икки шаҳарнинг ҳокимлари христианлардан бўлган. Маккада бир қанча христианлар мубашширлик ва табибллик билан шуғулланганлиги маълум. Улар араб тилини билмас, билганлари ҳам кучли акцент билан сўзлашардилар. Маълумки, бутпараст қурайшилар Муҳаммад пайғамбери га бир христиан ўргатиб келади, деб даъво қилишган. Шунга жавобан Қуръондаги қўйидаги сўзлар келтирилади: "Іин-ламиз, айтадиларки, унга (яъни Муҳаммадга) гўё бир киши ўргатармиш, (аммо) улар айтиётган кишикинг тили (араб тили эмас) аъжамийдир, бу эса (яъни Қуръон тили) – соф араб тилидир (Наҳл сураси, 105-оят).

Тафсифларда Қуръон ишора қилган шахснинг исми ҳар хил берилган: Салмон, Ясор, Жабар, Яшиш, Балъом ва ҳоказо. Аммо уларда яқдиллик билан бу шахс насроний эканлиги, Таврот ва Инжилни ўқий олганлиги таъкидла-нади. "Сира" китобларида дастлаб христиан динида бўлиб, сўнг исломни қабул қилган қулларнинг исмлари учрайди. Масалан, Сафвон б. Уммиянинг қули Настас (Анастас), Суҳайбнинг қули Юҳанна ва бошқалар. Айтишларича, Суҳайбнинг ўзи ҳам асли Византияли бўлган. У Маккада бойиб кетган, исломни биринчилар қаторида қабул қилганди. Суҳайб Маккани тарк қилиб, Мадинага, мусулмонлар билан бирга ҳижра қилишга азму-қарор қилганида, Макка мушриклари: "Бу ерга ҳеч вақоси йўқ бир девона тарзида келгандинг. Энди орттирган мол-дунёйнгни Мадинага олиб кестяпсан", деб таъна қилган эканлар. Шунда Суҳайб бор бойлигини ташлаб, Мадинага, пайғамбар қошига "қуп-қуруқ" кетган экан.

Макка ва Тоиф шаҳарларига христиан дини Лахмийлар подшолигининг пойтахти Ҳира орқали ҳам қелган. Макка савдогарлари у ерга Хитой, Ҳиндистон ва Эрон молларини истаб борардилар. Ҳира маҳаллий аҳолисининг кўпчилиги V–VI асрларда христиан динида эди.

Шуни айтиш керакки, Маккадан то Яманнинг шимолидаги Нажрон шаҳригacha чўзилган масофада аксарият аҳоли "васанияда", яъни кўп худоликда бўлиб, бу ерларда христиан миссионерларининг фаолияти ҳақида бирорта факт йўқ. Айни вақтда Нажрон ва Яманнинг бошқа ерларида христиан дини шундай тез тарқалдик, бунинг натижасида Ҳимёр подшолигида икки монотистик дин

ўзаро рақобат қила бошлади. Бу ишда Рим (Византия) ва унинг вассали Ҳабашистоннинг роли катта бўлди. Британия музейида сақланаётган ҳабаш ёзувларида айтилишича, Яманга христиан динини Ҳабашистонли миссионер Азкир олиб келган. У туббу Шураҳ бил Якифдан Нежронда черков қуришга розилик олған. Аммо Нежроннинг икки қайли – Зу Саалабон ва Зу Қайфон қуриб битказилган черковни бузиб, салибни синдириб ташлаганлар. Рим императори Константин II (337–361) Яманга юборган миссионер Теофилий туббунинг розилиги билан Зафор ва Аданда черков қурилишига эришган. Айтишларича, 325 йил Ниқеяда чақирилган христианларнинг соборида Ямандан ускуф (епископ) қатнашган. Олдин айтилганидек, Ямандаги яҳудий–христиан рақобати заминида икки буюк давлат – Византия ва Эроннинг ҳалқаро савдо йўлларида ўз нуфузини ўрнатиш учун олиб борган кураши ётади.

Яманни ҳабашлар босиб олгунга қадар христианларнинг энг гавжум жойи Нажрон шаҳри эди. У ердаги черковни ҳатто "Нажрон Каъбаси" деб ҳам аташарди. Маҳаллий арабларга у "Нажрон биаъси" номи билан маълум эди. Ахборийлар уқтиришича, бу черковни бану Абд ал-Мадден уруғи бузилган черков ўрнига Каъба шаклида қурган. Яна айтишларича, у 300 теридан қубба шаклида қопланган.

Ҳабаш истилосидан сўнг Яманда черковлар сони кўпайиб кетди. Уларнинг ичида энг ҳашаматлиси Санадаги "Қуллайс" (юононча "Эклесия" сўзидан) номи билан машҳур черков эди. Бу черков бузиб ташланган Ал-мақаҳ ибодатхонаси ўрнига қурилганди. Зафор шаҳридаги христиан черковининг қурилишини Ҳабашистон негуси махсус юборган миссионер Гиргенскийнинг фаолияти билан боғлашади. 543 йили Мариб тўғонининг таъмир қилиниши муносабати билан тузилган Абраха ёзувида айтилишича, ишлар битгандан сўнг, шу ердаги черковда катта тантана билан ибодат уюштирилган.

Мазкур ёзув мазмунан диний бўлмаса-да, биз кўраётган мавзу учун аҳамияти катта. Матн бошида: "Раҳмон қудрати, мадади ва раҳмати, унинг Масиҳи (яъни Исо Масиҳ кўзда тутиляпти, Масиҳ сўзининг чўқинган маъноси бор, шундан "масиҳий" – христиан, чўқинган) ҳамда "муқаддас руҳ номи билан" ибораси бор. Эътибор

беринг: бу ибора ортодоксал христиан динига хос бўлган учлик "Ота, ўғил ва муқаддас руҳ" формуласидан фарқ қиляпти. Бу ерда "Ота" ўрнида Раҳмон, ўғил ўрнида эса "Масиҳ" ишлатилган. Шу матннинг 93-нчи қаторида Маъриб тўғонини ислоҳ қилишга Нажоши (Ҳабашистон), Рум императори (Византия), Форс шоҳи, Мунзир (Ҳира подшоси), ал-Ҳорис б. Жабала (Фассон подшоси) вакиллар юборгани ва уларнинг ҳаммаси унинг (яъни Абраханинг) розилиги ва Раҳмонга "шукр ила" келгани айтилган. Баъзи шарқшунослар охирги иборани далил қилиб, Яман якка худолиги ҳабашлар олиб келган христиан динининг таъсирида вужудга келди, деган фикрни илгари сурадилар. Бизнингча, бундай фикрлаш тўғри эмас: якка худоликнинг тимсоли сифатида Раҳмон яманлиларга ҳабашлар келмасдан олдин маълум эди. Маҳаллий аҳолини қондириш учун Абраҳа ортодоксал христиан динидан чекинишни лозим топди. Демак, ҳабашлар қандай бўлмасин Яманда христиан динининг ҳукмронлигига эришиш ва араб кўп худолиги ва якка худолигига барҳам беришга уриндилар.

Арабистон ярим орслининг бошқа ўлкаларига келсак, черков тарихларида уқтирилишича, Шарқий Арабистонда 224 милодий йилиёқ усқуфлар бўлган. IV аср охирларига тегишли манбада христиан монастирини қурган Абд Ясуъ деган усқуфнинг номи зикр қилинган. Шарқий Арабистон усқуфиясига қарашли ерлар жумласида Бет Катрайа (ҳозирги Қатар), "Дорайн" (Торут ороли), Самоҳаж (Муҳарриқ ороли), Хатта (Баҳрайн қаршисидаги қирғоқ), Ҳажар, Мазун (Ҳозирги Оман) эслатилган.

Биринчи навбатда Византия ва Эрон империялари чегараларига яқин ерларда истиқомат қилган араб қабилаларига христиан динининг таъсири кучли бўлди. Ахборийлар бундай қабилаларни "ал-араб ал-мутанассара (христианлашган араблар) деб атаганлар; фассон, лахм, таглиб, аййод, таннуҳ, бакр, тайй, тамим шулар жумласидан. Аммо худди шу қабилалар ўзларининг муайян санамларига эга бўлганини юқорида кўрдик. Демак, мазкур қабилалар аъзоларининг ҳаммаси эмас, бир қисми христиан динини қабул қилган.

Арабистондаги христиан дини, албатта, Византия ческовидан фарқ қилган, Вельхаузен бу ўринда "шарқий христианлар" деган иборани ишлатади (кейинчалик бу ибора асосан православларга нисбатан ишлатиладиган

бўлди). Араблар христиан динида вужудга келган кўплаб мазҳаблардан бехабар эдилар ва қаерда қайсиниси тарғиб қилинса, шуни қабул қилаверганилар.

Масалан, Ҳираға несториан мазҳаби кириб келди. Нестор (вафоти 450 й) Маръашли (Антиохия) патриарх бўлиб, у Исо Масиҳ ҳақида мақолалар ёзган. Унинг фикрича, Исо – инсон, чунки биби Марям инсон бўлган ва Исо ундан бунёдга келган, аммо Исонинг отаси худо. Исонинг инсоний ва илоҳий хислатлари нисбий бирикувдадир ва ҳеч қачон тўла бирикувда намоён бўлмайди. Несторнинг таълимоти Сосонийлар Эронига тобе бўлган ерларда тарқалди. Раҳо (Эдесса) ва Нисибин шаҳарлари несториан мазҳабининг марказлари сифатида катта шуҳрат қозонди. Христиан динининг несториан мазҳаби кейинчалик Марказий Осиё ва Узоқ Шарққача тарқалди. Ҳирадан несториан мазҳаби Яманга етиб борган. Айниқса, Яман форслар қўлига ўтгач, у ерда несториан мазҳабининг мавқеи кучайди.

Христиан динининг Ёқубия (Яковит) мазҳаби Шом ва Шимолий Арабистон бадавий араблари орасида кенг тарқалди. Ёқубийлар марказий ортодоксал черков уюштирган Халкедон соборининг қарорларига қарши чиқдилар, айни вақтда улар несториан мазҳабини ҳам инкор қилдилар. Ёқубийлар мазҳабининг номи Ёқуб ал-Бародаи (таксминан 500–578 йиллар) исмидан олинган бўлиб, у Исо Масиҳ яккаю ягона табиатга, у ҳам бўлса инсоний табиатга эга бўлган, деб тарғиб қилди. Тарихий адабиётда бу мазҳаб "монофизит" ("моно", "физика", яъни ягона табиат) номи билан маълум. Ёқуб ал-Бародайнинг шогирдларидан Аҳудма Тағлиб қабиласида, Георгий ва Фреторлар Сурия араблари, Миср қўблари ва Кичик Осиё арманлари орасида миссионерлик билан шуҳрат қозондилар. Фассонийлар давлатининг аксарият аҳолиси "Ёқубия" мазҳабига кирган, уларнинг подшоларидан Ҳорис б. Жабала ва Мунзир б. Ҳорислар ёқубийларга қарши адоватни тўхтатиш талаби билан Византия императорига мурожаат қилганлар.

Шарқий христиан мазҳаблари жумласига "Рукусия" ҳам киради. Ахборийлар "Рукусия" га христиан ва "Собиа" ўртасидаги дин, деб таъриф берадилар. Муҳаммад пайгамбар Ҳотам ат-Тоийга: "Сен Рукусия деб аталмиш дин аҳлидансен", – деган экан. Шу ҳадисга кўра, демак,

"Рукусия" бевосита ислом арафасида арабларга маълум бўлган.

Арабистоннинг баъзи жойларида биби Марямни илоҳийлаштириш, унинг шарафига патир-нон ёпиш билан боғлиқ эътиқод ("фатоирия") ва аксинча, Марямнинг бокиралигини рад этувчи (антидикомариан) эътиқодлар ҳам мавжуд эди.

Ярим оролга бундан ташқари христиан ва яҳудий динлари аралашиб кетган бир қанча секталар – гуруҳлар ("Носирия", "Эбиёния", "Кесая") ҳам кириб келди.

Бир қабила ва ҳатто бир урганинг вакиллари икки хил эътиқодда: бири – васанийлик (кўп худолик), иккинчиси – насронийликда бўлиши мумкин эди. Уларни бир-биридан ажратиб турувчи энг муҳим белги – насронийларнинг чўчқа гўштини истеъмол қилиши, салиб (крест) тақиши ва унга сигинчали эди. Айтишларича, Муҳаммад пайғамбар Нажрондан келган икки насроний роҳибга шундай деган: "Уч нарса сизларнинг исломга киришинизга йўл бермайди – чўчқа гўштини ейишингиз, салибга ибодат қилишингиз ва "худонинг ўғли бор", дейишингиз.

Арабистон христианларининг бир неча диний байрамлари бўлган. Еум саъонийин (ёки шаъонийн) фисҳдан (пасха) бир ҳафта олдин нишонланган. Саъонийдан З кун кейин – Ҳамис ал-фисҳ, пасханинг эртаси куни эса – Боус дейилган. Пасха насронийларнинг энг катта диний байрами ҳисобланиб, у тантаналар билан, машъалалар ёқиб ўtkазилган. Қизиги шундаки, араб христианлари жамсат бўлиб ўтказиладиган тантаналарни форсчадан сирённий тилига ўтган "энжуман" сўзи билан атаганлар. Байрам кунлари улар черковларга ва мозорларга зиёрат қилгандар. "Байрам" маъносида Арабистон христианлари асли оромийча "ийд" сўзини (ўзбекчадағи ҳайит сўзи ҳам шундан) ишлатгандар. Бошқа христианлар сингари Арабистон насронийлари ҳам болаларини черковда чўқинтиргандар. Бу маросим "Инжил" ўқилиб, болани муқаддаслаштирилган сувга солиш билан ўтказилган. "Тагмис" ёки "Тасбиф" деб аталган бундай маросимдан сўнг (ислом динида хатни қилиш сингари) боланинг қўли "тозалангандар", "ҳалолланган", ҳисобланарди...

ИСЛОМ АРАФАСИДА АРАБ ЯККА ХУДОЛИГИ

Кўпчилик совет исломшунослари, ҳатто уларнинг ичидаги эътиборлилардан бўлган Е.А.Беляев ҳам жоҳилия арабларида диний тасаввур ривожланмаган, жуда паст даражада, муайян идеологик системага бирлашмаган, хуллас, синфий жамиятлардан олдинги даврларга хос ҳолатда эди, деб ҳисоблайдилар. Бундай таъриф Марказий Арабистон саҳроларида яшаган баъзи араб қабилаларига нисбатан тўғри келсада, ярим оролнинг бошқа қисмлари учун бутуналай хатодир. Масалан, тарихий тараққиёти барвақтроқ бошланган Яманда V-VI асрларга келиб, худолар пантеони ягоналашган (унификациялашган), натижада у ерда мустақил равишда кўп худоликдан якка худога эътиқод қилишга етиб келинганди. Аммо бу эътиқод бир томондан умумияман давлати – Ҳимёрнинг қулаши, жамиятда бадавийликнинг кучайиши, иккинчи томондан ташки кучлар – Византия, Ҳабашистон ва Эроннинг тазиёти туфайли ҳукмрон динга айланмади. Айни вақтда бундай диний ҳаракат ярим оролнинг бошқа қисмларида ҳам бошланганди.

Жанубий ва шимолий қадимги араб ёзувларида "раҳмон", "раҳим", "самиъ", "ҳалим", "ҳаким" каби сўзлар худоларнинг исми тарзида берилган. Аслида бу сўзлар худоларнинг сифатларини англатган бўлса керак, чунки улар луғавий жиҳатдан кўпинча моддий эмас, балки маънавий тушунчаларни беради. Ислом бу атамаларни "ал-асмо ал-ҳусна" (чиройли исмлар) номи билан Оллоҳга сифат қилиб олди. Ҳозир ҳам мусулмонларда дуо пайтида "Оллоҳ" сўзи ўрнига "ё Самиъ", "ё Ҳаким" деб мурожаат қилинади. Бу мулоҳазани биз ўрганаётган мавзуга нисбатан олсак, кутилмаган хулоса келиб чиқади: демак, араб политеизмида (кўп худолилигида) худоларнинг сони биз ўйлагандек жуда кўп (300 дан ортиқ) эмас, аксинча, ислом арафасида уларнинг сафи шунчалик сийраклашган

әдикі, араблар якка худолик (тавхид) гоясина қабул қилишга етилиб қолғандылар.

Маълумки, қадимги дунёнинг муайян тарихий даврида мавжуд тузум ва гоявий муҳитга қарши тарғибот билан майдонга чиққан шахслар ўзларини пайғамбар деб эълон қилғанлар. VI аср охири ва VII аср бошларидаги Арабистон гоявий муҳити ҳам пайғамбарлик ҳаракатини вужудга келтирди. Мұхаммад ўзини Оллоҳнинг элчиси (расулулло) деб эълон қилған бир пайтда, балки ундан ҳам бир оз олдинроқ ўз қавмларининг эътиқодини қоралаб, ўзга эътиқодга ўтиш зарурлигини тарғиб қилиб юрган бошқа кўп шахслар ҳам пайғамбарликни даъво қилдилар. Яномада -Мусайлима, Яманда - Асвад, Марказий Арабистонда Сажжаҳ исмли аёл ва Тулайха, Мадина (Ясириб) да ибн Сайёд шундайлардан эди. Мұхаммаднинг йўли – ислом – ғалаба қозонгач, шу давр намоёндаларидан фақат унинг набийлиги (пайғамбарлиги) зътироҳ қилинди, бошқалари эса мусулмон тарихчилигига мутанааббийлар (яъни соxта пайғамбарлар) дегани ном олдилар.

Ҳеч шак-шубҳасиз, ислом арафасида Арабистонда вужудга келган диний ҳолат бир неча аср давом этган жараённинг натижасидир. Кўнинча пайғамбарларни асосан яхудий динига хос нарса, бошқа динлардаги пайғамбарлар эса Таврот таъсирида вужудга келган деб қаралади. Аммо Қуръонда Ҳуд, Солиҳ сингари Тавротла зикр қилинмаган араб пайғамбарларининг исми келтирилган. Агар бу исмлар жоҳилия арабларига таниш бўлмаганида уларни эзлатишдан фойда йўқ эди. Шунингдек, Қуръонда "Луқмон" сураси бор. Тўғри Луқмон Ҳаким ҳақида пайдо бўлган кўплаб ривоятларда Тавротнинг таъсири катта. Аммо баъзи муфассирлар уни ҳам арабларга маълум пайғамбар деб ҳисобладилар. Араб мифологиясида Холид б. Синаи, Ҳанзала б. Сафвой каби пайғамбарларнинг номи ҳам учрайди. Бундан ташқари жоҳилия адабиётида пайғамбар деб номланмаса-да, аммо дин тараққиётининг муайян даврлари уларнинг исми билан боғланган шахслар кенг ёритилган. Масалан, Арабистонда санамларга сифинишни Амр б. Луҳайй бошлаб берган деб ҳисобланади. Араб анъанасига кўра, қурайш қабиласининг мавқеини кўтариш учун унинг бошлиғи Қусай биринчи навбатда Каъбага арабларнинг ҳаж қилиши билан боғлиқ чора тадбирларни тартибга соглан.

Яна шуни унутмаслик керакки, исломдан олдин ҳар бир араб қабиласи ўзининг бир ёки бир неча коҳинига, яъни диний арбобига эга бўлган. Коҳин эркак киши бўлиши шарт эмас, аёл коҳинлар ҳам бор эди; масалан, қурайш қабиласида Савдо бинт Зуҳра исмли коҳина ҳаммага маълум эди. Бемалол айтиш мумкинки, объектив равишда баъзи коҳинлар ўз қабиладошларини исломга тайёрлашда муҳим роль ўйнадилар. Улар қабиладошлари орасида яҳудий динидаги кичик пайғамбарлар мақомига эга эдилар. Қабила аъзолари диний ва дунёвий масала-ларда коҳинлар билан маслаҳатлашардилар. Коҳинларнинг фол очишида ва одамлар билан гаплашишда ўзига хос тиллари, услублари бор эди. Жанр жиҳатидан на назм ва на насрга тӯғри келмайдиган бу услуб "сажъ" деб аталарди. Бир неча аср давомида такомиллашиб келган бу нутқ санъати кейинчалик ўрта асрларда ҳам ривожланди. Пайғамбарликни даъво қилган Мусайлимага тегишли ва бизгача етиб келган баъзи жумлаларга қараганда, у ҳам худди шу услубдан фойдаланган. Қолаверса, Макка мушрикларининг Муҳаммадга қўйган айблари (таъналари) орасида унинг коҳин эканлиги, унинг сўзлари коҳинларнинг сўзларига ўхшашлиги бор эди. Бунга жавобан Қуръоннинг қўйидаги оятлари тушган деб ҳисобланади: "У (яъни Қуръон) олийҳиммат расул тили билан айтилган: сизларнинг камдан-камингиз ишонадиган шоир тили билан эмас, сизларнинг камдан-камингиз эслаб қоладиган коҳин тили билан эмас, у оламларнинг парвардигоридан тушган ваҳидур" (Ал-ҳоққа сураси, 40–43). Бошқа бир оятнинг мазмуни ҳам шунга яқин: "(Эй, Муҳаммад) тарғибот қил, парвардигоринг неъмати туфайли коҳин ҳам эмассан, мажнун ҳам" (ат-Тур сураси, 29).

Худди шу даврда араб жамиятида ўзига хос бир тоифа кишилар пайдо бўлдики, улар санамларга сифинмасдилар, яҳудий ҳам, насроний ҳам эмасдилар, қандайдир ягона худога сифинардилар. Ахборийлар улар ҳақида кўпинча мавҳум, бир-бирига зид маълумот берган бўлсалар-да, яқдиллик билан уларни ҳунаро (бирлиги "ҳаниф") деб атаганлар. Ҳанифлар очиқдан-очиқ бутпарастларни масхара қилар, ўша давр араблари орасида кенг тарқалган ичкиликбозлик, қиморбозлик ва бошқа заарли иллатларга қарши курашга чақирадилар. Албатта уларнинг даъвати

зодагонлар, амалдорлар ва санамларга хизмат қилувчи-
ларнинг қаршилигига учради. Кўп ҳанифлар бир жойда
муқим турмай, дарвеш-қаландарлар тарзида ҳаёт кечи-
ришга, мамлакат бўйлаб дайдиб юришга мажбур бўлдилар.
Ҳанифларни яҳудийлар ёки христианлар сингари мустақил
дин вакиллари сифатида тасаввур қилиб бўлмайди. Уларга
ҳар турли қабилага мансуб бўлган, ўзаро йирик робитага
бирлашмаган, асосан санамларга қарши ва ислоҳотга
даъват қилиш фикри билан банд кишилар сифатини бериш
мумкин. Ибн Ҳишом ўзининг "Сира" сида ҳанифлардан
Зейд б. Амр, Варақа б. Навфал, Убайдулло б. Жаҳш,
Усмон б. Ҳувайрисларнинг қисқача таржимаи ҳолларини
келтириб, улар кичик бир гуруҳ (усба) ташкил қилган-
лари, қурайшиларнинг тоат ибодатлари ва маросимларини
инкор этганларини қайд қиласди.

Зайд б. Амр қурайш қабиласининг Ади уругидан,
замонасининг саводхон кишиларидан ҳисобланган. У
узоқ муддат Шомда яшаб, сўнг Маккага қайтиб келган
ва айтишларича, Муҳаммадга ваҳий келишидан 5 йил
аввал, қурайшилар Каъбани қайта қураётган пайтда
(605 й.) вафот қилган. Унинг ўғли Саид б. Зайд
биринчи мусулмонлар қаторига киради. Варақа б. Нов-
фал Макка аҳлига кўпроқ насроний сифатида маълум
эди. Пайғамбарнинг биринчи хотинлари Хадичага ама-
кивачча бўлган Варақа, айтишларича, Инжилни яхши
билган. Пайғамбарга биринчи ваҳий тушганидан сўнг /
Муҳаммад ва Ҳадича унинг олдига "маслаҳатга" ке-
лишни лозим топгандар. Убайдулло б. Жаҳшнинг шах-
си ҳам илк ислом аҳлига яхши таниш эди, чунки
у биринчилар қаторида исломни қабул қилган, хотини
– Умм Ҳабиба (Абу Суфённинг қизи) билан биргаликда
615 йили Ҳабашистонга ҳижра қилган мусулмонлар
жумласига кирганди. Ҳабашистонда Убайдулло исломдан
чиқиб, христиан динига киради ва ўша ерда ҳалок
бўлади. Кейинчалик муҳожирлар орасида Мадинага
қайтиб келган бева Умм Ҳабибани Муҳаммад пайғамбар
ўз никоҳига олади. Усмон б. Ҳувайрис шунчаки но-
розилик билан чегараланмай, мушрикларга қарши қу-
рашда катта кучга таянишга ҳаракат қилган кўринади.
У Византия императорининг қошига боради ва у ерда
хайриҳоҳлик билан қабул қилинади. Христиан динига
киргач, унга "батриқ" (патриарх) унвонини берадилар.

Императордан Маккага ҳоким (малик) лик гувоҳномаси билан келган Усмон Макка зодагонлари томонидан қутии қилинади ва пировардида у Шомда қотил томонидан заҳарланади.

Ҳанифлар сафига кирғанлардан ахборийлар ривоятлари ва жоҳилия шеъриятида энг кўп ўрин олган шахс – шоир Уммия б. Абу Салтдир. У Мұҳаммаднинг замондоши, ғафоти ҳижрий 9-йилга тўғри келади. Айтишләрича, у бутпарастликка қатъян қарши бўлган, аммо Мұҳаммад таргистини қабул қилмаган, ҳатто унга қасдлик ва ҳасад қилиб: "Мен унинг ўрнида бўлишим керак эди", – деган. Ат-Табарийнинг тафсирига кўра (9,83) Аъроф сурасининг 175 ояти шу кишига ишорадир.

Уммия бошқа жоҳилия шоирлари сингари кўп мадҳия (эссан Макканинг энг бой кишиларидан Абдулла б. Жудъонга бағишланган) ва марсиялар тузган. Унинг бу шеърларидан шундай холоса чиқариш мумкинки, у топинган худо борлиқни барпо қилган (халақа ал-Кавн), ерга тоғларни ўрнатган ва экинларни ўстирган, инсонларга ҳаёт ва мамот берувчи, ўлгандан сўнг уларни тирилтириб, қилган ишларига қараб жанингта ёки дўзахга йўлловчи ягона худодир. Шоирнинг тасаввурида гуноҳкорлар дўзахга яланғоч борадилар ва тирик ҳолда (чунки ўлим – азобдан қутулишдир) абадулабад оловда ёнадилар. Тақводорлар эса Дор ас-Сидқда (ҳақгўйлар макони) соя – салқинда дам оладилар. У ерда улар ҳоҳлаган ҳамма нарса: асал, сут, шароб, олма, анор, анжир, яхдек тоза сув бор, кўнгилни хушлайдиган, кўзга лаззат берадиган, қуёш кўрмаган, калта бўй ҳурлар таҳтда ясланиб ётади (Ҳурун... навоим фил ароик қосирот). Ҳадисга кўра Мұҳаммадга Уммиянинг 100 та байтини ўқиб берганларида у: "шеъри мўминники, аммо қалби кофирники", – деган экан.

Уммия шеърлари тўпланган "Девон" да бундан ташқари расул ва пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар, Одам ато, Нұҳ, ва Тўфон қиссаси, Иброҳим ва унинг ўғли ҳақида, Довуд, Мусо ва Фиръавн ҳақида, Исо ва биби Марьям ҳақида ва шу сингари бошқа кўп ривоятлар учрайди. Қизиги шундаки, бу мавзуларда кўпинча Уммиянинг талқини ва ҳатто иборалари ҳам Қуръон матнидан деярли фарқ қилмайди. Буни қандай

изоҳлаш мумкин? Уммия Қуръондан олганими? Ёки Қуръон Уммияданми? Масаланинг мушқуллиги шундаки, биринчи ҳолатда мусулмонлар, айниқса, Муҳаммад ўзи буни фош қилган бўларди. Иккинчи ҳолатда эса, аксинча, мушриклар бу ҳақда жар солардилар. Лекин иккала қабилда ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ. Учинчи фараз ҳам бор: Қуръон ва Уммия шеърларининг манбай - Таврот ва Инжилдир. Бу фараз ҳам мақбул эмас, чунки бу ҳолатда кўплаб мутанаббийлар бу масалага бефарқ қарамасдилар. Бунинг устига Қуръон ва Уммия шеърларида айнан бир-бирига ўхшаш мотивларнинг кўпчилиги умуман Таврот ва Инжилда йўқ. Энди ҳар иккала матнининг аслилиги масаласига келсак, Қуръон матнининг тарихийлиги шубҳа йўқ. У 610-632 йиллари вужудга келган, деярли ҳар бир суранинг қай муносабат билан пайдо бўлганини тахминан бўлса-да, тасдиқлаш мумкин. Уммия шеърлари хусусида эса ундай деб бўлмайди. Туғри унинг шоир бўлганилиги, ўз қавмининг динига қарши чиққани, Таврот, Инжил, ва умуман, тавҳид гоясидан хабардор бўлганини ҳеч ким инкор қиласайди. Аммо на яхудийларга ва на христианларга номаълум, фақат Қуръонда ўз аксини топган баъзи тушунчаларнинг Уммия шеъриятида айнан учраши масаласи унинг оғиздан-оғизга ўтиб келган шеърларини тўплаган ўрта аср араб филологларининг виждонига ҳавола. Улар исломдан олдин ҳам мўмин-мусулмонлар бўлган деган мазмунда исломга сидқидилдан "хизмат" қилиш мақсадида "қош қўяман деб кўз чиқаришган", кўринади. Бу масалага чуқур кирмаган ҳолда (Уммия ижодини ўрганиш ёдабиётшуносларнинг иши) шуни айтиш мумкини, баъзи "тўқималар" умуман далилга муҳтоҷ эмас. Уммияга мансуб қилинган бир қасидада ҳижрий 9-йили вафот қилган шоир, ундан 2 йил кейин юз берган Муҳаммад пайғамбарнинг вафоти хусусида сўз юритади. Афсуски, бундай мисолларни фақат Уммия б. Абу Салт эмас, бошқа жоҳилия шоирларига мансуб қилинган шеърларда ҳам учратиш мумкин.

Қуръоннинг 9 та сурасида (Бақара, 135; Ол-Имрон, 67; ан-Нисо, 125; ал-Аньом, 79, 161; Юнис, 105; ан-Наҳл, 120, 123; ар-Рум, 130; ал-Ҳаж, 31; ал-Байина, 5) ҳанифлар зикр қилинган. Бу сураларнинг мазмунига

кўра ҳанифлар яҳудий ҳам, христиан ҳам, мушрик ҳам эмас, балки Иброҳимни ўзига ўрнак қилиб олган кишилардир (ман иттабаъа миллата Иброҳим ҳаниф). Иброҳимга энг яқин кишилар жумласига Қуръон, Муҳаммад пайғамбар ва имон келтирганларни (яъни мусулмонларни) қўшади. Ҳозирги замон араб тилида ҳам "ҳаниф", "ҳунафо", "ҳанафия" сўзлари "ҳақиқий мусулмон", "ягона Оллоҳга эътиқодга асосланган ҳақиқий дин" (яъни ислом) маъноларида ишлатилади. Демак, Қуръон талқинига кўра, Муҳаммад "миллат Иброҳим ҳаниф" га мансуб бўлиб, "дин Иброҳим ҳаниф" ни тиклаган ва давом этдирган бўлиб чиқади.

Уммия б. Абу Салтга мансуб қилинган бир байтда "Қиёмат кунида Оллоҳ олдида дин ал-Ҳанифадан бошқа ҳамма динлар соҳтадир ("Куллу динин ёвмал-қиёма индаллоҳи илло дин ал-Ҳанифа зўр"), – деган сўзлар бор. Авваламбор, бу сўзларнинг ўзи сохта бўлмаса, яъни бу сўзлар ҳақиқатан Уммияга тегишли бўлса, унда "ҳаниф", "ҳанафия" атамаларининг Уммия берган талқини Қуръон ва ислом талқинидан фарқ қилмаяпти.

Ислом арафасида баъзилар монах либосини кийғанларни ҳаниф деб ҳисоблардилар, аммо Муҳаммад уларни ҳанифларга муҳолиф деб биларди. Шундай ривоят бор: монах либосини кийғанлардан Абу Омир б. Нўймон Мадинаға келиб пайғамбарни учратибди-да, бу ерга нима олиб келдинг, деб сўрабди. Пайғамбар: "Иброҳимнинг дини – ҳанафияни", – деб жавоб берибди. "Мен ҳам шу диндаман", – деган экан Абу Омир. "Йўқ, сен у динда эмассан, балки унда бўлмаган нарсани киргизгансан, сен фосиқсан". – дебди пайғамбар. Абу Омир, шу ривоятга кўра, Муҳаммадга аччиқ қилиб Мадинаға қарши қўшин юбориш, яъни исломга қарши курашга кўндириш мақсадида Византияга отланибди, аммо у ёққа кетаётib, Шомда вафот қилибди.

Қуръонда жоҳиля арабларининг яна бир тоифаси зикр қилинган: улар собиълардир. Ас – собиъуна сўзи Бақара сурасида яҳудлар ва насронийлардан бевосита кейин (62-оят), ал-Моида (69-оят) ва ал-Ҳаж (17-оят) сураларида уларнинг ўртасида эслатилган. Ҳозирги кунда ҳам Ироқнинг жанубида ва Сурияning Ҳаврон районида шу ном билан аталадиган, осмон жисмларига топинадиган диний жамоалар бор. Аммо бу жамоаларнинг Қуръондаги

"собиъа" га алоқаси йўқ. Улар Ироқ тарихчиси Абд ар-Раззоқ ал-Ҳасанийнинг фикрича, халифа Маъмун (813–833) даврида пайдо бўлган диний тоифалардир.

Ўрта аср араб манбаларида "сабо", "собиъ" (сад ҳарфи билан; син билан ёзиладиган сабаъ давлати бошқа) сўзларининг ишлатилишига эътибор берилса, уларнинг бир нарсадан иккинчи нарсага, айтайлик, бир диндан чиқиб иккинчи динга ўтиш маъносини англатганини кўрамиз. Қурайшилар пайғамбарни "собиъ", саҳобаларни эса кўплиқда "субот" (яъни ўз қавмининг динидан чиққанлар) деб атаганлар. Шу манбаларда "собиъ" сўзи кўп ҳолларда "ҳунафо" ўрнида келади; иккала тоифа ҳам Иброҳим шахси билан боғланган ва биринчи собиълар ҳунафо жумласига киритилган. Шундан кўринадики, собиъалар ислом арафасида ўзаро келишмовчилик туфайли ўз қавмининг диёнатидан чиқиб кетган, яъни санамларга ибодат қилишдан чиқиб, тавҳидга даъват қилган кишилар экан. Қурайшилар "соби" ва "субот" сўзларини илк мусулмонларга нисбатан ишлатганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Исломга киргасдан олдин Умар б. ал-Хаттоб ҳам пайғамбарни "соби" деганлар жумласида эди, исломга кирганидан сўнг унинг ўзини ҳам "соби" дея бошладилар. Абу Зар ал-Ғаффорий исломга кирганида Макка аҳли васаниядан (кўп худоликдан) чиқиб "сабо" қилгани учун уни калтакладилар. Макка бойларидан Мутъим б. Адининг хотини саҳоба Абу Бакрнинг қизини ўз ўғлига унаштирмоқчи бўлганида, унга ўзини "собига" айлантириб қўйишидан қўрқаётганини лйтган. Демак, мушриклар учун "субот" ёки "суббо" сўзлари мусулмонлар маъносини англатган. Ҳуайн жангига Дурайд б. Самма ўз қавмининг бошлиқларидаи бирига қаратади: "Субболарни отларининг устидан улоқтири", – деб хитоб қилган. Жоҳилия шоири Лабид Мадинада пайғамбар билан учрашиб исломга кирганидан сўнг, кутилмаганда безгак касалига йўлиқиб ҳолади ва ун қабиласи бану Омирга қайтиб келади. Унга балтишланган бир марсияда "Жита би дийн ас-Собиийна" (Собилар динини келтирдинг) деган ибора бор. Ўу ерда "дийн ас-Собиийна" ислом динини кўзда тутяпти, албатта. Машҳур ислом лашкарбошиларидан Халид б. Валид Жузайма қабиласи устига аскар билан

келганида улар: "сабоъно, сабоъно" яъни исломга кирдик, деб нило қилганлар. Вельхаузен ўзининг китобида васанийлар бу сўзни мусулмонларга нисбатан ишлатган кўп ҳолатларни тўплаган.

Шуни айтиш керакки, васанийлар ҳар бир мусулмонни ва умуман исломга мойиллик билдирган ҳар бир кишини "соби" деб атаганлар. Бу ўзига хос бир айнома эди. Мусулмонлар ўз навбатида бунга бефарқ қарамасдилар ва шу зайлдаги ҳар бир айрим ҳодисани ўзларига нисбатан ҳақорат деб билардилар. Жумайл. б. Муаммар ал-Жамҳий бир неча қурайший тўпланиб турган жойда пайғамбар ҳузурида "Ибн Хаттоб собиъ бўлди (Ибн Хаттоб қад сабоъ)", – деб айтганида, Умар унга: "Бўхтон! Мен исломга кирдим", деб жавоб берган. Қурайшилар барисири: "Умар собиъ бўлибди", деб тарқалгањлар. Бу ва бошқа бир қанча воқсаларга қарадаганда, мусулмонлар ўз динларининг қоидалари ва "ас-Собиъа" ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик кўрмаганлар. Айни вақтда улар "ҳунафо" номи билан фахрланганлар, чунки ҳанифларни ўзларининг бевосита ўтмишдошлири, Иброҳимни эса ҳаниф, биринчи мусулмон деб ҳисоблаганилар.

Демак, "собиълар" ўз қавмининг ибодатига қарши чиққан, уларниң ётиқоди билан келиша олмаган кишилар эди. Ҳанифлар ҳам санамларга ибодат қилишга қарши чиққанлари учун мушриклар назарида улар ҳам собиълар эдилар. Уларниң баъзиларига яҳудий ёки христиан динлари таъсири қилган бўлиши мумкин, аммо бу шарт эмас, чунки бундай ҳолат одатда индивидуал тарзда, узоқ ўй, фикр, шак-шубҳалар натижасида вужудга келади. Акс ҳолда тошларга сифиниш бефойда эканини англаган ҳар бир жоҳиля араби яҳудий ва христиан динини осонгина қабул қилган бўларди.

Кўриниб турибдики, ислом арафасидаги араб жамиятида мавжуд муқаддас китоблардан (Таврот, Инжил, Талмуд) хабардор, баъзи ажнабий тилларни билган ҳамда фалсафий ва ақидавий фикрлар устида бosh қотирган кишилар талайгина бўлган. Шундай экан, исломдан олдинги арабларниң дин масалаларидан "жоҳил" бўлганликлари ҳақидаги кўпчиликнинг онгига сингиб кетган фикрни қайтавериш ҳам ўринсизга ўхшайди.

Ислом арафасида диний тафаккур тез авж олганининг ёрқин далили – ҳар хил ақидаларниң кўплигидир.

Жоҳилия арабларининг баъзилари ўлимдан сўнг қиёмат кун (ёвм ал-ҳисоб) келиши, кимгадир яхши мукофот (савоб), кимгадир ёмон жазо (иқоб) берилажаги ҳақидаги фикр эди. Аммо араблар бу қайтишни қай шаклда тасаввур қилганларини билмаймиз: инсон ҳаётдаги ўз ҳолига қайтадими ёки қадимги мисрлилар тасаввури сингари мумиёлаб сақланган жасадга жон қайтадими? Қандай бўлганда ҳам баъзи қабрлар устида қилинган қурбонликларнинг қолдиқлари арабларда бу фикр мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи белгилардандир.

Жоҳилия арабларининг "даҳр" ақидасига алоҳида тўхташ керак. Бу ақида инсоннинг тақдиди олдиндан аниқланганлиги, у эркин иродада ёки ихтиёр эгаси эмаслиги, пешонасига "ёзилган" нарса албатта содир бўлажаги ва ундан қутулиб бўлмаслиги ҳақида эди. Аксарият жоҳилия араблари шу ақидада эдилар, дейиш мумкин. Кейинчалик, ислом адабиётида "даҳрий" сўзини "муслим" га нисбатан омоним сифатида ишлатилганлиги шу сабабдан эмасмикан? Албатта, мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муҳитда борлиқни барпо қилган бир ёки бир неча худога эътиқод қилган киши ўзини уларнинг олдида жуда заиф деб ҳис қиласди. Бундай ҳиссиёт Қуръонда қўйидаги сўзлар билан ифодаланган: "Улар дейдилар: фақат битта – бу дунёдаги ҳаётимиз бор – яшаймиз ва ўламиз; бизни фақат даҳр (тақдир) ҳалок қиласди" (Ал-Жосия сураси, 24).

Шуни айтиш керакки, вақти келиб ер юзида бирорта тирик зот қолмаслиги ҳақидаги тушунча "даҳр" билан боғлиқ ва у ҳалигача ўз кучини йўқотган эмас. Ислом ҳаёт-мамот ва ўткинчи дунё ишларини Оллоҳ иродаси ва ҳукмига ҳавола қилган бўлса-да, мусулмонларнинг баъзилари ҳозир ҳам мушкул кунларида "даҳр" ни эслиб қоладилар.

Арабча "даҳр", "манун – маноё", "ажал – ожол", "ҳатф – ҳутуф", бизнинг тилимида эса "ўлим", "тақдир", "ажалнинг етиши" маъноларини англатадиган сўзлар билан ифодаланган бу ақидага кўра инсоннинг тақдиди унинг қўлида эмас экан, ўз навбатида бу ҳол қасрладир ёнг қудратли, ундан қудратлиси бўлмаган бир куч мавжудлигини тақозо қиласди. Чунки муқтадир муқаддир (шундай кучли тақдирловчи) бўлмаса тақдир содир бўлмайди. Жим экан жоҳилия араблари назарида бу муқаддир? Ву саволга

аниқ жавоб бериш қийин. Жоҳилия шеъриятида бу кучнинг инсонга нисбатан феъли – амалига ишоралар бор, холос; бирор марта ҳам унинг исми берилмаган. Фақат мавжуд иборалардан шу нарсани англаш мумкинки, бу куч, одатда, бир неча кучлар ёки худолар жумласи – шаклида эмас, балки ягона тарзда тасаввур қилинган. Демак, уларнинг ақидаси ҳам тавҳид ақидасига яқин келади.

Юқоридаги тааммулотлардан сўнг ўз-ӯзидан "Оллоҳ" сўзи ёки тушунчаси арабларда қачон пайдо бўлган, деган савол туғилади. "Оллоҳ" сўзи – илоҳий куч, бутун мавжудотни яратган худонинг номи сифатида, шубҳасиз, фақат ислом динида қарор топдӣ. Ҳатто Муҳаммад пайғамбар ўз диний фаолиятининг маҳфий ҳолда кечган дастлабки 3–4 йилида "Оллоҳ" сўзи ўрнига кўпроқ "рабб" (парвардигор, эга) сўзини ишлатган. Тўғри, эҳтиёткорлик нуқтаи назаридан шундай қилинган бўлиши мумкин. Қандай бўлганда ҳам бу нарса Қуръон матнида ўз ифодасини топди. Вақти жиҳатидан аввалги ҳисобланган 30 та сурада кўп учрайдиган "рабб" сўзи кейинги сураларда "ар-Раҳмон" (мехрибон) сифати билан тўлдирилган ёки алмаштирилган. Шундан кейингина ар-Раҳмон Оллоҳнинг асосий сифатларидан бирига айланган. Бу масалани ойдинлаштирувчи маҳсус оят ҳам бор: "Айт: Оллоҳга даъват қилинглар, Раҳмонга даъват қилинглар, қандай даъват қилгандарингда ҳам энг чиройли исмлар – Оллоҳникидир" (алі-Исрөъ, 110).

Бундан бир аср муқаддам немис олими Макс Мюллер политеизм (кўп худолилик) билан монотеизм (якка худолилик) ўртасидаги ўткинчи бир босқич тўғрисида ёзганли; генотеизм деб аталган бу босқичда инсон бошқа кўп худоларнинг мавжудлигига ишонган ҳолда муайян бир худо – қабила худосига сифинади. Қуръонда таъкидланишича, баъзи жоҳилия араблари санамларга сифиниш билан бир қаторда Оллоҳнинг мавжудлигига эътиқод қилгандар (аз-Зумар сураси, 3–6-оатлар).

Муснад (жанубий араб) ёзувларида "Оллоҳ" сўзи биронта, текстда ишлатилмаган. Сафавий (шимолий араб) ёзувларида эса "ҳолло" сўзи учрайдики, бу ерда "ҳо" араб адабий тилидаги аниқлик юкламаси "ал" нинг ўрнини босади. Шуни эслатиш диққатга сазоворки, аниқлик юкламаси "ал" билан "илоҳ" сўзининг бирикмаси ҳозирги

замон араб тилида икки шәклни олади: "ал-илоҳ" ва "Оллоҳ". "Ал-Илоҳ" сўзидан синиқ (флексив) кўплик шаклини яратиш мумкин – ал-Олиҳа", аммо "Оллоҳ" сўзи сонда турланмайди. Бу жиҳатдан жоҳилия арабларидаги "ал-Олиҳа" (худолар) бутпарастликда бўлган энг қадимги яҳудларнинг "Элоҳим" (иврит тилида "Элоҳ" сўзининг кўплик шакли) га тўғри келса, "Оллоҳ" сўзи монотеизмга ўтган яҳудларнинг "Яхве" сига мос келади. Ироқ тарихчиси Жавод Алининг фикрича, "Оллоҳ" ислом арафасида тавҳид ғоясига эътиқод қилган арабларнинг маҳсус худоси бўлган.

"Оллоҳ" сўзи деярли барча жоҳилия шоирларининг асарларида учрайди ва аксарият ҳолларда у қасам ибораларида ишлатилган. Юқорида жоҳилия шеъриятининг асллиги муаммоси борлигини айтдик. Баъзи шарқшунослар жоҳилия шоирлари учун "Оллоҳ" муайян санам билан боғлиқ бўлмаган умумлашма исмни англатган, деб хулоса қиладилар. Чунки, агар шоир фақат ўз қабиласининг санамини тилга олса, бошқа қабилалар учун у мақбул бўлмаслиги мумкин эди. Уларнинг тахминича, дастлаб "Оллоҳ" сўзи маъно жиҳатидан "Илоҳ" (худо) ва "рабб" (парвардигор, эга) сўзларидан фарқ қилмаган. Кейинчалик "Оллоҳ" умумлашма маъносини йўқотиб, исломдаги маҳсус маънони касб қилди. Бу хусусда бошқа бир фикр ҳам бор. Унга кўра "Оллоҳ" Мажидаги санамлардан бирининг исми ёки Макка аҳлиниң, яъни қурайш қабиласининг худоси бўлган. Одатда, Макка аҳлига қаратилган қўйидаги оятларни бу фикрининг тасдиғи учун дадил қилиб келтирадилар: "Чиндан ҳам сен улардан "Осмонлар ва Ерни барпо қилган, Қуёш ва Ойни одамларга хизмат қилдирган ким?" деб сўрасанг, улар "Оллоҳ" дейдилар (Анкабут сураси, 61-оят). "Агар сен улардан "Ким самодан сув тушириб ўлган ерни қайта тирилтиради" деб сўрасанг, улар "Оллоҳ" дейдилар (Анкабут сураси, 63-оят). Яна бир қанча сураларда (Луқмон, 25), аз-Зумор, 38; аз-Захраф 9,87) мушрикларга (Оллоҳга бошқа худоларни шерик қилганлар) қарата берилган шу сингари саволларга бир хилда "Оллоҳ" деган жавоб келтирилади. Ниҳоят, ал-Аньом сурасининг 148-оятида: "Мушриклар албаттга айтадилар: "Агар Оллоҳ ҳоҳлаганида на биз ва на ота-боболаримиз мушрик бўлмасдик", деган сўзларни учратамиз.

Кўриниб турибдики, бундай сўзларни айтиши мумкин

бўлган кишилар "Оллоҳни" билганлар, аммо мусулмонлар сингари унга тазарру қилмаганлар.

Бу фикрнинг далили учун яна бир мисол келтирамиз. Ахборийлар кўрсатишича, Макка зодагонлари ислом арафасида савдо-сулҳ битимларини ва, умуман, ҳарқандай ҳуқуқий ҳужжатларни "бисмика Оллоҳумма" ибораси билан бошлайдилар. Муҳаммад пайғамбар ҳам диний фзолияти бошлангунга қадар шу иборани ишлатган, кейин эса уни тарк қилиб "Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим" иборасини қабул қилган. Бу "хабар" жоҳилия арабларининг диний ҳаётида жуда катта ўзгариш юз берганидан дарак беради. Чунки мазкур иборадаги "Оллоҳумма" сўзи аниқ-равshan ягона худога ишора қиласди ва маъно жиҳатидан "Оллоҳ" сўзидан фарқ қилмайди (бу ерда "умма" сўз ясовчи суффикс эмас, балки "қотиб" қолган морфемадир). Ҳозирги кунда ҳам бутун мусулмон дунёсида масжидлардан тараалаётган дуоларда "Оллоҳумма" сўзи барадла эшигилади. Ҳижранинг 6-нчи йили (628 й) айнан шу ибора билан боғлиқ қизиқ воқеа юз берди. Муҳаммад ва Макка мушрикларининг вакили Суҳайл б. Умар ўртасида Ҳудайбия битими ёзилаётган пайтда Муҳаммад "Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим" деган ибора билан бошлашни буюрди... Аммо Суҳайл бунга эътиroz билдириди ва "бисмика Оллоҳумма" билан бошлашни талаб қилди. Котиблик қилаётган Али б. Абу Толиб қанчалик норозилик билдириласин, Муҳаммад сулҳга эришиш мақсадида талабни қабул қилди. Гап шундаки, Суҳайл "Оллоҳ" сўзига эмас, бутун иборага қарши эди, чунки "Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим" соф ислом ибораси бўлиб, уни албатта мушрик қабул қила олмасди.

Демак, Макка аҳли тўлиғича диний жиҳатдан жоҳил, халқ ва холиқ тушунчаларидан бехабар, кўплаб худоларга эътиқод қилган, яъни том маъносӣ билан бутпараст қавм бўлган, дейиш тўғри эмас. Аксинча, уларнинг маълум қисми ягона худонинг мавжудлигига иқрор бўлган, ислом тавҳидига жуда яқин ғояга эътиқод қилган кишилар бўлиб чиқяпти. VI аср охири – VII аср бошида Арабистоннинг сиёсий, иқтисодий ва диний маркази ҳисобланган Макка шаҳри, шубҳасиз, "худо изловчилик" жараённада ҳам етакчилик ролини ўйнаши табиий ҳол эди. Шундай экан, нима учун Макка аҳолисининг кўпчилиги "расул" га қарши курашди, уни жисмонан йўқ қилиш учун фитналар

уюштирди ва ниҳоят, Маккадан кетишга мажбур қилди, дегай савол туғилади. Бу саволга батафсил жавоб бериш бизнинг мавзуимизга кирмайди, уни ислом динининг вужудга келиш тарихига тааллуқли тадқиқотдан излаш керак. Шундай бўлса-да, бу хусусда бир мулоқаза билдиришни лозим топдик.

Гап шундаки, расул ягона худони тарғиб қила бошлаганида, ҳатто у Каъба ичидаги намоз ўқиб, қўлларини самога кўтариб, Оллоҳга нидо қилган пайтларида қурайш қабиласи унга қаршилик қилмади. Макка зодагонларининг пайғамбар ва унинг тарафдорларига қарши кураши ана шу "чегарадан" ўтилгандан кейин, яъни пайғамбар соғ тавҳид гоясига мувофиқ келмайдиган санамларга сигинишдан батамом воз кечишга даъват қила бошлагандан кейин қоз берди. Бу билан Мұҳаммад қурайшиларнинг Оллоҳни тан олган ҳолда, гўё унга яқинлашиш учун шағиғат истаб, санамларга сигиниши (аз-Зумар сураси, 3-оят), жин ажиналарни Оллоҳга шерик деб (ал-Анъом сураси, 100-оят), фаришталарни – Оллоҳнинг шериклари ва қизлари деб (Сабаъ сураси, 40-оят) ҳисоблаш, Оллоҳ билан бир қаторда бошқа худоларни ҳам тан олишга (ал-Анбиё сураси, 24-оят) асосланган ақидаси ёки динига қарши уруш эълон қилганди. Унинг назаридаги қабиладошлиридан баъзилари эътиқод қилган тавҳид ҳам христианларнинг фаришталар ва авлиёларга ишонишидан фарқ қилмасди. Мұҳаммад буларнинг ҳаммасини қатъян рад этиб, динни фақат "холисан лилло" бевосита Оллоҳ ва унинг бандаси ўргасидаги ибодатга айлантириш учун кураш бошлади. Сод сураси, 4-оятнинг мазмунига қарангандаги, қурайшилар учун энг қийин нарса – санамлардан воз кечиб, фақат ягона худога ибодат қилишга ўтиш бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Мұҳаммад пайғамбарнинг диний тарғиботи қурайш зодагонларининг илдизига болта уриш билан баробар эди, чунки уларнинг бутун Арабистон ярим ороли қабилалари устидан гегемонлиги заминида биринчи навбатда кўп худолилик ётарди. Қанчалик эскирган ёки примитив бўлмасин, Каъба пантсонига кирган санамларнинг хизмати билан боғлиқ маросимларга, анъаналярга беками-кўст риоя қилиш Макка бойлари даромадининг узлуксиз ўсиб боришини таъминларди. Унинг устига, катта савдо иши билан шугуулланимаган, йирик

мол—мулк эгаси бўлмаган киши томонидан батамом янги диннинг тарғиб қилиниши ўша давр ижтимоий ўлчовларига кўра мақбул эмасди. Шунинг учун ҳам улар Муҳаммад тарғиботига асрлар узра давом этган ва яна давом этиши керак бўлган ижтимоий-сиёсий тузумга барҳам берувчи воқеа сифатида қарадилар. Ўз наебатида ислом вужудга келиши жараёнида мафкуравий курашининг кескинлашуви кўп худолилик (ширк) устидан қатъий ҳукм чиқарилишини ва бутпарастликни таг—томири билан йўқотиш заруратини тақозо қилди.



МУНДАРИЖА

Тақдим	3
Кириш	6
Макка шаҳар-давлати	8
Ясриб (Мадина) шаҳар-давлати	32
Исломгача бўлган Арабистон динлари	46
Қадимги Арабистонга ташқи динларнинг кириб келиши	54
Ислом арафасида араб якка худолиги	64

Массовое издание

На узбекском языке

Хасанов Ахаджон

ИСТОРИЯ МЕККИ И МАДИНЫ

Издательство "Меҳнат" – Ташкент – 1992

Рассом *Х. Кутлуков*

Тех. муҳаррир *Ю. Сидоренко*
Мусаҳҳиҳа *Г. Жўраева, З. Одилова*

ОИБ № 1250

Босишга руҳсат этилди. 14.04.92. Ўлчами $84 \times 108^1/32$. № 2 қоғозга таймс гарнитурада оғсет усулида босилди. Шартли б. т. 4,20. Шартли бўёқ ўлчами 4,41. Нашр т. 4,2. Нусхаси 50000. Буюртма 352
Баҳоси буюртма бўйича.

"Меҳнат" нашриёти 700129, Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома № 256-91.

Макет-оригинали "Меҳнат" нашриётида техник ва программалаш воситаси АСПТИ асосида тайёрланди.


Ўзбекистон Республикаси Матбуот Давлат комитети, Тошкент. "Китоб" нашриёт-матбаа бирлашмаси З-босмахонасида босилди. Тошкент, Юнусобод, Муродов кўчаси, 1.

أحدجان حسنوف

١٢٠

مكة والمدينة

تاریخی



"MEXHAT"